

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X **QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI**

№7. 2019



**ХИРМОНИНГА БАРАКА,
БОБОДЕХКОНИМ!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида 20 миллион гектардан ортиқ, шу жумладан, 3,2 миллион гектар суғориладиган экин ер майдонларидан фойдаланиб, аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодий тармоқлари учун зарур хом ашё етиштирилмоқда.

Суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминоти яхшилаш мақсадида давлат дастурлари доирасида кенг кўламли ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда.

Натижада 2008-2017 йиллар мобайнида 1,7 миллион гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти ҳамда 2,5 миллион гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилди.

Бироқ глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги йилларда даврий равишда кузатилаётган сув танқислиги ва ички ирригация тармоқларининг асосий қисми яроқсиз ҳолатга келганлиги суғориладиган экин ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашишига ва йиллар давомида фойдаланишдан чиқиб кетишига олиб келган.

Республикада йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш, шунингдек, бу ишларда салоҳиятли инвесторлар иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ;

2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

2019-2022 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ерларида сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш доирасида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш ва давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳи) 5-иловага мувофиқ таркибда тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Ж.А.Қўчқоров, А.Ж.Вахабов, Ж.А.Ходжаев)га: халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда эксперимент тариқасида 2019 йилда Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулоқ туманларида Концепцияни амалга ошириш тажрибасини яратиш;

эксперимент натижалари асосида 2019 йил 1 ноябрга қадар Концепцияни амалга ошириш тажрибасини бошқа ҳудудларда жорий этиш, шу жумладан, ер ва сувдан фойдаланиш соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг аниқ шартларини, қўшимча имтиёзлар, алоҳида имтиёзли кредит линияларини ҳамда фойдаланишга киритилган ер ва сувдан фойдаланиш тартибини назарда

тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилсин; заруратга кўра, мазкур Фармоннинг 2-4-иловаларида белгиланган муддатлар ва ҳудудларни ўзгартириш ҳамда уларга қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки, Концепцияни амалга ошириш доирасида ирригация-мелиорация тармоқларини тиклаш, реконструкция қилиш, сув тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда сув-сизликка чидамли экинларни экиш орқали фойдаланишга киритиш учун инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида 50 йилгача бўлган муддатга:

қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар, шунингдек, лалми ва ўрмон фонди ерлари – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига; яйлов, бўз, кўп йиллик дарахтзорлар ва бошқа ерлар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган инвесторларга берилади.

4. Концепцияни амалга ошириш доирасида ер майдонларини фойдаланишга киритишда:

ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш, ерга ишлов бермасдан экин экиш ва ерларни иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқи берилади;

мазкур ер майдонлари мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади;

ушбу ер майдонларида барпо этиладиган инфратузилма объектларини (дала шийпон, маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар, суғориш иншоотлари ва бошқалар) жойлаштиришга рухсат берилади;

ердан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар, техника, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда божхона тўловлари (қўшилган қиймат солигидан ташқари) тўлашдан озод қилинади;

қонунчиликда белгиланган имтиёзли давр якунланганидан сўнг янгидан фойдаланишга киритилган ер участкасига нисбатан 10 йил давомида ушбу ер участкаси фойдаланишга киритилгунга қадар белгиланган солиқ ставкалари қўлланилади;

инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаридан ошмаган қисми қоплаб берилади;

инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ерларнинг сув таъминоти тизимларини қуриш, реконструкция қилиш учун жалб этилган кредитларининг

бир гектар ҳисобига 40 миллион сўмдан ошмайдиган қисмига тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 5 фоизлик пункти қоплаб берилади;

ер майдонлари инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим имзоланганидан сўнг қонун ҳужжатларида ваколат берилган давлат органи (мансабдор шахс) нинг қарорига асосан ажратиб берилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

суғориладиган қишлоқ ҳўжалиги ерлари махсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ ҳўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан, саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ажратиладиган ерлар бундан мустасно;

қишлоқ ҳўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиладиган суғориладиган ерлар учун компенсация тўлови, олиб қўйиладиган ер майдонлари жойлашган жойларни ҳисобга олувчи коэффициентлар қўлланилмаган ҳолда, худди шундай янги ерларни ўзлаштириш учун талаб этиладиган маблағнинг 10 баробари, лалми ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш билан боғлиқ харажатларнинг 20 баробари миқдорида ҳисобланади.

Бунда суғориладиган ерлар учун компенсация тўловининг 90 фоизи, лалми ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар ва яйловлар учун компенсация тўловининг 95 фоизи Республика бюджетига ҳамда мос равишда 10 ва 5 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг махсус ҳисобрақамларига ўтказилади.

Ушбу меъёр ўзбошимчилик билан ерларнинг қишлоқ ҳўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарарни ҳисоблашда ҳам қўлланилади ҳамда ҳисобланган маблағларнинг 95 фоизи Республика бюджетига ва 5 фоизи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий инспекцияларининг ривожлантириш жамғармасига ундирилади;

суғориладиган ерлар ҳисобидан боғдорчилик, узумчилик ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳамда иссиқхона ҳўжалиklarини ташкил этиш учун ер ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида амалга оширилади;

янги фермер ҳўжалиklари ва сув истеъмолчилари уюшмалари сувдан фойдаланиш жойларида сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан мажбурий тарзда жиҳозлаш шарти билан ташкил этилади;

ер майдонларини фойдаланишга киритиш сувни тежовчи технологиялардан (томчилатиб, ёмғирлатиб, тупроқ остидан томчилаб суғориш ва бошқалардан) фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) мазкур Фармоннинг 3-илоvasида белгиланган қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун талаб этилаётган маблағлар, 2019-2029 йиллардаги Инвестиция дастури доирасида давлат бюджетидан мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратиладиган маблағларнинг 5 фоизи миқдорида қўшимча равишда йўналтирсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ҳисоб-китоблари асосида "Минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш" Дастурида

қўзда тутиладиган қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғоришга яроқли бўлган ер ости сувлари захирасини аниқлаш ишларини молиялаштириш учун давлат бюджети ҳисобидан маблағ ажратсин;

в) Сув ҳўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартибини;

ер майдонлари эгаларининг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни рағбатлантирувчи механизмларни назарда тутган ҳолда табақалаштирилган солиқ имтиёзларини жорий қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда илғор халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда, ердан фойдаланиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларнинг намунавий шаклларини ишлаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги:

а) Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер майдонларини иккиламчи ижарага беришни назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) суғориладиган ва лалми ерлар, тоғ ва тоғолди ҳамда чўл-яйлов ҳудудларининг тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилишини;

замонавий усуллар асосида мамлакат озиқ-овқат таъминоти барқарорлигига эришиш учун янги серхосил қишлоқ ҳўжалиги экинлари, уларнинг бирламчи уруғчилигини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар ташкил этилишини ва ҳаётга татбиқ этилишини таъминласин;

в) Фармонда кўрсатилган вазифалар ижросининг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида вазирлик таркибида қўшимча 4 та штат бирлигидан иборат масъул бошқарма ташкил этсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлиklари 2020 йил 1 январдан бошлаб:

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда ҳар йили 1 ноябрга қадар мазкур Фармоннинг 3-илоvasида тасдиқланган майдонларнинг кейинги йилда қайта тикланадиган ва фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари манзилли рўйхатини шакллантириб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин;

пахта ва ғалла етиштириш рентабеллиги паст бўлган майдони умумий майдоннинг 50 фоиздан ортиқ бўлган туманларнинг барча экин майдонларини ирригация ва мелиорация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш шарти билан пахта ва ғаллани тўлиқ қайта ишлашни ташкил этувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган инвесторларга бериш юзасидан таклифлар киритсин; ушбу туманларда ташкил этиладиган пахта ва ғаллачилик йўналишидаги инвесторларга мазкур Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ҳукумат бўйсунувида қишлоқ ҳўжалиги ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат назоратини амалга оширувчи тегишли тузилма ташкил этилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Концепция ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг ахборотларини ҳар чоракда Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг мажлисларида эшитиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Ж.Вахабов зиммасига – Фармоннинг 3- ва 4-иловаларидаги прогноз кўрсаткичларни, Концепция ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини мониторинг қилиш ва зарурий чораларни кўриб бориш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига – Концепция ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини таъминлаш ҳамда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р.Хамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига – Фармоннинг 4-иловасидаги прогноз кўрсаткичлари ижросини таъминлаш, фойдаланишга киритилган майдонларда сув тежовчи технологияларни қўллаш, ирригация

тармоқларида сув йўқотилишини камайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қўшимча сув омборларини қуриш;

Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазири С.Ў.Умурзоқов зиммасига – Фармоннинг 3- ва 4-иловаларидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида халқаро молия институтлари ва чет эл инвесторлари маблағларини жалб қилиш бўйича жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга, қандайдиган ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари 3.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 17 июнь.*

ЕРИМИЗНИНГ ҲАР ҚАРИЧИ ҚАДРЛИ

Мамлақатимиз бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20 236,3 минг гектарни, шундан ҳайдаладиган ерлар 3 988,5 минг гектарни, қўп йиллик дарахтзорлар 383,1 минг гектарни, бўз ерлар 76 минг гектарни, пичанзор ва яйловлар 11 028,3 минг гектарни, бошқа ерлар 4 760,4 минг гектарни ташкил қилади.

Кейинги йилларда юртимизда ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини мақбуллаштириш ва уларни ажратишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш, ер-сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий бозор механизмлари, инновацион ва ресурс тежовчи технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республика аҳолиси сонининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифага ўтказилиши ва глобал iklim ўзгариши таъсирининг кескинлашу-

ви оқибатида охириги 15 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари ўлчами 24 фоизга (0,23 гектардан 0,16 гектарга), ўртача йиллик сув таъминоти даражаси эса 3 048 м³ дан 158,9 кубметргача қисқарган.

Узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ерларидан нооқилона фойдаланилиши оқибатида тупроқнинг табиий унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги пасайиб, етиштирилган маҳсулот сифати ёмонлашмоқда, атроф-муҳит ифлосланиши ортиб бормоқда. Жумладан, суғориладиган экин ерларидаги тупроқларнинг 93 фоизда ҳаракатчан фосфор миқдори, 68,3 фоизда алмашувчан калий миқдори, 79,3 фоизда гумус (чиринди) миқдори ўртачадан паст даражага тушиб қолган.

Қишлоқ хўжалигида ўртача йиллик сув сарфи 45 696 млн. м³ ёки иқтисодиёт тармоқларида истеъмол қилинган сув ресурсларининг 90 фоизини ташкил этиб, юқориликча қолмоқда.

Ер ва сув ресурслари тобора танқис бўлиб бораётган шароитда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда экинларни иқтисодий самарадор-

лиги ва бозор конъюнктураси инобатга олинмасдан ҳамда интенсив қишлоқ хўжалиги жорий этилганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми пастлигича қолмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатларда 1 м³ сув билан 4–6 АҚШ долларилек маҳсулот етиштириладиган бўлса, республикамизда бу кўрсаткич 0,15 АҚШ долларни ташкил этмоқда.

Ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш йирик капитал қўйилмалар талаб этиши, ушбу мақсадлар учун йўналтириладиган бюджет маблағлари ҳажмининг чекланганлиги, тўғридан-тўғри инвестицияларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб қилиш масаласига эътибор қаратилмаётганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги ерларининг фойдаланишдан чиқиб кетиши, ҳудудларнинг ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан нооқилона фойдаланиш каби ҳолатлар юзага келмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва тармоқ экспорт салоҳиятини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Республикада йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш, шунингдек, бу ишларда салоҳиятли инвесторлар иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур фармонда, қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”га кўра 2020–2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг ҳамда 2019–2022 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ерларида сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг прогност кўрсаткичлари тасдиқланди.

Концепцияда 5 та муҳим устувор вазифа белгиланган бўлиб, у асосан қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳамда сув ва гидроиншоотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва сотиш, логистика ва маркетинг тизимларини ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда илм-фан ва амалиёт интеграциясини жадаллаштиришга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади.

Концепцияни амалга ошириш доирасида ирригация-мелиорация тармоқларини тиклаш, реконструкция қилиш, сув тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда сувсизликка чидамли экинларни экиш орқали фойдаланишга киритиш учун инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида ерни 50 йилгача бўлган муддатга бериш белгиланди.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар, шунингдек, лалми ва ўрмон фонди ерлари – Ўзбекистон Республикаси

фуқаролари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига, яйлов, бўз, кўп йиллик дарахтзорлар ва бошқа ерлар – юқорида қайд этилган субъектлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган инвесторларга ҳам берилади.

Концепцияни амалга оширишда ер майдонларини фойдаланишга киритишда тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги механизмлари қўлланилмоқда:

ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш, ерга ишлов бермасдан экин экиш ва ерларни иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқи берилади.

мазкур ер майдонлари мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади.

Ушбу ер майдонларида барпо этиладиган инфратузилма объектларини (дала шийпон, маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар, суғориш иншоотлари ва бошқалар) жойлаштиришга рухсат берилади.

Ердан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган хомашё, материаллар, техника, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда божхона тўловлари (қўшилган қиймат солиғидан ташқари) тўлашдан озод қилинади.

Қонунчиликда белгиланган имтиёзли давр якунланганидан сўнг, янгидан фойдаланишга киритилган ер участкасига нисбатан 10 йил давомида ушбу ер участкаси фойдаланишга киритилгунга қадар белгиланган солиқ ставкалари қўлланилади.

Инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаридан ошмаган қисми қоплаб берилади.

Инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги

битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ерларни сув билан таъминлаш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш учун жалб этилган кредитларнинг бир гектар ҳисобига 40 млн. сўмдан ошмайдиган қисмига тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 5 фоизлик пункти қоплаб берилади.

Бунда ер майдонлари инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим имзоланганидан сўнг қонун ҳужжатларида ваколат берилган давлат органининг қарорига асосан ажратиб берилади.

Бундан ташқари, мазкур фармон билан қишлоқ хўжалиги ерлари маҳсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмайди.

Унга кўра, қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиладиган суғориладиган ерлар учун компенсация тўлови, олиб қўйилаётган ер майдонлари жойлашган жойларни ҳисобга олувчи коэффициентлар қўлланилмаган ҳолда, худди шундай янги ерларни ўзлаштириш учун талаб этиладиган маблағнинг 10 баробари, лалми ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш билан боғлиқ харажатларнинг 20 баробари миқдорида ҳисобланади.

Ушбу меъёр ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарарни ҳисоблашда ҳам қўлланилади.

Суғориладиган ерлар ҳисобидан боғдорчилик, узумчилик ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳамда иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш учун ер ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Ш.ТЕШАЕВ,

Қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари.

БУ ЙИЛ ҒЎЗА ҲАР ЙИЛГИДАН КЕЧ РИВОЖЛАНМОҚДА

бундай шароитда нималарга эътибор бериш керак?

Жорий йилнинг эрта баҳорида ёғингарчилик кам ва иссиқ келиши, май ойи эса серёғин бўлиши чигит экиш мавсумининг чўзилишига, ниҳолларнинг униб чиқиши турли муддатларга тўғри келиши туфайли ҳар хил ривожланиши, айрим жойларда қайтадан бузиб экилишга олиб келди. Бунинг оқибатида ғўза ривожига ўтган йилларга нисбатан 20–25 кун орқада қолмоқда. Бундай ҳолат ғўза агротехикасига ҳар йилгидан ўзгача ёндашувни тақозо этиб, агротехник тадбирларни илмий асосланган тавсияларга мувофиқ амалга оширишни талаб қилади.

Таъкидлаш лозимки, ғўза парваришида ёз чилласида бажариладиган ишларни ўз вақтида ўтказиш, ҳосилнинг эртаги, чўғининг баланд ва сифатининг юқори бўлишини таъминлайди. Бунда ғўзага биостимуляторларни қўллаш, ўғитлаш, суғориш, қатор орасига ишлов бериш ва чиллаиш ишларига жиддий эътибор бериш, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашишни самарали ташкил этиш зарур.

БИОСТИМУЛЯТОРЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Республикаимиз ғўза майдонларида шоналаш ва гуллаш даврларида биостимуляторларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Яъни ғўзани жадал ривожлантириш, сув ва озукка элементларидан самарали фойдаланиш, ташкил стресс омилига (кургоқчилик, шўр, гармсел ва ҳ.к.) бардошлилигини ошириш, энг муҳими, ривож кечки бўлган ғўзани эртаги етиштириш ва ҳосилдорлигини 10–20% оширишга эришиш мумкин. Бунинг учун республикаимизда маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқарилган “Узғуми” стимуляторини 0,3–0,4 л/га меъёрада бир-икки марта қўллаш мумкин. Шунингдек, “Фитавак” 200–400 мл/га, “Замин-М” 2,0 л/га, “Байкал ЭМ-1” 3,0–3,5 л/га меъёрада 250–300 л сувга аралаштирилиб сепилса, жуда самарали таъсир кўрсатади.

Жорий йилда Тошкент вилояти шароитида чигит экиш олдида “Биодукс” стимулятори билан 1,0–2,0 мл/т меъёрада дорилашиб экилиб, ғўзада 5–6 чинбарг пайдо бўлган даврида 2,0 мл/га меъёрада ишлов берилган далаларда бошқа далаларга нисбатан ғўза ривожига 10–12 кунга тезлашиб, ҳосил элементлар сони 5–6 тагача кўпроқ шаклланиб кузатилди. Шу сабабли ушбу стимулятор қўлланилган далаларда ғўзалар ривожига жуда жадал кечаётгани қайд этилмоқда.

Агар чигит қайта бузиб экилган далалар бўлса, албатта, стимуляторлардан мажмуий тарзда қўллашлари мақсадга мувофиқ. Яъни ғўза тўлиқ гулга кириб ҳосил тўплаш бошлангунгача юқоридаги стимуляторларни тавсия этилган муддатларига қўллаш шарт.

Ғўза бўйига жадал ўсиб, ҳосил элементлари пайдо бўлиши кечикаётган далаларда эса ғўзанинг бўйи 20–25 см бўлганда

“Энтожеан” ёки “Сожеан” препаратларини 15 г/га ёки “Мепикват” асосли бошқа ретардантларни қўллаш тезда ҳосилга киришига олиб келади ва бўйига ўсиб говлашини бартараф этади. Кейинги ишловларда “Энтожеан” ёки “Сожеан” ғўзанинг гуллаш даврида бўйи 45–50 см бўлганда 35–45 г/га меъёрада қўлланилиши тавсия этилади.

Биостимуляторлар қўлланган далаларда ҳосил тўплаш жараёни жадаллашиб, ҳосил элементларининг тўкилиши камаюди. Айниқса, жорий йил шароитида биостимуляторлардан унумли фойдаланиш юқори ҳосил етиштиришда жуда муҳим аҳамиятга эга.

ҚАТОР ОРАСИГА ИШЛОВ БЕРИШ

Ғўза қатор ораси юмшатиш ҳолда сақланиши унинг ривожига тезлашиши учун энг қулай шароитдир. Бунда ғўза илдизи эркин ривожланади, тупроқ намлиги ва берилган минерал ўғитлардан унумли фойдаланилади, бегона ўтлар йўқотилади. Бунинг учун ҳар сувдан кейин ер етилиши билан ўз муддатида сифатли культивация ўтказилиши кифоя. Ёз чилласида ғўза қатор ораларига ортқича кўп марта ишлов бериш ёки уни жуда чуқур ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас.



ЎҒИТЛАШ

Ғўзалар шонага ва гулга кира бошлаган пайкалларда азот ва фосфорли ўғитлар гектарига соф ҳолда 70–75 кг азотни (аммиакли селитра 210–225 кг) ва 40–50 кг соф ҳолда фосфорни (аммофос 80–100 кг ёки оддий суперфосфат 250–300 кг ёки супрефос 170–215 кг) ташкил қилади. Ғўза қатор оралари 90 см бўлса, ўғит ўсимлик қатордан 30–35 см ёнига, 60 см. да эса қатор оралари ўртасига 14–16 см чуқурликка солинади. Ғўзанинг гуллаш даврида гектарига 500–700 кг қуруқ гўнгни азотли ўғитлар билан биргаликда қўллаш пахта ҳосилини гектаридан 2,0 центнерга оширади. Ўсув давридаги озиклантиришнинг охириги муддати ғўза гуллаш бошлаганининг 10-кунига тўғри келиши керак. Бундан кечикса ғўзанинг ривожланиш даври чўзилиб кетиши мумкин.

СУҒОРИШ

Минерал ўғитларнинг самарасини ошириш, ғўза ривожини жадаллаштириш ва мўл ҳосил тўплашда суғоришнинг аҳамияти катта. Шу сабабли азотли ўғитлар билан озиклантирилган майдонларда пешма-пеш суғориш ишлари

ташкил этилиши шарт. Бунда жойнинг тупроғи, механик таркиби ва гидромодуль ҳудудларни ҳисобга олиб, суғориш муддати, меъёри ва сони қуйидагича белгиланади: сизот сувлари сатҳи чуқур жойлашган ерларда ғўзанинг гуллаш ва ҳосил туғиш даврида суғориш меъёри енгил таркибли тупроқларда гектарига 800–900 м³, ўрта ва оғир тупроқларда 900–1000 м³. Сизот сувлар сатҳи 2–3 м. дан 0,5–2,0 м. гача бўлган тупроқларда юқорида кўрсатилган меъёрдан 10–15 фоизга камайтирилиши лозим.

Гуллаш даврида суғориш давомийлиги механик таркиби енгил тупроқларда 14–16, ўрта ва оғир тупроқларда 16–18, ялли гуллаш ва ҳосил туғиш даврида эса мос равишда 16–18 ва 18–20 соатдан ошмаслиги керак.

Суғоришдан кейин ғўза қатор орасида тупроқ етилиши билан майин культивация қилиниши керак. Культивация кечиктирилса, кесак ҳосил бўлиб, сувдан самарали фойдаланилмай, шона ва гуллар тўкилиб кетади.

Сувдан сувгача ғўза қатор орасига 2 марта ишлов берилади, бунда суғоришдан кейинги культивация ва суғоришдан олдин эгат олишда механизмларнинг ишчи органларини тўлиқ бўлишини, тўғри ростилишини назорат қилиш зарур. Агар культивация кечикиб ўтказилса, ер ёрилиб кетади ва ишлов пайтида ғўза илдизи шикастланади, ўсиб-ривожланиши секинлашади, ғўза тез чанқаб қолади.

ЗАРАРКУНАНДА ҲАШАРОТЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ёз чилласида тунлари салқин тушади, ҳаво эса қуруқ ва иссиқ бўлади. Бундай шароитда кўсак қурти, ўргимчаккана, қандалалар, шира каби зараркунандалар кўпаяди. Шу сабабли зарарли ҳашаротларга қарши курашни янада кучайтириш зарур. Чунки озгина эътиборсизлик туфайли тўпланган ҳосилнинг 30–50 фоизигача бой берилиши мумкин.

Зараркунандаларга қарши курашишда асосан биологик кураш усулидан фойдаланиш, зарурият туғилганда кимёвий воситаларни қўллаш лозим.

Жорий йилда Тошкент вилояти шароитида “Бионоватик Агро” фирмасининг биологик препаратларидан фойдаланилган далалардаги ғўзалар турли зараркунандалардан етарлича ҳимоя қилингани кузатилмоқда.

Ф.ТЕШАЕВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Ш.АБДУАЛИМОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Б.НИЁЗАЛИЕВ,
қ.х.ф.д.,
Ф.ҲАСАНОВА,
профессор,

Пахта селекцияси, уруғчилик ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

ДЎЗАНИ ЧИЛПИШ - МУЎИМ ТАДБИР

Пахтакорлар учун чилпиш муЎим тадбирлардан бири Ҳисобланади. Чунки чилпишнинг Ўз вақтида бажарилиши шона, гул тугунчаларини сақлашга, кўсак пайдо бўлиш ва етилиш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади, оқибатда кўсакларнинг пишиши 5-10 кунга тезлашади ва ҳосилдорлик гектарига 3-4 центнерга ортади.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ғўза тупида бунёдга келган ҳосил элементларининг 70–80 фоизи ва ундан кўпроқ қисми тўкилади. Агротехник тадбирлар Ўз вақтида ва сифатли ўтказилмаса, ҳосил элементларининг тўкилиши янада кўпаяди.

Дўза гулга кириши билан ундаги шоналар тўкила бошлайди, аммо шона, гул ва тугунчаларининг кўплаб тўкилиши ғўзанинг гуллаш ва ҳосилга кириш даврига тўғри келади.

Бу даврда ҳосил органлари кўп тўкилишининг асосий сабаби ғўзага сув ёки озиқ моддаларнинг етишмай қолишидир. Бу даврда ғўза озиқ моддаларни энг кўп истеъмол қилади. Шунга кўра гуллаш, ҳосил тўплаш даврида ғўзанинг Ўз вақтида ва яхши парвариш қилиш йўли билан унга сув ва озиқ моддаларни етарли миқдорда, узлуксиз келиб туришини таъминлаш ғоят муЎимдир.

Шундагина энг кўп миқдорда ҳосил органларини сақлаб қолиш Ҳисобига шаклланиши таъминланади.

Дўзанинг дастлабки фазаларидан бошлаб ўсиш ва ривожланиш жараёнларини бир-бирига уйғун ҳолда бориши учун барча талаб этилган зарур шароитлар яратилиб парвариш қилинса, у июнь ойида шиғил ҳосилга киради ва кўплаб кўсаклар вужудга келади, ҳосил элементларининг тўкилиши кам бўлади.

Афсуски, ҳамма вақт ҳам барча майдонларда ғўзаларнинг нормал ўсиб ривожланиши ва шиғил мевалаш таъмин этилавермайди.

Айрим фермер хўжаликларда ғўзанинг нотўғри парвариш қилиниши, ерларга пухта ишлов берилмаслиги ўғитлардан оқилона фойдаланмаслик, суғориш агротехниканинг бузилиши ва бошқа қатор нуқсонлар оқибатида ғўзаларни чеканка қилиш усули келиб чиқди ва кейинги 50 йил мобайнида барча майдонларда ўтказиш лозим бўлган зарурий агротехник тадбирга айланиб қолди.

Ниҳоллар ривожига ҳар хил бўлган тақдирда чилпишни икки марта ўтказиш керак бўлади. Аввалига асосий ўсиш нуқтаси қирқилса, орадан 7–10 кун ўтгач, ён шохларининг учлари чилпиб ташланади.

Пахтакорларимиз чилпишни асосан қўлда бажаришади. Шунда асосий ва ён шохларнинг ўсув нуқталари билан бир қаторда шохчаларини ҳам чилпишади.

Кўпчилик хорижий мамлакатларда чилпиш кимёвий усулда амалга оши-



рилади. Улар биздагига қараганда анча барвақт, дастлабки гуллар пайдо бўлаётган даврда ғўзага “Пикс” дорисини пуркайдилар.

“Пикс” дориси бошқа препаратларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга. У сепилгач, ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ўртасида мувофиқлашув яхшиланиб, ҳосил эртаги ва мўл бўлади, тола сифатли бўлади. Шунингдек, ғўза тупи ихчам арчасимон шаклга киради. Бу эса қатор орасида ҳаво алмашинуви яхшилашга ҳамда кўсаклар чиришининг камайишига олиб келади. Энг асосийси, биринчи терим салмоғи гектаридан 5–6 центнерга ошиб, ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олишга имконият яратилади.

Кимёвий чилпиш қўлда бажариладиган оғир меҳнатга барҳам беради. “Пикс”нинг ўхшаши бўлган “Устикс” дорисини эса ўзимизда ишлаб чиқаришга ва амалда қўллашга рухсат берилган.

“Устикс”нинг ижобий таъсири, ўсимликнинг ғовлаб кетишини тўхтатиш, пахта ҳосилини кўпайтириши “Пикс”га

ўхшайди. Ўткир ҳидли эканлиги, заҳарлилиги сабабли уни қўллашда санитария қоидаларига қатъий амал қилиш, эҳтиёткорлик чораларини кўришни талаб этади.

Булар қаторида “Далпикс” ҳам тавсия қилинган. Бу препарат 1 гектарга 1–1,5 л сепилиши мақсадга мувофиқ.

Кимёвий чилпиш учун бу дориларни пуркаш вақти ва сарфлаш меъёри ғўза ривожига ҳамда бош поя баландлигига кўра белгиланади. Энг мақбул муддат – ўрта толали ғўза навларида ҳосил шохи 12–14 тага етган пайтдир. Дорилар билан ишлов беришни суғоришдан 6–7 кун олдин ўтказиш янада самаралидир.

Пиксни ишлатиш меъёри ўсимликнинг бўйига, ривожланиш даражасига қараб гектарига 0,5–1,0 литрни ташкил қилади. Агар ғўза тупи бақувват бўлса, унинг сарфи 1,5 литргача етказилиши мумкин.

Бунда сувли аралашма меъёри гектарига 200–300 литрдан ошмаслиги керак.

Ўсимликка препаратни ОВХ-28 ёки бошқа турдаги агрегатлар ёрдамида пуркагичлар билан тонгги ва кечки соатларда сепиш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, ғўза ғарқ гулга кирган пайтда чилпиш ўтказиш энг яхши натижа беради.

Кўпчилик туманларда чилпишни амалга ошириш июннинг иккинчи ярмидан июль ойининг ўртасидаги даврга тўғри келади.

Агрономлар ва тажрибали фермерлар чигит экиш муддати, ернинг унумдорлиги, қўлланилган агротехника тадбирлари, ғўзанинг нав хусусиятлари ва ҳолатига ҳамда ундаги ҳосил шохларининг миқдорида қараб ҳар бир пайкалда энг мақбул чилпиш ўтказиш муддатларини тўғри белгилашлари лозим.

Шуни унутмаслик керакки, Ўз вақтида тўғри ва сифатли ўтказилган чилпиш ҳосил элементлари тўкилишини камайтиради, ҳосилдорликни ва пахта сифатини оширади.

Чилпиш Ўз вақтида ўтказилиб, кўсакларнинг яхши етилиши таъминланса, барглари сунъий тўктириш ҳам яхши самара беради.

Р.ҲАЗАРОВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, к.х.ф.д., профессор.

БОЛГА ТЎЛАР БОҒУ ТОКЗОРЛАР

Республикаимиз боғ ва токзорларида айни пишиқчилик. Жорий йилда боғларда мевалар кўп бўлиб, улар бирин-кетин пишиб етилмоқда. Ёзнинг энг иссиқ (чилла) ойи ҳисобланган айни кунларда боғбону соҳибкорларнинг ишлари янада кўпайган. Улар пишиб етилган турли ноз-неъматларни сифатли қилиб йиғиб-териб олиб, халқимиз дастурхонига тортиқ этиш билан бирга маҳсулотнинг бир қисмини экспорт қилишга эътиборни қаратмоқдалар. Чет эл мамлакатларида бизнинг меваларимизга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Жорий йилда баҳорнинг эрта келиши, ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши боис, мевалар ҳар йилгига нисбатан 15–20 кун олдин пишиб етилмоқда. Шунинг учун боғларимизда пишиб етилган турли ноз-неъматлар истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда техник пишиш ёки физиологик пишиш даврида терилади. Узоқ жойларга юбориладиган меваларни техник пишиш ҳолатида, ички бозорга чиқариладиган меваларни эса физиологик пишиш ҳолатида узиш тавсия этилади.

Боғбон соҳибкорлар боғ-токзорлардаги ҳосилни сақлаб қолишлари учун саратон сувига қондириб суғоришга эътиборни қаратишлари лозим. Июль ойида қуёш ҳароратининг энг юқори даражага кўтарилиши сабабли мевали дарахтлар ва ток тупларининг сувга бўлган талаби ортади. Бу вақтда сув ичган боғ-токзорларнинг ҳосилдорлиги ортади, мевасининг сифати яхшиланади ҳамда меваларнинг тўкилиши камаёди. Ушбу ойда боғларни 2–3 марта қондириб суғориш керак. "Чилла суви – тилла суви" деб, халқимизда бежиз айтилмаган.

Ҳосилли боғларни суғориш учун боғларда дарахт тулларида 80–90 см узоқликда ариқ олинадилар. Токзорларда ток қаторидан 50–60 см узоқликдаги масофада очилган иккита суғориш ариғи етарли бўлади.

Агарда июнь ойида боғ-токзорлар озиклантирилмаган бўлса, озиклантиришни органик ўғитлар билан қўшимча "Шарбат" усулида бериш лозим. Шунда яхши натижага эришилади. Бунинг учун боғ-токзорларнинг юқори қисмидан сув келадиган йўлда хандақ ковланиб, гўнг солинган, сувга тўлдирилади, 3–4 кун аралаштирилиб, сўнг экинга таралади.

Янги боғ-токзорларда қўчатларнинг яхши ўсиб ривожланиши учун ҳар туп қўчат атрофига 100–120 г. дан азотли, 50 г. дан фосфорли ўғитлар солиниб, 2–3 марта қондириб суғорилади.

Тупроқда намликни сақлаш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида боғ-токзорлар қатор ораларида тупроқ етилиши билан 12–15 см чуқурликда культивация ўтказилади.

Интенсив боғларда ўғитлар сувда эритилиб, томчилатиб суғориш трубалари орқали берилади, бунда самарадорлик ортиб, ўғитлар тежалади.

Июль ойи бошларидан ёш ва ҳосилли боғларда ёзги шакл беришга киришилади. Бунда ёш боғларда дарахт танаси сийраклаштирилади, худди эрта баҳордагидек шакл бериш амалии оширилади. Дарахт шох-шаббаларининг зичлиги камайтирилганда, танасига қуёш нурунинг тушиши яхшилланиши эвазига, шохларнинг ҳосилга кириши тезлашади. Келгуси йили эрта баҳорда кучли кесиш ва сийраклаштириш ишларига ҳолат қолмайди.

Данакли боғларда (ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, йирик мева-

ли тоғ олча) ёз фаслида июнь ойининг иккинчи ярмидан то июль ойи бошларигача ҳосил йиғиб териб олингандан сўнг яъни бир йиллик ўсаётган новдаларни қирқиб, дарахт орасида қалин ўсиб кетиб, ҳаво ўтказмайдиган новдалар олиб ташланади.

Кўпчилик данакли боғларда эрта баҳорда дарахтларга шакл бериш, қирқиб ва сийраклаштириш ишларида айрим хатоликлар сабабли, яъни дарахтлар новдаларининг кучли кесилиши боис, баҳордан дарахтларда ҳаддан ташқари кўп новдалар ўса бошлайди. Жорий йилда об-ҳавонинг мўътадил бўлиши ёғингарчиликнинг кўп бўлиши боис новдаларнинг ўсишига қулай шароит яратилди. Июнь ойининг иккинчи ярмида данакли боғларда бир йиллик новдаларнинг узунлиги 150–200 см. га етади. Агарда ушбу дарахтларда ёзги кесиш ишлари олиб борилмаса, кузгача новдаларнинг узунлиги 3,5–4 м. гача етади. Ёзги новдаларни кесиш билан баҳорда ўтказиладиган кесиш ва уларга шакл бериш ишлари енгиллашади.

Данакли меваларнинг бир йиллик новдаларини кесишда новданинг узунлигига қараб 50–60 см новда қолдириб, қолган қисми олиб ташланади. Дарахтларнинг ички томонида кучли ўсиб, нов-

даларнинг бир-бирига ҳалақит берадиганлиги олиб ташланади. Бунда дарахтлар касаллик ва зараркундаларнинг замбуруғларидан холи бўлади. Ортиқча кесилган новдалар майда бўлакларга кесилиб, ерда қолдирилади. Ушбу новдалар ерда чирий бошлаб, тупроқ структурасининг яхшилашга имкон яратади.

Ёш интенсив боғларда янги новдалар симбағазларга эгиб боғланса, мева куртакларининг шаклланишини жадаллаштиради. Новдани боғлашда иложи борида уни эркин ушлаб, 70–80° бурчак остида эгиб боғлаш зарур.

Июль ойида боғларда парша ва монилиоз касаллиги, мева ва қўнғир рангли ўргимчакканалар, нокшира бургасининг ривожланиши кузатилса, уларга қарши 1 фоизли Бордо суюқлиги билан пуркаш керак. Олма қуртининг учинчи авлодига қарши Вектра 100 л сувга (30 г), "Сапроль" ёки "Топсин" (100 г) препаратлари комплекс ҳолда пуркалса яхши натижа беради.

Мева ва қўнғир рангли ўргимчакканаларга қарши намланувчи олтингургут (100 л сувга 0,6–1 кг) 12–15 кг/га миқдорида пуркалса яхши натижа беради.

Беҳизорларда монилиоз касаллигидан зарарланган новдалар олдинги ойлarda кесилмаган бўлса, уларни тезда кесиб, боғдан чиқариб ёқиб юбориш лозим.

Данакли мевалилардан шафтоли ва олхўри меваларини узоқ муддат сақлаб бўлмайди (кўпи билан бир ой сақланади). Шунинг учун уларнинг меваларини қуритиш мақсадга мувофиқдир. Мевалар салқин ерларда ёки махсус палаткаларда (полиэтилен плёнка билан қопланган) қуритилса, қуриган меванинг сифати анча юқори бўлади ҳамда узоқ муддат сақланади.

Республикаимизда резавор мевали ўсимликлар ичида қулупнай ўсимлиги ёзда июль-август ойларида қўчатидан экилади. Жорий йилнинг 15 августига қилган ҳосилдорлик камаёди, кузда экилган қўчатлар тўлиқ қўқаради, аммо келаси йили кам ҳосил беради. Бунинг сабаби, кеч экилган қулупнай қўчати келаси йили учун тўлиқ мева куртакларини ҳосил қила олмайди.

Бу йил қулупнай меваси эрта пишиб етилиши боис июнь ойи-



да кулупнайзорларга органик ҳамда минерал ўғитлар солиб, туп атрофлари юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланиб, суғорилган. Натижада кулупнай ўсимлиги келаси йил учун ҳосил куртагини ташкил қилиши билан бирга ипсимон ўсимталарнинг тезлик билан ўсиб ривожланиши боис янги кўчатлар ташкил бўла бошлади.

Июль ойи давомида янги кулупнайзорлар барпо этила бошланади.

Кулупнайзор ташкил этиш учун текис, унча нишаб бўлмаган, сув билан яхши таъминланган майдонлар танлаб олинади. Майдонга шудгор олдида тупроқ унумдорлигига қараб гектарига 40–60 тонна ярим чириган гўнга 600–1000 кг суперфосфат аралаштириб солинади. Сўнгра майдон камида 30 см чуқурликда ҳайдалиб, кетидан текисланади ҳамда кўчатларни экиш учун ариқлар олинади. Кўчатлар қатор оралари 70–90 см, шағалли тупроқларда 60 см. қилиб олинган ариқларга туп ораллиги 20–25 см қилиб экилади. Бунда 1 гектарга 44,4 мингдан 71,4 минг донагача кўчат экилади. Экиладиган кулупнай кўчатлари яхши ривожланган илдиз тизими камида 4–5 см ўсган, 2–3 барги бўлган бўлиши керак.

Кулупнай кўчатини экиш олдида майдон қондириб суғорилади, сўнгра кулупнай кўчатлари қўлда 5–7 см чуқурга экилади. Июль ойида ҳарорат юқори бўлганлиги боис кўчатлар куннинг иккинчи ярмида соат 17⁰⁰ дан кейин экилади. Кўчатлар экиб бўлингач, ҳаво ҳароратига қараб, 2–3 кун давомида жилдиратиб сув бериб, тупроқда намлик сақланади.

Орадан 8–10 кун ўтгач, экилган кўчатлар текшириб чиқилади. Бунда тутмаган, қуриган кўчатлар олиб ташланиб, ўрнига янги-си экилади.

Кейинги суғоришлар ҳар 8–10 кунда, кузга бориб, ҳар 15–20 кунда бир мартаба сув бериледи.

Шуни унутмаслик керакки кулупнай кўчати қанчалик июль ойининг биринчи ярмигача экиб бўлинган бўлса, шунчалик кузгача (3–4 дона) кўп ҳосил куртагини ташкил этади.

Токзорларда қалинлашиб кетган новдаларнинг юқори қисми қисқартирилиб, кесиб ташланади. Темир-бетон устунли токзорларда новдаларнинг охириги симбағазидан 50 см. дан юқори қисми кесиб ташланади. Чеканкани айрим ҳолларда жуда кучли ўсувчи токзорларда сийраклаштириш билан бир вақтда июль охирида ўтказиш керак.

Чилла даври давомида қалинлашиб кетган тупларда узум бошларини соялатиб қўядиган бачки новдалар кучли ўсиб кетса, 2–3 та барг қолдириб, кесиб ташлаш керак. Акс ҳолда ҳосилнинг етилиши, новданинг пишиши кечикади ҳамда замбуруғли касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Гўра хомток ўз вақтида сифатли ўтказилган бўлса, касалликларнинг ривожини камаюди. Натижада кимёвий ишловлар сони қисқариб, самараси ошади. Гўра хомтоқни сифатли ўтказиш ҳамда новдаларни кун тушадиган қилиб тараб боғлаш керак. Кул касаллигининг тарқалиши кузатилса, олтингугурт (1 гектар токзорга 30–40 кг) билан чанглатилади.

Юқорида тавсия этилган агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилса, боғ-токзорлардан мўл ҳамда сифатли мева-узум маҳсулотлари етиштиришга эришилади.

Р.АБДУЛЛАЕВ,

қ.х.ф.н.,

Х.АБДУЛЛАЕВА,

қ.х.ф.ф.д. (PhD),

Акад. М.Мирзоев номли. БУВаВИТИ.

САБЗАВОТЧИЛИКДА ИЮЛЬ-АВГУСТ ОЙИ ЮМУШЛАРИ

Ёз ойларида экиш режалаштирилган сабзавот экинлари навларини тўғри танлаб, сифатли уруғ экиб, етиштириш агротехнологияларга тўғри риоя қилиш натижасида ҳосилдорлиқнинг ошишига эришиш мумкин.

Экиш режалаштирилган такрорий сабзавот экинларидан шолғом, турп, август пиёзи каби сабзавотлар экиладиган майдонларни экишга тайёрлаш мақсадида ерни ҳайдаш олдида албатта яхшилаб суғориш талаб этилади.

Турпнинг сифатли уруғи ёзда (августда) сепилади, шолғомни эса эрта баҳорда плёнка остида эртаги навлари етиштирилгани билан уни ҳам сабзавоткорларимиз асосан август ойида экадилар. Аниқроғи, турп ва шолғом уруғлари марказий ҳудудларда 1–15 августда, шимолий ҳудудларда 25 июль–10 август ва жанубий ҳудудларда 20 август–20 сентябрларда сепилади.


Ушбу илдизмевали экинлар сувга жуда талабчан бўлганлиги сабаб бошқа сабзавотларга қараганда тез-тез суғориб туриш лозим.

Шолғомнинг “Наманган” маҳаллий, “Самарқанд” маҳаллий, салатбоп шолғомнинг “Муяссар” навлари экиш учун тавсия этилади.

Турпнинг “Маргеланская”, “Андижон-9” навлари ва дайконнинг “Содик” ва “Куз ҳадяси” каби навлари экиш тавсия этилади.

Шолғом ва турп уруғи 70 ва 90 см пуштали эгатларга СОН-2,8 сеялкада ёки қўл кучи ёрдамида экилади. Икки қатор қилиб экишда сеялканинг сошниклари жуфт-жуфт қилиб ўрнатилади. Ҳар жуфтдаги сошник ораси 20 см қилинади. Сеялкага оқучниклар тиркалиб, эгат ҳам олинади. Ҳар гектарга турп уруғи 4–5 кг, шолғом уруғи 2–3 кг сарф бўлади. Турп уруғи 2 см, шолғом уруғи 1,5 см чуқурликда экилади.

Экилган уруғлар ердан тўла униб



чиққандан сўнгра тезда ўташ ва яғаналаш керак. Биринчи яғана уруғ ердан униб чиқиши билан, иккинчиси 2–3 та барг чиқаргандан ўтказилади. Бунда турп ораси 10–12 см кенликда қолдирилади. Бундан сўнгра парвариш экинларни вақтида суғориш, қатор ораларини культивация қилиш, эгат бағрини юмшатиш ва зарарли ҳашаротларга қарши курашдан иборат.

Ўғитлашда бўз тупроқ ерларда соф ҳолда 125 кг азот, 95 кг фосфор, 60 кг калий солиш керак. Фосфор ўғитининг йиллик миқдорини 75%, калийнинг ҳаммаси асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб, эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб бериледи. Биринчи озиқлантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнгра, иккинчиси эса 2–3 тадан чинбарг пайдо бўлгандан ўтказилади.

Ушбу экинларни ҳашарот ва заранкундалардан ҳимоя қилишга ҳам эътибор қаратиш лозим. Узунбурун, шира, барг бургалари сингари зараркундалар, ун-шудринг ва оқ чириш касалликлари ўсимликни зарарлайди. Касалликларга қарши 72,2% с.э.к. “Превикур”дан 1,5 л/га, “Курзат Р” 2,0–2,5 кг/

ТАВСИЯ

га, 68% с.э.г. "Рирдомил голд" 2,0–2,5 кг/га ёки 1 фоизли Бордо суюқлигининг (шунингдек, Давлат кимё комиссияси томонидан қўллашга рухсат этилган препаратлардан биронтаси) 600–700 литр сувга тайёрланган аралашмасини пуркаш лозим. Зараркунандаларга қарши 10% эм.к. "ДВА-три"дан 0,4 л/га, 20% н.кук. "Моспилан"дан 0,25–0,30 кг/га ёки Давлат кимё комиссияси томонидан қўллашга рухсат этилган препаратлардан биронтасини қўллаш тавсия этилади.

Келаси йил эрта ҳосили учун пиёз уруғи августнинг иккинчи ярми, сентябрнинг биринчи ўн кунлигида сепади.

Пиёзнинг маҳаллий шароитда яратилган "Равнак", "Оқ дур", "Сумбула", чет элнинг "Сибир", "Алдоба" каби нав ва дурагайлари ни экиш тавсия этилади.

Пиёз уруғи гектарига 12–15 кг меъёрида сарфланади. Пиёз СКОН-4,2, СММ-4 русумли сеялка билан ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70–90 см. дан олиб, тўрт қаторли усулда экилади. Уруғлар ерга 1,5–2,0 см чуқурликка қўйлади.

Ёзги-кузги муддатларда пиёз ғалла, сабзавот ва картошка ҳосили йиғиштириб олинган сўнг бўшаган майдонларга экилади.

Пиёз икки-уч марта дастлаб

ўсимликларнинг бўйи 6–8 см га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва ягона қилинади. Қатор ораларидаги бегона ўтлар КРН-2,8 А культиватори билан ерга 15–16 см чуқурликда ишлов берилади.

Юқори унумдор ерларга ўртача соф ҳолда 250 кг азот, 200 кг фосфор, 80 кг калий, ўртача унумдор ерларга ўртача 300 кг азот, 220 кг фосфор ва 90 кг калий ва унумдорлиги паст бўлган майдонларга 320 кг азот, 220 кг фосфор ва 100 кг калий бериш лозим.

Пиёз экилиши биланоқ кетма-кет суғорилади. Уруғни қийғос ундириб олиш учун уруғ суви берилади. Бунда сув жилдирабтиб оқизилиб, марзанинг тепаси қорайгунча қолдирилади. Шунда тупроқ бир текис намиқиб, уруғнинг ёппасига кўкариши учун шароит яратилади. Ўсимлик яхши илдиз отиб,



ўзини обдон ўнглаб олгунча (кеч кузгача) сувдан қолдирилмайди. Шу мақсадда пиёз кузги ёғингарчилик бошлангунча ўсув даврида уруғ сувидан ташқари яна икки марта суғорилади.

Ушбу ойда кўкат сабзавотларни экиш ва етиштириш мумкин бўлиб, кўкат сабзавотлар асосан унумдор, гумусга бой, бегона ўтлардан холи, сув билан яхши таъминланган майдонларда етиштирилади.

Укроп уруғларини жанубий ҳудудларда: 1-10 сентябрь, марказий минтақаларда 10–20 августгача экиш лозим. Укроп уруғи полларга сепади ва уруғ сарфи 10–12 кг/га. Экиш учун "Ором", "Анет", "Аллигатор", "Харковская-85" навлари тавсия этилади.

Кашнидан узлуксиз ҳосил олиш учун уруғи қуйидаги муддатларда сепади: ёзгиси 15–20 июнь, ёзги-кузгиси 15 август. Пол қилиб себилганда уруғ сарфи 8–10 кг/га. Экиш учун "Орзу", "Янтарь" навлари тавсия этилади.

Петрушканинг "Нилуфар", "Сахарная", "Новас" навлари уруғлар 10 июлдан 10 августгача сепади. Уруғ сарфи 5–6 кг.

**Р.НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Ф.РАСУЛОВ,**

қ.х.ф.ф.д., Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ.

ТАДБИР

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутасадди ходимлари иштирокида соҳадаги долзарб масалалар юзасидан журналистлар билан очик мулоқот бўлиб ўтди.

Унда вазирлик Кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи Эшмирза Абдуалимов, Ердан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини оқилонга жойлаштириш бошқармаси бошлиғи Асрор Жўраев, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ишлаб чиқариши соҳасида стратегик таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси бошлиғи Шухрат Амонов, Аграр тадбиркорлик, агрокластерлар, хўжалик бirlашмалари ва давлат-хусусий шерикликини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Исроил Холмирзаев ва бошқа мутахассислар иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Учрашувда журналистларга қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини жорий

этиш, илғор тажриба ва фан ютуқларини, замонавий ресурстежовчи ва интенсив агротехнологияларни жорий этишни назарда тутувчи қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишга доир масалалар юзасидан маълумот берилди.

Жумладан, вазирлик бошқарма бошлиғи Исроил Холмирзаевнинг айтишича, бугунги кунда Ўзбекистондаги барча деҳқон ва фермерлар ўзларига тегишли экин майдонларида қандай маҳсулот етиштиришни ўз хоҳиши, имконияти ва шароитидан келиб чиқиб, мустақил ҳал этмоқдалар. «Биз вилоят ё туман ҳокими ўринбосари билан ўтириб, ҳар бир фермернинг таклифидан келиб чиқиб, қандай экин экишини муҳокама қиламиз. Қайсидир фермерга қайсидир маҳсулотни мажбуран эктириши қарор этилган йўқ. Ахир қайси деҳқон ўзи дабомад олишга қизи етмаган маҳсулотини экади? Яна биз марта таъкидлайман – бизда мажбурлаб эктириш ҳолати йўқ», – деди И.Холмирзаев.

Қайд этилишича, аини пайтда ғалла

етиштириш, унинг нархини эркинлаштириш ва давлат таридини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга оид ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланмоқда. Вазирлик ташаббуси билан ишлаб чиқилган ушбу қарор лойиҳасида бошоқли дон экинлари етиштириш ва давлат харидида



дунё амалиётида қўлланилаётган усулларни татбиқ этиш масаласи қўйилган. Яъни, фермернинг сарфлагани харажати қоплайдиган ва рентабеллигини таъминлайдиган тизим ишлаб чиқилади.

Мулоқотда журналистларнинг соҳага доир саволларига жавоб қайтарилди.

Нигора ХОДЖАЕВА,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар
шўъбаси раҳбари.

ТАЪМИРЛАНГАН МАШИНА СИФАТИНИ ТЕКШИРИШ

Ҳозирги кунларда туманларнинг "Агросервис МТП" устахоналарида МХ-1,8 русумли пахта териш машиналарини таъмирлаш, иш сифатини текшириш ва тайёр машиналарни муҳандис-техниклардан иборат комиссиялар томонидан қабул қилиш тадбирлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Маълумки, машиналарнинг кундалик иш унуми, яъни кун давомида териб оладиган пахта салмоғи уларнинг бетўхтов ишлашлариға бевосита боғлиқдир. Машинанинг далада бузилиб, бир соат ишламай туриши – энг камида 1–1,5 тонна пахта терилмай қолди деганидир. Бунинг олдини олишнинг энг ишончли йўли – машиналарни мавсум олдиндан сифатли таъмирлаш ва ишга тайёрлашдир.

Машинани таъмирга тайёрлаш. Носоз машина энг аввало чанг ва ифлосликлардан тозаланади. Бунинг учун трактор двигателининг капоти ва терим аппаратынинг эшиклари очиб қўйилади. Пневмосистема вентиляторини ишга соладиган тортқи ўчирилади. Двигателни паст тезликда ишлатиб, аппарат барабанлари 3–5 минут айлантирилади. Двигатель ва аппаратга босимли сув сепилади. Двигатель корпусидаги ёпишқоқ мойлар, чангли ифлосликлар совунли ёки содали эритмалар билан ювиб ташланади ва тоза қилиб артилади. Шпинделлар сатҳига ўралиб қолган пахта толалари ва чирклар махсус симли чўтка ёрдамида тозаланади. Сув ва мой радиаторлари, бункер сеткаларига ёпишиб қолган толалар, қуруқ барглр қўлда олиб ташланади.

Таъмирланган двигателнинг техник ҳолатини текшириш тартиблари:

двигателдан бегона шовқин ва тақиллаган овозлар эшитилиши ёки эшитилмаслиги текширилади (бундай овозлар эшитилса, сабаблари аниқланади, камчиликлар тўғрилиани);

двигатель равон ишлаши керак. Мой босими меъёридан паст бўлса ёки бегона, қулоқ ўрганмаган товуш эшитилса, двигатель дарҳол тўхтатилади, носозлик топилади ва бартараф қилинади;

двигатель сал ишлагандан кейин қизиб кетса, радиатордаги совутиш суюқлигининг сатҳи текширилади, паст бўлса, тўлдирилади. Шунда ҳам қизиш йўқолмаса, двигатель очилади, совутиш системасининг ҳолати текширилади, носоз сув насоси, кистирма (прокладка), трубка ва бошқа деталлар янгиларига алмаштирилади;

аккумулятор, стартер, генератор ва датчиклардан кабинадаги назорат асбобларига келадиган, улардан фараларга ва бошқа электр ускуналарига кетадиган симларнинг ҳолати синчковлик билан кўриб чиқилади. Симларнинг очилиб қолган жойлари ихота ленталари билан ўралади, барча контактлар маҳкамланади. Электр системаси носоз бўлган машинада ишлаш қатъян тақиқланади!;

тормоз системаси машинани равон ва тезда тўхтатишни таъминлаши зарур. Далада ишлаганда қўл тормозини бўшатиб қўйиш лозим;

двигатель (ёнилғи насоси, трубкалар) ва гидравлик система (гидронасос, гидроцилиндрлар)дан ёнилғи ва суюқликнинг сачрашига йўл қўйилмайди. Барча резбали бирикмаларга мис шайбалар қўйилади, тортиб маҳкамланади. Сачраш шунда ҳам тўхтамасда, эски детал янгисига алмаштирилади;

сифатли таъмирланган двигатель қора тутун чиқармасдан, шовқинсиз ва бир те-



кисда ишлайди.

Терим аппаратынинг техник ҳолатини текшириш тартиблари:

1) барча шпинделлар ўз таянчларида энгил айланиши, таркибий элементлар тишлари синмаган ва едирилмаган бўлиши зарур;

2) шпинделларни тўғри ва тескари томонларга айлантирувчи понасимон тасмалар сиртларининг едирилмаганлиги, цилиндрсимон кичкина пружиналарнинг таранглиги текширилади;

3) пахта ажраткич барабанининг планкаларидаги қиллар кўп едирилмаган бўлиши керак;

4) ажраткич барабандаги резина втулка соз ҳолатда бўлиши лозим. Тожли гайка охиригача тортилган бўлса-ю, лекин вални ўзи айланиб, шестерня жойида қимирламай турса, втулка ишдан чиққан ҳисобланади; ажраткич қиллари билан шпинделлар сирти оралиғида катта тирқиш ҳосил бўлган

бўлса, ажраткич барабаннинг тепадаги ва пастдаги таянчларини ичкарига силжитиб, қилларни шпинделларга теккизиб қўйилади.

Таъмир сифатини далада текшириш тартиблари:

1) даладаги ҳосил салмоғи ва кўк кўрақлар сони, катталигига қараб аппарат иш тирқиши кенглигини текшириб кўринг, кўрак ерга кўп тўкилса тирқишни кенгайтиринг, чаноқларда пахта қолиб кетса торайтиринг;

2) ёндош барабанлар шпинделларининг ўзаро шахмат тартибида жойлашуви бузилганда, катта ва кичик поводокларни бир-биридан ажратинг ва шпинделларни бир-бирига нисбатан шахмат тарзида ўрнатинг. Шахмат тартиби бузилган аппарат пахтани кам теради, кўракни ерга кўп тўқади;

3) пневмосистема вентилятор паррагини айлантирувчи тасма бўшашган бўлса, ростловчи ғалтакни тортиб, тасмани тарангланг. Вентилятор ўқидаги тожли гайка доимо маҳкам ва шплинтланган бўлиши шарт!;

4) етакловчи ва етакланувчи ғилдираклар ўқлари борт редуктори ва вилкаларга маҳкам қилиб қотирилади ва шплинтланади. Катта йўлга чиқишдан олдин уларни яна бир текшириб кўринг;

5) двигатель картеридаги мой сатҳи, гидросистема бачогидаги суюқлик ва радиатордаги сув сатҳлари текширилади, етмаса меъёрига келтирилади. Барча филтърлар тозаланади, ювилади ва қурилади;

6) двигатель ишлаб турганда назорат приборлари, ёриткичлар, нурли ва товуш сигнали берадиган барча асбобларнинг техник ҳолати текширилади, носозлари дарҳол созларига алмаштирилади;

7) тезликлар қутиси, муфта, тормоз, аппарат ва вентилятор редукторларини турли иш режимларига солувчи тортқилар энгил қўшилиши ва ажраши зарур, акс ҳолда тортқичлар узунлиги ростланади.

Шуни эсда тутиш лозимки, сифатли таъмирланган машина бузилмасдан ишлайди, бир кунда 8–12 тонна ва ундан ошириб пахта теради.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., проф., (ҚХМИТИ).

ЁЗ ФАСЛИДА ЧОРВА ҲАЙВОНЛАРИНИ КАСАЛЛИКЛАРДАН АСРАШ

Мамлакатимиз аҳолисининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришда чорва молларини турли касалликлардан ҳимоялаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ветеринария тадбирларини ўтказиш катта роль ўйнайди.

Республикаимизда чорвачилик билан шуғулланувчи барча фермер, ширкат хўжалиги мутахассисларига ёз фаслида куйидаги чора-тадбирларни ўтказишни тавсия этамиз.

Қорамолчиликда: Ёз фаслида қонпаразитар касалликларни чақирувчи *Нюомта* авлодига мансуб қон сўрувчи каналарнинг генерацияси (кўпайиш даври) энг авжига чиқиши сабабли қорамолларнинг ушбу касалликлар билан зарарланишининг кўпайиши ва касаллик оғир ўтиш ҳолатлари кузатилади. Ёз фасли келиши биланоқ ферма ва унинг атрофини ободонлаштириш, каналарнинг ривожланиши учун қулай бўлган биотопларни йўқотиш, яйловларда санация ишларини олиб бориш лозим.



Иссиқ кунлари каналарга қарши юқори самарадор акарицид препаратлардан (*Циперметрин*, *Неацидол*, *Цимбуш*) бири билан қўлланма асосида молларни чўмилтириб туриш зарур. Ҳайвонларни пироплазмидозлардан кимёвий усулда профилактика қилиш учун ҳар 15 кунда 1 марта молнинг ҳар 100 кг тирик оғирлиги ҳисобига 5,0 мл. дан полиамидин, беренил, диамидин препаратларидан бири терисининг остига қўлланилади.

Касалланган моллар ҳар куни клиник кўриқдан ўтказилиб, кунига 2 мартадан (эрталаб, кечқурун) тана ҳароратини ўлчаш ва даволаш чораларини кўриш керак. Тейлериоз касаллигини даволашда Ветеринария илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан тавсия қилинган,

касаллиқни шизогонал босқичига ва гаметоцитар шаклига таъсир этувчи паразитогенетик препаратларни комплекс равишда қўллаш тавсия этилади. Янги туғилган бузоқлар ошқозон-ичак касалликларига қарши колострал иммунитет ҳосил қилиш учун ва туғишига 1,5–2 ой қолган қорамолларни ассоциацияланган вакцина ёки поливалент радиоакциналар билан биринчи марта 3 мл, иккинчи марта 5 мл миқдорида 12–14 кун оралиғи билан эмлаш тавсия этилади. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг трематодоз, стронгилятозларини олдини олиш учун аввал диагностик текширишлар ўтказилади. Касалларини ажратиб панакур, ивомек, ивермектин, тетраметизол каби антигельминтиклар билан тегишли йўриқномалар асосида даволанади. Бузоқлар ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши билан намоён бўладиган диспепсия, оғиз сути (увиз) токсикози, гастроэнтероколит ва бошқа касалликларни даволашда бузоқларнинг мускул орасига ҳар куни 20 мл оксил гидролизатидан юборилади.

Сигир ва ғунажинлар бўғозликка ректал текширилиши лозим, агарда сигирларнинг қисир қолиш сабаблари аниқланса, улар ажратилиб 0,5% Фуразолидон эритмаси билан молларнинг териси остига 2 мл. дан 3 марта кунора инъекция қилиш ҳамда бачадонини массаж қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, қорамолларнинг бруцеллез ҳамда туберкуллез касалликларига қарши ташхис қўйиш ва аллергик текшириш ишлари мунтазам олиб борилади.

Қўйчиликда: Қўйларнинг псороптоз, саркоптоз ва демодеккоз каби қўтир касалликларининг олдини олиш ва даволаш мақсадида, кунига икки марта 9–10 кун давомида "Циперметрин" препарати билан чўмилтириш ёки "Ивомек" препаратини инъекция қилиш зарур.

Эстро́з касаллигига қарши циперметрин препаратининг 0,015 фоизли сувли эмульцияси билан нафас йўлларида шприц ёрдамида 10–20 мл/бош ҳисобига 1–2 карра юбориш лозим. Гельминтоз касалликлари чорва моллари орасида кенг тарқалган бўлиб, улар моллар маҳсулдорлигининг пасайиши, айрим



ҳолларда эса мол "чиқим"га сабаб бўлади.

Гельминтозлар қаторига кирувчи ичак цестидозлари-мониезизоз, авитепинноз ва тизанезиозлар ҳамда ошқозон-ичак стронгилятозлари (нематодироз, маршаллагияоз, остертагияоз, трихоцефалёз ва бошқалар) ва диктиокаулёз касалликларга қарши барча молларни "Албендазол", "Албен", "Валбазен", "Фенбендазол" (Панакур, Фенкур), "Мебендазол" (Мебенвет), "Тетрамизол" (Нилверм) каби антигельминт препаратлар билан режали (октябрь-ноябрь ойларида) дегельминтизация тадбирларини ўтказиш зарур.

Ҳайвонлардан инсонга ва айниқса, чорвадорлар оиласи учун хавф туғдирадиган зооноз гельминтозлар – эхинококкоз, ценуроз, цистицеркоз касалликларига қарши кураш чора-тадбирлар тизимини тўлиқ ва сифатли амалга ошириш ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Айниқса, хўжалик ва қишлоқ ҳудудидаги итларни рўйхатга олиб, уларни дегельминтизация қилиш, мол сўйиш ва ёриб кўришни махсус жойларда ўтказиш, молларнинг эхинококкоз, цистицерк билан зарарланган ички аъзолари ҳамда ценуроз касаллиги билан касалланган моллар бошини куйдириб ёки қайнатиб зарарсизлантириш, уларни итларга едиришга асло йўл қўймаслик керак.

Гельминтозооноз касаллигининг олдини олиш учун бир қатор комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу тадбирлар асосида, ёввойи гўштхўр ҳайвонларни ҳамда дайди итларни йўқотиш, отарлардаги чўпон итлар сонини камайтириш, сақлаб қолинганларини эса йилига 8 марта (4 марта бойловли ва 4 марта эркин) махсус ажратилган жойларда водород бромидли ареколин препаратидан 1,0 кг тирик вазнига 5 мг ҳисобида 0,1 фоизли сувли эритмаси билан гижжасиз-

лантиришни таъминлаш лозим.

Қўтонлар атрофини турли эктопаразитлар (бит, бурга, чивин, қўтир каналари) ва бошқа касаллик қўзғатувчиларни йўқотиш учун неацидол, цимбуш, циперметрин, креолин каби препаратлар билан дезинфекция қилиш ҳамда ёз кунлари қўйларни чўмилтириш ишларини олиб бориш лозим.

Асаларичиликда: Асаларичилик ривожланишига асосан варроатоз, акарапидоз, америкача ва европача чириш, нозематоз, аскаридоз, пестицидлар билан захарланиш ва бошқа бир неча инфекция ва инвазия касалликлар тўқинлик қилади. Варроатоз касаллиги бугунги кунда асалариларнинг энг хавфли касаллиги бўлиб, каналар ишчи, эркак ва ўсиб келаётган ёш асаларилар танасида паразитлик қилади. Агар йил давомида варроатозга қарши курашилмаса, асалари оиласи нобуд бўлиши мумкин.

Варроатоз касаллигида "Флуцин", "Валин", "Амиакар" каби препаратлар асалари каналарига қарши яхши самара беради. Канага қарши ишлов ёз ва куз ойларида, мумкатакда ёш арилар қолмаган пайтда 1–2 марта ўтказилса асаларилар қишлоқдан соғлом чиқади. Акарапидоз каналар қўзғатадиган инвазия касаллик асалариларнинг нафас



йўллари зарарлайди.

Касалликка қарши барча даволаш воситалари фумигация усулида қўлланилади, чунки тез таъсир этувчи моддалар газ, буғ ёки аэрозол ҳолатида асалариларнинг нафас олиш системаси

йўлларида жойлашган паразитларга етказилиши лозим. Касалликни даволашда варроадез, экопол препаратларини қўллаш яхши натижа беради. Америкача ва европача чириш асалари оилаларининг мумкатакдаги ёш ариларнинг ўлими билан кечадиган касалликдир.

Ветеринария илмий-тадқиқот институти олимлари моғорли антибиотиклар ўрнига яхши самара берадиган, таркибида энрофлоксацин таъсир этувчи моддада бўлган апифлокс препаратини татбиқ этганлар. Асаларичиликда инфекция ва инвазия касалликларни даволашдан кўра, профилактика тадбир-чораларини олиб бориш яхши натижа беради.

Балиқчиликда: Краснуха касаллиги балиқ териси ва ички органларида геморагик яллиғланиш, қанотларида қизил доғлар, анус кратерсимон бўртириб чиққан бўлади. Касалликни профилактика қилиш учун 10 кун давомида йўриқнома фуразолидон асосида берилади. Даволаш пайтида сув ҳавзаларига оҳак солиниб, сувнинг рН кўрсаткичи 8,5–9,0 га етказилади.

Бронхимикоз ўткир моғорли касаллик бўлиб, балиқ жабраларнинг ўткир яллиғланиши билан кечади. Асосан увилдиқлар, шу йилги ва икки яшар балиқлар касалланади. Сув ҳавзаларининг санитария гигиена ҳолатини яхшилаш балиқларни сифатли омукта ем, пилла курти, пиво ачитқиси, ҳар хил кунжаралар билан боқиш зарур.

Дерматомироз: касаллик қўзғатувчи моғор замбуруғи бўлиб, касаллик иссиқ, суви алмашмайдиган кўлмак ҳавзаларда пайдо бўлади. Кўпинча шу йилги ва бир яшар балиқлар касалланади.

Бунинг олдини олиш учун балиқларни тўйимли озиклантириш, яхши газ ва сув алмашинуви, 5 фозили ош тузи эритмасида (100 литр сувга 5 кг ош тузи) 5 дақиқадан ванна қилдириш.

Дактилогироз: касаллик қўзғатувчиси моногенетик сўрувчи гельминт. Касаллик июль-август ойларда сув ҳарорати 20



ҳароратдан ошганда қўзғалади. Балиқ увилдиқлари сув оқими тепасида тўпланиб ҳаво юта бошлайди. Олдини олиш учун ҳавза туби 1 гектар майдонига 25 центнер сўндирилмаган оҳак солиниб дезинфекция қилинади. Ҳавзада сув оқимини қўпайтириб, янгилаб турилади. Сув юзасига чиққан дағал ўсимликлар йиғиб олинади.

Аммиакли ванналарда (1 л сувга 2,5 мл новшадил спирти) увилдиқ ва катта балиқлар 0,5–1 дақиқа экспозицияда даволанади.

Лигулёз: Касаллик қўзғатувчи лентасимон гельминт-лигула бўлиб, касалланган балиқлар сув юзасида ёнбошлаб ёки чалқанча сузиб юради, қорни шишган, қаттиқ бўлади.

Бунинг олдини олиш мақсадида лигулёзнинг плероцеркоидини ташувчи майда қисқичбақаларни йўқотиш учун ёзда ҳавза қуритилади. Ҳавзадаги ҳамма нам ерлар, чуқурлар ҳавза туби юзасининг 1 гектарига 30 центнер сўндирилмаган оҳак солиниб дезинфекция қилинади. Балиқ овловчи қушлар сув юзасига чиқиб турган дағал ўсимликларга қўнмаслиги учун ўтлар ўриб олинади, чунки бу қушлар лигуланнинг ривожланишидаги доимий хўжайин ҳисобланади.

Юқоридаги тадбирларни ўз вақтида бажариш чорвачилик ва парранадачиликда чорва бош сонини сақлаб қолиш ва юқори маҳсулот олишда муҳим аҳамият касб этади.

**С.МАВЛАНОВ,
Б.ЭЛМУРОДОВ,
А.НУРУЛЛАЕВ,**

*Ветеринария илмий-тадқиқот
институти.*

АДАБИЁТЛАР

1. Гафуров А.Г. Тейлериоз. // Ветеринария 1996 №3. Б.17-18.
2. Яхьяев Б. Использование бентонита при откорме каракульских овец // Ветеринария соҳаси учун дори-дармонлар яратиш, синтез қилиш ва ишлаб чиқариш муаммолари. / Конференция маърузалари матнининг тўплами. Самарқанд, 2004.
3. Бўрибоев Ш. Бентонит как минеральная кормовая добавка. "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журналы. Тошкент, 2006, № 2, 28-29 Б.
4. Амонов О.З. Бентонит фақат озуқа эмас... //

Зооветеринария, 2008, №9, Б-44.

5. Гафуров А.Г. Тейлериоз хавфли касаллик. // Зооветеринария 2008, №8. Б.14-16.

6. Артемьева С.А., Бабаева М. Смешанная инфекция пастерелллёза и колибактериоза птиц // Птицеводство. 1970. №8. С.45.

7. Лебедева А.И., Борисенкова А.Н, Мухамедшин Р.А. Смешанное течение пастерелллёза и колибактериоза кур // Ветеринария. 1973. №12. С.58.



ИЗЛАНГАН ИҚТИСОД ҚИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида Жиззах вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда воҳанинг пахта хомашёси етиштирувчи 17 та субъекти 479 гектар суғориладиган майдонларда томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш истагини билдирган бўлиб, бу борадаги ишларни амалга ошириш учун уларга тижорат банклари томонидан 8 миллиард 600 минг сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағлар эса, ўз вақтида Хитой ва Туркиянинг қурувчи-таъминловчи корхоналари ҳисобига ўтказиб берилди.

– Мавсум бошида кластер усулида фаолият юритишга ўтган битта масъулияти чекланган жамият ва 16 та фермер хўжалиги далаларини инновацион усулда суғоришни режалаштиргандик, – дейди Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Музаффар Турдибоев. – Вақт жуда қисқа, вегетация мавсуми бошлангунча тежамкор технологияларни хориждан олиб келиш, ўрнатиш, синаб кўриш ва фойдаланиш ишларини бошлашимиз керак эди.

Ҳақиқатан ҳам, томчилатиб суғориш усулини жорий этиш учун анча-мунча ишларни амалга ошириш зарур бўларди. Даставвал ҳовуз қазилиб, сув исроф бўлишининг олдини олиш учун унинг тубига махсус плёнка ёпиш, ҳудудга электр линиясини тортиш, трансформатор ўрнатиш, насослар келтириш, ғўза қатор ораларига елим қувурлар ётқизиш каби юмушларни бажариш талаб қилинади. Ўрни келганда таъкидлаб ўтиш керакки, янги усулнинг бундай “инжиқлик”лари Шароф Рашидов туманидаги “Жиззах индустриал тўқима” масъулияти чекланган жамияти томонидан тез фурсатда адо этилди.

МЧЖ жамоаси табиий ва иқлим шароити, сув таъминоти анча мураккаб бўлган 2 минг гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Жамият раҳбари Фурқат Пўлатовни ҳеч иккиланмай “Бугунги кун тадбиркори”, деб аташ мумкин. Зеро, йиллар давомида меҳнат қилиб, тўплаган сармоясини таваккал билан, ҳали ҳеч ким синаб кўрмаган ишга тикишга

ҳамма ҳам жазм қилавермайди. Ф.Пўлатов эса, ўзининг 1 миллиард сўмлик маблағи, тижорат банкнинг 2 миллиард сўм кредитини иккиланмай қишлоқ хўжалиги кластерини ташкил қилишга сарфлади.

... Биз кластерга қарашли далага келганимизда бу ерда ғалла ўримиға киришилган эди. “Ўтган мавсумда мана шу ерлардан 15 центнердан ҳосил олинган экан, – деди бизга Фурқат Пўлатов. – Ҳозир эса, 30 центнердан кам бўлмаяпти”.

Бир йилда юз фоиз ўсиш. Чакимас, бироқ биз бунинг сабабни сўраб ўтирмадик. Ҳаммаси равшан, натижа ва ютуқ чинакам меҳнат туфайли юзага келмоқда. Бизни эса, ушбу жамоада ташкил қилинган янги иш – томчилатиб суғориш усули, соҳага жалб этилаётган технологиялар, бу борада ишнинг ташкил қилиниши қизиқтирарди.

– Маълум вақт Хитойда айнан мана шу усулда деҳқончилик қилаётган одамлар орасида бўлдим, томчилатиб суғориш “сир”ларини ўрганишга ҳаракат қилдим, – дейди Ф.Пўлатов. – Кейин Чин юрти мутахассисларини бу ерга таклиф қилдик. Улар билан узоқ вақт мулоқотда бўлдик, маслаҳатларига қулоқ тутдик. Натижада, биз биринчи йили 118 гектар майдондаги ғўзани айнан мана шу усулда суғорадиган бўлдик.

Тадбиркор-деҳқон шундан кейин томчилатиб суғоришнинг афзалликларини санаб кетди. “100 тонна сув талаб қилинадиган ерга 10 тонна сув кетади. Оби-ҳаёт ва минерал ўғит тўғридан-тўғри ўсимлик илдизига тўкилади. Ишчи ва техника кучи кам сарфланади. Вақт, ёқилғи-мойлаш маҳсулот, маблағ тежалади. Ҳосилдорлик 25–30 фоизга ошади...”

Ўзбек халқининг “Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битибди”, деган нақли бор. Жиззахда пахтачилик кластери ташкил қилиб, инновацион усулларда ҳосил етиштиришга бел боғлаган мана шу шашти баланд инсонларнинг нияти рўёбга чиқишига умид қиламиз.

Х.КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА

Ўзбекистон иқтисодиётида сув ҳўжалиги тизими муҳим ўрин эгаллайди. Сўнгги йилларда юртимизда сув ресурсларини тежаш, ундан оқилона фойдаланиш, сув тежовчи замонавий технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалаларига устувор вазифалардан бири сифатида ёндашилмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Тизимдаги энг йирик ирригацион объектлардан бири бўлган Қарши насос станциялар каскадида ҳам бугунги кунда эътиборга молик ишлар амалга оширилаётир.

Дунёдаги энг ноёб объектлардан бири саналган Қарши насос станциялари каскадининг асосий объектлари қўшни Туркменистон давлати ҳудудида жойлашган бўлиб, у Амударё сувини қудратли насослар ёрдамида 157 метр баландликка 7 босқичда кўтариб беради. Каскад Қашқадарё вилоятининг 85% экин майдонларини оби-ҳаёт билан таъминлашга хизмат қилади.

Кейинги йилларда юртимизда каскаддаги насос агрегатларининг асосий қисмлари, жумладан, ишчи ғилдираги ва унинг парраклари ҳамда қопқоқлари, ишчи ғилдирак камерасининг 70–80 фоизини қўйма ҳолида яшашнинг ўзлаштирилганлигини эътироф этиш жоиз.

Пойтахтимизда жойлашган “KASTING REAL SERVIS” масъулияти чекланган жамияти бу борада салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда.

– Инсоният қўймакорлик билан жуда қадим замонлардан бери шуғулланиб келади, – дейди жамият раҳбари Фахриддин Нуриддинов. – Миср, Хитой, Греция ва бошқа кўпгина мамлакатларда олиб борилган археологик қидириш ишлари қўймакорликнинг эраиздан аввалги даврларда ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Қўйма олиш технологияси бугунги замон талаблари асосида такомиллашиб, ривожланиб бормоқда.

Жамиятимиз ташкил топганига эндигина 13 йил бўлганига қарамасдан, ўтган давр мобайнида инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган сифатли қўйма буюмлари, ўзига хос қўйиш усуллари ва бошқа ишлов бериш усуллари (болғалаш, штамплаш, пайвандлаш) ёрдамида яратган ёки тайёрлаш қийин бўлган жуда му-

раккаб конфигурацияли деталларни ҳам ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, мамлакатимизда маҳаллийлаштириш дастурини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жамият бу борада нафақат республикаимиздаги, қолаверса, хориждаги корхоналар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мамлакатимиздаги йирик корхона ва заводларга қўйма эҳтиёт қисм ва деталларини етказиб бериш жамиятнинг асосий мақсадидир. Бу борада жамиятда қўйма тайёрлаш жараёнининг барча босқичлари жиддий назорат қилинади, яъни эҳтиёт қисмларнинг чизмаси, модел андозаларини яратиш, моделлар бўйича қўймакорлик қолипни тайёрлаш, тозалаш ва назорат кўригидан ўтказиш ва бошқа жараёнлар замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва дастурларидан фойдаланилади.

Жамият бугунги кунда чўян, пўлат, қора ва рангли металл қотишмаларидан турли эҳтиёт қисмлар, тайёр маҳсулотлар ясаб, харидорларга етказиб бермоқда. Жумладан, Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси, “Оҳонгаронцемент” АЖ, “Бекободцемент” АЖ ва бошқа қатор йирик корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ишлаб чиқарилаётган ҳар битта маҳсулот жамият лабораториясида синовдан ўтказилгандан сўнггина буюртмачиларга етказиб берилгани йўлга қўйилганлиги уларнинг сафи янада кенгайишига хизмат қилмоқда.

– Кўп йиллик изланишларимиз давомида юртимиздаги сув омборлари, насос станцияларидаги агрегатларнинг ҳолатини ўрганиб, – дейди Ф.Нуриддинов. – Айниқса, Қарши насос станциялар каскади мутахассис-ҳодимлари билан янги лойиҳалар устида ишлаб, насос эҳтиёт қисмларини тўлиқ ўзлаштиряптиз.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Қарши насос станциялар каскадида бир неча бора қилган ташрифлари чоғида насос агрегатларини маҳаллийлаштириш бўйича берган кўрсатмаларига асосан бу ерда

ўрнатилган насос агрегатларининг эҳтиёт қисмларини ўзимизда яшашни йўлга қўйдик.

Қарши насос станциялар каскадида корхона томонидан 2015 йилдан буён 17 283 631 000 сўмлик насос агрегатларининг эҳтиёт қисмлари етказиб берилди. Шу пайтга қадар бундай эҳтиёт қисмлар асосан Россия ва бошқа чет эл давлатларидан катта миқдордаги валюта ҳисобига олиб келинар эди. Шу барика давлатнинг 6 816 000 000 АҚШ долларлик валютаси тежалишига эришилди.

Жамиятда эҳтиёт қисмлардан ташқари бадий қўймакорлик маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади. Навоий шаҳрига ўрнатилган Алишер Навоий, Самарқанддаги Амир Темур, пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонида ўрнатилган “Мотамсаро она”, Мустақиллик



майдонидаги “Бахтли она” ҳайкаллари, Оқсарой ва Кўксарой қароргоҳларининг кириш дарвозаси панжараларидаги бадий безаклар ва бир қанча кўприклар панжаралари шулар жумласидандир. Жамият аъзолари замон билан ҳамнафас қадам ташлаб, юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилаётган йирик шаҳар комплексларига ўзгача кўрк бағишлайдиган безакларни ишлаб чиқариш устида иш олиб боришяпти.

Бундан ташқари, жамиятнинг мутассадилари Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислар институти, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, талабалар, ёш илмий изланувчиларга қўймакорликнинг сир-асрорлари қўнғ билан ўргатиб келмоқда. Шу соҳага қизиққан талабаларни амалиётга жалб қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, “KASTING REAL SERVIS” МЧЖ моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаб, жаҳон талабларига жавоб берадиган, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиб, мамлакатимизда маҳаллийлаштириш дастурини изчил амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Эльмира НУРОВА.



СУВЧИЛАРНИНГ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРИ

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси Қашқадарё вилоятида насос станциялари, суғориш ва тик қудуқларнинг ишлаш режимлари ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш, энергетика тармоқларини ишончли ишлатиш ҳамда ривожлантириш бўйича масъулдир.

— Тасарруфимиздаги давлат насос станциялари, уларга ўрнатилган насос агрегатлари, суғориш ва мелиоратив қудуқлар, подстанциялар, трансформаторлар, — дейди бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Самат Хуррамов, — электр узатиш ва алоқа тармоқлари, автотранспорт воситаларини техник соҳлатда сақлаш, ишончли ишлашини ҳамда уларни такомиллаштиришни таъминлаш насос станциялари ва энергетика бошқармасининг асосий вазифаси саналади,

Шунга қўра, корхона ихтиёрида бўлган суғориш ва мелиоратив давлат насос станциялари, суғориш ва мелиоратив қудуқларни, сув узатиш тармоқларини, подстанцияларни, трансформаторларни, электр узатиш тармоқларини, алоқа ва автотранспорт воситаларини ўз вақтида техник кўриқдан ўтказиб, сифатли таъмирлаш таъминланади. Шунингдек, туб ва жорий таъмирлаш ишларини, ички имкониятларидан келиб чиқиб, ўз кучи билан таъмирлаш гуруҳларини ташкил этади ва амалга оширади.

Насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобида 50 та насос станцияси бўлиб, улар 1093 донга суғориш қудуқлари шунингдек, 313 донга мелиоратив қудуқлар, 4 та подстанция, 35,702 км насос станциядан келувчи каналлар, 11 донга сув иншоотлари ва 15 донга сув ўлчаш пости орқали Қашқадарё, Чирокчи, Яққабўғ, Шахрисабз, Китоб, Ғузор, Қарши туманларининг 121737 га ер майдонини сув билан таъминлайди.

Обиҳаёт заргарлари томонидан вилоят заршуносларига 2016 йилда 858,754 млн. м³, 2017 йилда 972,947 млн м³, 2018 йилда 744,667 млн м³ ёки насос станциялари орқали 525, 163 млн. м³, мелиоратив насос станциялар орқали 61,320 млн. м³,

суғориш қудуқлари орқали 188,179 млн. м³ мелиоратив қудуқлар орқали 33,278 млн. м³ сув етказиб берилди.

— Маълумки, барча соҳалардаги каби корхонамизда ҳам фаолиятнинг сифат ва салмоғи ишчи-хизматчиларнинг салоҳиятига боғлиқ, — дейди жамоа кадрлар бўлими бошлиғи Мавжуда Муинова. — Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси билан келишган ҳолда кадрлар малакасини ошириш бўйича ишлаб чиқилган ўқитиш дастурлари асосида ўқувлар ташкил этилади. Кадрлар захирасини яратиш мақсадида тегишли олий ва ўрта



Суратда: (чапдан) махсус техник ҳайдовчи Ўткир Хидиров, кадрлар бўлими бошлиғи Мавжуда Муинова, мутахассис Бекзод Бўриев.

таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Дарҳақиқат, корхонада кадрлар билан ишлаш намунаси йўлга қўйилганлиги боис, жамоада кадрлар кўнимсизлиги кузатилмайди. Мутахассис ёхуд ишчи-хизматчи нафақага ёки таътилга чиқишдан олдин белгиланган муддатда захирадаги кадр унинг ишини мукамал ўзлаштиради. Шунинг эҳтисоби ишнинг узлуксизлигига таъсир этувчи салбий ҳолатлар учрамайди.

Бошқармага қарашли участкалар ва насос станциялари атрофида 2018 йилда ташкил этилган ёрдамчи хўжаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан корхона ишчи-хизматчиларини, фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашда, жамоада нишонланадиган байрам дастурхонларини безашда, совғалар сифатида тақдирлаш ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Хўжаликда қуёнчилик, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик, иссиқхона ва такрорий экинлар деҳқончилиги каби соҳалар шакллланган бўлиб, истиқболда уларни қайта ишлаш, кенгайтириш замирида барқарор тармоққа айлантириш бўйича изчил амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган қишлоқ хўжалик йилида 4,2 гектар майдондаги помидор, 0,6 гектар майдондаги бодринг, 1,06 гектар майдондаги қалампир, 5,81 гектар майдондаги нўхат, 0,5 гектар майдондаги картошка, 1,3 гектар майдондаги ошқовоқ, 5 гектар майдондаги супурги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилди. Насос станцияларидаги мавжуд 46 та иссиқхонадаги лимонлар ҳосилининг йилдан-йилга ўсиши кузатилапти.

Ёрдамчи хўжаликдаги мавжуд 20 бош қорамол, 30 бош қўй, 45 бош эчки, 1500 бошдан ортиқ товуқ, 82 бошдан ортиқ ўрдак, 180 бош курка, 200 бошдан ортиқ қуён зооветеринария қоидалари асосида парвариланмоқда. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий рағбатлантириш мақсадида 2018 йилда чорвачилик маҳсулотларидан — 800 кг мол гўшти, 419 кг эчки гўшти, 478 кг товуқ гўшти, 413 кг қуён гўшти, 2600 литр сут маҳсулотлари, 63000 донга тухум маҳсулотлари етиштириб, ишчи-хизматчиларга тарқатилди.

Шунингдек, 13,8 тонна картошка, 9 тонна пиёз, 24 тонна ошқовоқ ҳамда 5,922 млн. сўмлик ўрик, 7,221 млн. сўмлик шафтоли, 1,750 млн. сўмлик олмадан ташқари 17130 донга супурги ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жамоа аъзоларига тарқатилди. Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида тўқсонбости усулида 1,5 га майдонга кузги мавсумда экилган сабзавотлар ва саримсоқпиёз баравж ўсиб ривожланмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, қоний фойда саналмиш ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини ҳар томонлама кенгайтириш корхоналарда инсон омилини янада мукамал шакллантиришда муҳим юмушлардан ҳисобланади.

Ўз мухбиримиз.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

деҳқон ва миробларга имкониятлар эшигини очмоқда

Хоразмда деҳқончилик ва мироблик илми ота-боболардан мерос бўлиб келаётган асосий ва ибтидоий касблардан ҳисобланади. Бу ернинг деҳқонларию мироблари ишнинг кўзини биладиган, табиат қийинчиликларидан чўчимайдиган инсонлардир.

Хива туманининг тажрибали сувчилари ўтган йилги қурғоқчилик ва табиий қийинчиликларни унутганлари йўқ. Айтишларича, қадим Хива тупроғини босиб ўтган, элга назму-навода буюк асарларини бахшида қилиб қолдирган Огоҳий бобомиз ҳам миробликни касб қилганлар.

Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” доирасида “Томчи” мобиль иловаси ёрдамида кенг омманинг сувни тежайдиган технологиялар ҳақида хабардорлигини ошириш мақсадида ташкил этилаётган “Сувни тежайдиган технологияларнинг афзалликлари” танлови бугун ҳар бир сувчи учун аини муддаодир. “Томчи – сув тежашда ёрдамчи!” шиори остида ўтказилаётган мобиль илова сувчиларни янги технологиядан бохабаргина қилиб қолмай, уларга кенг имкониятлар эшигини ҳам очади.

– Сувчилар меҳнати машаққатли ва шу билан бирга эл-юртга об-ҳаводек зарур. Ҳар бир ҳудудда мавжуд каналларнинг сув билан таъминланишига жавоб берувчи биттадан тажрибали мироб ва гидротехниклар ишга жалб қилинган. Улар билан мироб иловани ўрганиб чиқдик, – дейди Хива тумани ирригация бўлими бошлиғи Фарҳод Жуманазаров.

24 нафар ишчи-ходим, гидротехник мутахассис меҳнат қилаётган бўлимда ишлар намунали ташкил қилинган. Чапқирғоқ Амударё тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан белгиланган лимит асосидаги сув туманининг мавжуд 21 та каналига тақсимланади. Бу каналлардан сув ичадиган томорқа ва фермер хўжалиқларига тақсимланишида мироблар ва СИУлар биргаликда фаолият кўрсатишяпти. Каналлардаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш, лойқадан тозалаш ишлари ҳам режали олиб борилмоқда. Негаки, ўтган йилги қурғоқчилик ва табиий муаммолар сабабли сув масаласида тақчиллик бўлиб, айрим ҳудудларга сув етишмаслиги натижасида кўп ҳосил бой берилди.

– Бу йил суғориш тизимида янги технологияларни қўллаш мироблар ишини бирмунча яхшилади, – дейди муҳандис-гидротехник Бегзод Абдукаримов. – Айниқса, томчилатиб суғориш тизими бизга қўл келмоқда, сув тежалади, техника кам ишлатилади ва шу орада ерлар шўрланишининг олди ҳам олинишини назарда тутсак, бу ишимизда самара беради.

Туманда 2019 йил ҳосили учун экилган пахта майдонларида томчилатиб суғоришни жорий қилган “Яқуб Отаниёз”, “Эшчон Даврон”, “Шавкатбек”, “Уста Курёз”, “Рўздат Мулло” каби хўжалиқларда ҳозиргача “Жиззах пластмасса” АЖ билан тузилган шартномаларга кўра чигит экишдан олдин траншеялар қазилиб, ерости қувурлари ўтказилди. Томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинаётган бу майдонларда 5-7 фоиз юқори ҳосилдорликка эришиш кўзда тутилмоқда. Ахир, кўриб турганингиздай, дала экинларининг ривожлани-

ши бир текис ва қаровли, ям-яшил бўлиб ўсмоқда.

– Томчилатиб суғориш технологиясини 10 гектар майдонга жорий қилиш ўртача 160 млн. сўмга тўғри келади, яна бунинг 50 фоизи давлат томонидан қўпланиши белгилаб берилган, бу сувчиларимиз учун аини муддао, – дейди туман ирригация бўлими мутахассиси Набижон Жоббергенов.

“Оқ ён” қишлоғи ҳудудида Мақсуд Искандаров, “Ирдимзон” ҳудудида Озод Каримов каби мироблик вазифасини 30 йилдан зиёд қадрлаб келаётган инсонлар борки, улар учун касбнинг янги йўналишларини ўрганиш, ишга жорий қилиш ва ҳар бир ишда боболаримиз тажрибасини ва келажақ технологияларини дастуруламал қилиш асосий иш мезонига айланади. Томчилатиб суғориш технологиясини ўргана бориб “Жуманиёз ота набираси Шохзодбек”, “Темурбек Хамидбек”, “Мадинабону Гуласал”, “Шомурод баққол” каби фермер хўжалиқлари ҳам 80 гектар экин майдонларига эгилувчан қувурлар комплектларини олиш учун шартномалар тузишни режалаштирганлар.

Ҳа, сув табиатимизнинг бебаҳо неъматини ҳамда ҳаёт мавжудлигининг манбаи, умр бардавомлигининг асосий озиғидир. Сувдан оқилона фойдаланиш, сув ресурсларини бошқаришда янги инновацион усулларни соҳага жорий қилиш борасидаги ишлар кўламини ошириш сувдан фойдаланаётган ҳар бир шахс учун ҳам тааллуқлидир. Далаларни томчилатиб суғориш тизими кенг кўламда сувни тежаш йўлидаги долзарб вазифалардан биридир. “Томчи – сув тежашда ёрдамчи” деган



сўзнинг ўзидан ҳам маълумки, эндиликда сувни тежайдиган технологияларнинг ишимизда жорий қилиниши орқали юқори ҳосилдорликка эришиш ва сувни тежаб, кўп майдонларга етказиш каби муайян вазифалар олдимизга кўндаланг қўйилган. Ҳам даромад, ҳам буромад, дегани шу бўлса керак. Буни тажрибада қўллаётган хивалик миробларимиз унутмайдилар.

Ш.ЖАББАРОВА,
ўз муҳбиримиз.

Суратда: “Томчи илова”сини пухта ўрганиб чиқдим, дейди 2-тоифали муҳандис-гидротехник Бегзод Абдукаримов.

БОҒДОРЧИЛИК СЕРМАҲСУЛ СОҶА

Мамлакатимизда иқтисодиётни янги bosқичга олиб чиқишда аграр тармоқни барқарор ривожлантириш устувор аҳамиятга эга. Шу боисдан, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттириш мақсадида балл-бонитети паст бўлган ерларда интенсив боғлар барпо этиш жараёни кенг кўламда олиб борилмоқда. Наманган-Тошкент магистрал йўлидан борар экансиз, Чуст туманидан ўтиб Тўрақўрғон туманига киришнгиз билан жуда катта майдонни эгаллаган гилосзор эътиборингизни тортади. Авваллари бу майдонларга пахта ва ғалла экиларди. Йиғим-терим мавсумида бу йўлдан ўтган йўловчи борки, қовжираган ғалла ва тизза бўйи пахтани кўриб деҳқоннинг меҳнатига ачиниш ҳисси билан ўтарди. Ҳозирги ҳолатни кўриб кўнглингиздан, “Бўлар экан-ку”, деган фикр ўтади.

Бизни “GOLD FRESH FRUITS” МЧЖ иш бошқарувчиси Олимжон ака Ғойипов кутиб олди ва чет давлатлардан келтирилган кўчатлар билан таништирар экан:

– Бу ерлар авваллари сувсиз ва ҳосилдорлиги паст бўлган экин майдонлари эди, – дея гап бошлади у. – 2015 йил туман ҳокимлиги 15 гектар экин майдонини бизга ажратиб берди. Ишни майдонларни ихоталашдан бошладик. Сўнг ерни текислаб, кўчатлар экиш учун тайёрлай бошладик. Ўша пайтларда бу ерлар сувсиз, тошлоқ ерлар бўлса, шунча сарф-харажатни кўтарармикин, – дегувчилар кўп бўлди. Лекин жамиятимиз ишчилари билан олдимизга қўйган мақсадимиз сари астойдил ҳаракат қилдик. Эски ариқ, зовурларни қазиб, ярқоқли ҳолатга келтирдик. Аммо олиб келган сувимиз экин майдонларимиз учун етарли эмасди. Шунинг учун тўртта сунъий ҳовуз қазиб, сув билан тўлдирдик ва ҳар бирига ўрнатилган 4 тадан насос станцияларимиз орқали кўчатлар остига томчилаб суғориш шкани сув етказиб беришни йўлга қўйдик. Бу усулнинг ҳам чет давлатдан келтирилган бўлиб, энергияни кам сарф қилади, юқори унумдорликка эга. Бир кунда томчилаб суғориш усулларимиз орқали 112 гектар майдонни суғориш имкониятига эгамиз. Кўчатлар ҳафтасига ўртача 2 соатдан сув ичади. Ўғитлаш ва суспензиянинг ҳам талайгина қисмини сув орқали юбора-

миз. Аввалига дастур асосида 150 гектар майдонга 15 хил гилос, ўрик, нок, шафтоли кўчатларини Туркия ва Италиядан олиб келиб ўтказдик. Ҳозирги кунда 482 гектар майдоннинг 21 гектарига хурмо, 40 гектарига шафтоли, 9 гектарига бодом эккан бўлсак, қолган майдонлар гилосзорлардан иборат.

– Албатта, инновацион технологияларнинг аҳамияти жуда катта, – дейди жамоа энергетиги Абдуллажон Атаханов. – Чунки, бу технологиялар кам энергия сарфлаши билан бирга юқори унумдорликка эга. Тўртта сунъий ҳовузимизнинг ҳар бири ўртача 1400 метр кубдан сув олади. Бу ҳовузнинг тўлдирish учун албатта туманимиздаги бошқа кўтарма насос станцияларининг ёрдамига муҳтожмиз. Бу насос агрегатларининг кўпчилиги йиллар давомида янгиланмагани ҳисобига иш унумдорлиги тушиб кетиб, ўз имконияти даражасида иш бермай қўйган. Натижада бизнинг ҳудудларга сувнинг бир неча маротаба кам миқдорда етиб келиши кузатилади. Шунинг учун экин майдонларимизни суғориш системаси GPS тизими билан суғориш марказий бошқарув компьютеримиз экин майдонларини ўз назоратига олган. Қайси экин майдонида сув керак бўлса, хабар беради ва биз зудлик билан ўша майдон кўчатларига сувни юборамиз. Олдимизда жуда катта марра туриди. У ҳам бўлса экин майдонларимизни икки минг гектарга етказди. Бунинг учун биз-



маҳкамланган. Ҳосилни териб олишни осонлаштириш мақсадида кўчатларни 45 градусга эгиб сим бағазаларга боғлаяпмиз. Улардан ўсиб чиққан шохлардаги ҳосилни ердан туриб кемалол териб олса бўлади. Кўчатларимиздан навиға қараб кеч кузга қадар ҳосил олиш мумкин. Ўрикни халқимиз асосан эртапишар мева сифатида билишадди. Биз парваришлаган ўрик кўчатлари август ойи бошларида пишиб етилади. Мана бу нок дарахти, уни халқимиз 6-7 йилда ҳосилга киради, дейишадди, аммо биз ўтказган нок дарахти, дейишадди, нишона кўрсатди. 2019 йил якунига қадар экин майдонимиз 1000 гектарни ташкил қилиши учун ишларни жадвал суръатларда олиб бораёпмиз. 2020 йилга бориб яна 1000 гектар мана шундай интенсив боғ барпо этишни режалаштирганмиз.

Жамоа аъзоларининг режалари ушкан. 70 нафар доимий ва 145 нафар мавсумий ишчи жамоада сара ҳосил етиштириш учун меҳнат қилишяпти. Мақсад Жанубий Корея ва Россия давлатлари билан тузилган шартномани ортиғи билан адо этиш. Мана шундай хайрли мақсадни бекаму-кўст адо этиш ҳамда меваларни сифатли сақлаш учун совуқхона қуриш ишлари ҳам аллақачон бошлаб юборилган. Бундай саъйи-ҳаракатлар истиқболда янги-янги корхоналар қуриш, кўплаб ёшларнинг доимий иш билан банд бўлиши учун хизмат қилиши муқаррар.

Ҳа, юртимизда шундай жонқуяр инсонлар экан, халқимизнинг қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилиб, экспорт салоҳияти ортиб, дастурхони тўкин бўлиб бораверади.

К.ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.



Суратда: Чапдан: Олимжон Ғойипов, Жасурбек Ғаффоров ва Абдуллажон Атахановлар кўчатларни суғориш тизимини кўздан кечиришмоқда.

ТАРМОҚ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА



Республика Сув хўжалиги вазирлиги Ахборот таҳлил ва рекурс маркази томонидан “Томчи – сув тежашга ёрдамчи” шиори остида “Сувни тежайдиган технологияларнинг афзалликлари” танлови барча сув хўжалигига алоқадор ташкилот ва корхоналар томонидан илиқ кутиб олинди. Танлов Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилиб, мақсади “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” доирасидаги “Томчи” мобиль иловаси ёрдамида кенг омманинг сувни тежайдиган технологиялар ҳақида хабардорлигини оширишдан иборат эди. Бунинг учун томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилувчи барча сув истеъмолчилари (фермер, деҳқон хўжаликлари, тадбиркорлар ва бошқалар) ўртасида “Томчи” мобиль иловасининг имкониятлари тарғибот қилинган ва бу борада барчанинг мувожаатлари, таклифлари ўрганиб чиқилмоқда. Жумладан, март ойида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти Бухоро филиалининг 5 нафар талабаси ва ўқитувчилари танловда иштирок этиб, ғолиб бўлдилар.

Президентимизнинг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридаги вазифа-

лар ижроси бўйича Бухоро вилоят ҳокимлиги, қишлоқ хўжалиги, Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари уюшмалари кенг қўламли иш олиб бордилар. Вилоят бўйича 1033 гектар экин майдонида томчилатиб суғориш технологияси режалаштирилиб, умумий қиймати 19002 млн. сўмдан иборат лойиҳа бўйича то шу бугунгача 502 гектар экин майдонларида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган, жами ўзлаштирилган маблағ 17707 млн. сўмни ташкил қилди.

Аслида қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда махсус қурилмалар ёрдамида янги усулда иш олиб бориш билан ерлар меъёрида намлантирилиб, озуқа ва сувни бирга бериш орқали, сув ва ўғит тежалишига эришилади. Доимий усулда дала суғориб келинган бўлса, қувурлар ёрдамида томчилатиб суғоришда экин суғорилиши кўзда тутилади. Полиэтилен плёнкалар остига экилган ғўзалар томчилатиб суғорилганда культивация, эгат олиш, техника, озуқа ва ёнилғи сарфи тежалади, сув тарашдаги оғир меҳнатлар бартараф қилинади. Бу технологияни йўлга қўйиш билан тўқсон кунда, одатдагидан анча олдин пахта ҳосили пишиб етилади ҳамда юқори ҳосилдорликка эришилади. Демак, деҳқончиликда анча тежамкорлик йўлга қўйилиши билан бирга ютуқлар ҳам қўлга киритилади.

Шу юзадан “Томчи” танловида иштирок этган ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги ҳаётида янгиликларни жорий қилган элдошларимиз бошлаган хайрли ишлар фаровонлик ва барокатлиликка мазон ҳисобланади.

Ўз мухбиримиз.

ОНА ЎЗБЕКИСТОНИМДАН ФАХРЛАНИБ ЯШАЙМАН



Қоровулбозор мелиоратив бўлимида ҳозир 10 нафар мутахассис ва ишчи-хотимлар тумандаги 19,3 минг гектардан зиёд экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Туманда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда менинг ҳам қисман ҳиссам борлигидан мамнун бўламан. 2016 йилда 51,6 км, 2017 йилда 58,6 км, 2018 йилда 54,0 км узунликдаги каналларда таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб бордик. 2016–2018 йилларда 164,3 км узунликдаги зовур-каналларда олиб борилган таъмирлаш-тиклаш ишларига 1350,14 млн. сўм маблағ сарфланди. “Жарқоқ-Гулистон”, “Турон-Бузачи”, “Янги ҳаёт ариғи” СИУлари ҳудудларида 10 км узунликдаги очиқ коллектор тармоқларида қуриш ишлари амалга оширилиб, 420 гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолати барқарорлаштирилди.

35 йиллик иш фаолиятим давомида шуни билдимки, тўғри сўзлилиқ билан меҳнат оғушида яшасанг, ҳаётга дадил қарайсан, бировдан каминг бўлмайди. Ҳаётнинг ўзи ўқитади, тарбиялайди ва устоз даражасига етказди. Бугун уч нафар фарзанднинг отаси ва қатор невараларнинг бобосиман, оиламда ҳамма нарса бадастур, Оллоҳимга минг шукрки, тинч ва саодатли Ватонда меҳнат гаштини суриб яшайпмиз. Президентимизнинг

ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишни кўзлаб, ирригация, мелиорация, қишлоқ ва томорқа хўжаликлари бўйича таклиф, қарор ва кўрсатмалари бари ҳаётимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги йўлида эканлигини унутмайман. Ишдан уйга келсам, томорқага қараб ўз ишларимдан завқланаман, лимонзоримиз бор, паррандаларимиз бор, мол-ҳол, дегадмай. Томорқадаги маҳсулотлардан кўниқўшчиларга, невараларим тарбияланаётган мактабгача тарбия масканига, гоҳ ишхонага ҳам олиб келаман. Ҳар кимнинг сочилган ризқи-да. Сотишни эмас, яқинларим билан баҳам кўришни истайман. Ахир, камимиз йўқ, ойлигимиз ўзимизга етарли. Тарихдан ва айрим ўзга мамлакатлар ҳаётидан маълумки, бундай тинч ва осойишта ҳаётни боболаримиз, момоларимиз ҳавас қилиб ўтганлар. Биз учун фақат оила кўрғонини мустаҳкамлаб, фарзандлар, невараларни ўқитиб, билимли, илмли қилмоқ, ишда ва яшаш баробарида ҳаққонийлик билан жавоб бермоқ талаб қилинади. Мен Ўзбекистон деган улғў элим, юртим билан фахрланиб яшайман.

Шермухаммед МАМАДЖОНОВ,
Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Мелиоратив экспедициянинг “Қоровулбозор” мелиоратив бўлими бошлиғи.

ШАРАФЛИ КАСБ СОҶИБИ

Маҳмуд болалигидан экскаватор, трактор рулини бошқаришга ҳавас қилар эди. Мактаб таҳсилдан сўнг Манғит касб-хунар таълим даргоҳини “Фермер тракторчи” ихтисоси бўйича тугаллади. Тажрибали экскаваторчи Гулман Абдуллаевга шогирд тушиб, касб сир-асрорларини ўрганди. Мана, 21 йилдирки, шу соҳада ишлаб кам бўлгани йўқ. Дастлаб ПМК сувқурилиш корхонасида 10 йил, кейин “Амударёдавсувмахсуспудрат” ДУК да экскаваторчи бўлиб, илғорлар сафида меҳнат қилиб келмоқда.

Давлат унитар корхонаси бош муҳандиси Нурбек Болтабаев билан Амударё туманининг Қангли ОФЙ, Пишмак маҳалласига қангли КА-1-7 коллекторининг реконструкция ишлари олиб борилаётган қисмига борганимизда

хитойликлар ишлаб чиқарган «Люгонг-925-ЛЛ» маркали экскаваторда шиддат билан иш олиб бораётган Маҳмуджон билан бирпас суҳбатда бўлдик.

– Болалигимизда отам уйга тракторини ҳайдаб келса, кабинасига чиқариб қўйишига маҳтал бўлиб турардик. Отам раҳматлик Йўлдош Худойберганов бутун умр Манғит СМУ да тракторчилик қилдилар. Унга ҳавас қилар эдим, экскаваторчилик ҳам шунга яқин, яхши касб, дейди у.

Ишга чанқоқ бу йигитнинг содда, аммо ўз ишига пухталигини кўриб хурсанд бўлдик. Биз билан хайрлашаркан, у яна экскаватори ёнига шошилди.

Бир текис қазилаётган коллектор ён-атрофлари пахта далаларидан иборат. Жалғаш Абдуҳолиқов раҳбарлигидаги

“Ялғаш Абдуҳолиқов” номли кўп тармоқли фермер хўжаликнинг пахта далаларида ғўзаларнинг ривожланиши ҳар йилгидан кўра яхши, баравж.

– Коллекторлар ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаш учун қазилади, – дейди фермер. – Ернинг зах сувлари тортилиши оқибатида далаларда ҳосилдорлик ошади. Ҳозирги кунда 58 гектар экин майдонларимиз шу коллектор бўйларига жойлашган. Сувчиларимиздан Шомурод Турғонбаев, Олим Жумабаев, Жасур Сапарбоев, Бахтиёр Турғонбаевлар бу йил далалар шўрини ювишда қийинчилик сезишмади. Бу ишларнинг бари коллекторнинг ўз вақтида қазилишига боғлиқ.

Сувчилар машаққатини энгиллатиш йўлида меҳнат қилаётган экскаваторчини ва далаларини бир бор кўздан кечираётган фермерни ўз йўлида қолдирамиз. Кун тиғи айна кўтарилаётган дамда яна улар каби фидокор элдошларимиз ҳаётини ўрганиш ва ёзиш учун йўлга отланамиз.

Ш.СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Экскаваторчи Маҳмуд Худойберганов.



ЮКСАКЛИККА ИНТИЛИШ ЗАВҚИ

Мамлакатимиз аграр соҳаси вакилларидаги омилкорлик фазилатлари бухороликларга ҳам хос. Ҳар бир қарич ернинг, ҳар бир томчи сувнинг қадрига етувчи ушбу замин одамларини барчамиз яхши биламиз. Улар ҳалол ва баракали меҳнатлари билан юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиларига айланаётirlар.

Олот туманининг “Ҳамдам Полвон” фермер хўжалиги далаларидаги пахта ва ғалла ҳосилининг чўғидан мамнун бўлдик. Уруғлик чигит ва ғалла етказиб берувчи ушбу фермер хўжалигида ишлар аъло. 111,6 гектар майдондаги пахтанинг авжи балан, 65 гектар майдондаги ғаллага ўроқ тушди. Пахтадан 40 центнер, ғалладан эса 70–80 центнердан ҳосил олиш режалаштирилган.

– 210 бош қўй-эчки, 15 бош қорамол, 15 оила асалариларни ҳам асраб-авайлаб, рацион асосида парваришламоқдамиз, – дейди хўжалик раҳбари Норбой ака Ҳамдам.

Ушбу тумanning “Жумагелди” фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Алиевни одамлар гул шайдоси, саховатли инсон, меҳмондўст “оға” дея, ундан ўрناк олишга интилишади. Дала шийпони, қишлоқ йўлларидаги турли хил атиргуллар бутун қишлоққа ғўзаллик улашаётгандай, гўё.

– “Меҳмон – атоий Худо”, деганлар. Ҳеч нарсани у дунёга олиб кетолмаймиз-ку, уйга марҳамат, – дея қарши олди Шуҳрат ака бизнинг тортиниб турганимизни сезиб. Ҳовлисидоги дарахт соясида, гуллар ифорида баҳра олиб, бир пиёла чой устида гурунглашдик.

– Аввало, ўйлаб, пухта режа асосида иш бошлаш керак, – дейди қаҳрамонимиз. – Ниҳолларга керакли вақтда сув, ўғитлар берилса, меҳр билан парваришланса, албатта, кўзланган мақсадга эришилади.

Унинг 69,5 гектарга экилган пахтасининг, 26,5 гектар ерга экилган

ғалласининг чўғи баланд. У ҳам дўсти Норбой ака каби юқори ҳосил йиғиб олишини ният қилган. 50 оила асалари, 300 бош товуқ, 71 кўрка, 2 гектар интенсив боғ ҳам фермер ихтиёрида. Илоҳим, юртимизда Шуҳрат ака каби сахий, ғимматли фермерлар кўпаяверсин.

Туманида хотин-қиз фермерлар ҳам бисёр. Улардан бири “Абдурашид Чори саховати” фермер хўжалиги раҳбари Муборакхон Бозорова. Доимо режаларини бажариб келганлиги, самимийлигини ҳурмат қилган туман раҳбарлари 27 гектар пахта, 7 гектар ғалла майдони амаллаб экишини инobatга олиб, жорий йилда унинг ерини яна ўзида қолдирибди. Демак, гап ернинг гектарида эмас, юқори ҳосилдорликда, муомала маданиятида, билим ва эътиқодда.

Олот туманига қўшни бўлган Қорақўл тумани ҳам кундан-кунга обод бўлиб, ғўзаллашиб бормоқда. Ушбу тумандаги Аминжон Гулчиев раҳбарлик қилаётган “Феруза Гулчиева” фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишар эканмиз, хўжалик аъзоларига тасаннолар айтгимиз келди.

Хўжаликнинг 30 гектар пахта, 25 гектар ғалла, 5 гектар боғи бўлиб, берилган режалар мунтазам ортиғи билан бажариб келиняпти. 50 бош қорамол, 250 бош қўй-эчки, 100 бош товуқ, 35 сотих балиқхона, 80 оила асалариларни меҳр билан парваришлаб, самарасини фермер хўжалиги азолари билан баҳам кўраётган бағрикенг, элпарвар фермерни бутун туман аҳли яхши билади. Унинг техникаларидан қўшни фермерлар ҳам фойдаланиб, хурсандчиликларини изҳор этаётганлигини кузатиб, ҳавас қилдик.

Ҳа, ана шундай бағрикенглик, саховатлилик бухороликларга хос фазилат. Юксакликка интилиб, завқланиб яшаётган фермерларга омад, бахт, алғашик ёр бўлсин.

Р.ТОЖАЛИЕВА,
журналист.

ФИКРИ ТЕРАН ФЕРМЕРЛАР

Инсон маънавий бой бўлмай туриб, моддий бой бўла олмайди. Демак, ўқиб, ўқиб ўрганган одамгина ҳар томонлама етук бўлиши мумкин. Маънавиятли инсон ўзгаларга озор бермайди. Қоқилганларни суяди, бағри кенг, кечиримли бўлади.

Юқоридаги сўзларни дилларига жо қилиб олган хоразмлик фермерларнинг юзлари ёруғ, кўнгиллари тўқ.

Кўшкўпир туманидаги “Сойилжон” фермер хўжалиги раҳбари Абдушариф Алламов 2004 йили ҳеч иккиланмай, “фермер бўламан” дея туман раҳбарларига мурожаат қилди. Унинг тиришқоқлиги, билим ва салоҳиятини тушуниб етган туман раҳбарлари ер ажратиб беришди. Шундан буён у ҳар йили режаларини ортиғи билан бажариб, илғорлар қаторидан жой олиб келмоқда.

Айни кунда хўжаликнинг 125 гектар пахта, 100 гектар ғалла майдони бўлиб, ҳар бир қариш ерни асраб, авайлаб, алмашлаб экиб, режаларини ортиғи билан уддалаётир. 70 та ишчиси бор, уларнинг ҳаммасига меҳнат дафтарчаси очилган. Ўзлари учун яратилган шароитдан хўжалик аъзолари мамнун.

Шу тумандаги “Бўрлоқлик Дилмурод” фермер хўжалиги раҳбари Дилмурод Жуманиёзов ёш бўлишига қарамай, ишбилармон, ақли расо, китобхон, маънавиятли йигит.

100 гектар пахта, 30 гектар ғалла майдони, 7 гектар беда, 6 гектар боғи бор. У мунтазам алмашлаб экишга эътибор беради, режаларини ортиғи билан бажаради. Дадаси Рўзимбой Жуманиёзов уста пахтакор, ишнинг кўзини биладиган деҳқон. Билимни, тарбияни отасидан ўрганаётган Дилмуроднинг мақсади улкан.

Шовот туманидаги фермерлар ҳам дилкаш, китобхон, ҳазилкаш экан.

– Ҳар биримизнинг китоб жавонимиз бор, – дейди “Анвар-Нортой” фермер хўжалиги раҳбари Анваржон Нуржанов. – Китоб дўст, билим манбаи. Бўш қолдим дегунча, газета, журнал, китоб ўқийман.

– Демак илғорлик сирларини китобдан ўрганасиз?

– Албатта, балиқларга қаранг, билимнинг, ақлнинг таъсиридан-да, – дейди ҳазил аראш фермер.

12 гектар майдондаги кўл ҳавзаларида балиқ етиштираётган Анваржон дадаси Октябрь акадан балиқ етиштириш, кўпайтириш, парваришlash сирларини ўрганди. Инсон соғлиғига, кўз нурининг равшанлиғига ёрдам берувчи балиқларни севиб истеъмол қиламиз. Луқмаи ҳалол дея таъриф берамиз. Анваржон келажақда инкубация ташкил этиб, 5 та банкда личинкалар етиштириб, сонаб кўрмоқчи.

“Ором” номили чойхонаси эл хизматида. Ушбу чойхонани Анваржоннинг укаси Бекзод бошқаради. Эл корига яраётган ушбу оила доимо савоб иш билан машғул. Яна бир ўғли Акбар акаси Анваржонга кўмакчи.

Шу тумандаги “Ражабов Охунжон” фермер хўжалиги раҳбари Музаффар Маткаримов ҳам ўзига хос инсон. Унинг ҳам маънавиятли, китобсеварлигини суҳбат асосида билиб олдик.

43,7 гектар ерга экилган пахтанинг, 47,8 гектар ерга экилган ғалланинг чўғи баланд. Пахтанинг ҳар гектаридан 40 центнердан, ғалла ҳар гектаридан эса 70 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олиш режалаштирилган.

Шовот туманидаги илғорлар билан хайрлашиб, Урганч туманига йўл олдик.

“Ёшлик” фермер хўжалиги раҳбари Қахрамон Нуржановнинг меҳнаткаш, изланувчан, боғни севгувчи инсон эканлигини кўзлари ёниб, тўлқинланиб гапиришидан билиш мумкин. Унинг 20 гектарлик боғи бор экан. Анжир, олма, шафтоли, узум, олхўрилар тартиб билан экилган.

– Самарқанд, Андижоннинг машҳур боғонлари тажрибаларини ўрганиб, кўчатларни улардан олиб келганман – дейди Қахрамон ака. – Уста боғбонлар билан маслаҳатлашаман, ўрганаман.

– Даромад яхшими?

– 2018 йили 110 миллион сўм соф фойда олдик.

Ўғли Диёрбек агроном, дадасига кўмакчи. Меҳнатнинг ҳадисини, китобларнинг қудратини қалбига жойлаб, меҳнат қилаётган фикри теран, ақли етук фермерлар бор экан, Ўзбекистонимиз бундан-да юксалиб, гуллаб яшнайверади.

Р.ЮСУПОВА,
журналист.

ОНАМНИНГ ГИЛАМЛАРИ

Мана, 35 йилдирки, Шукуржон Сафаева пиллачилик соҳасида фаолият юритиб келади. Бугун у “Боғотагропилла” МЧЖнинг тажрибали ҳосилоти. Болалиги қишлоқда ўтди. Онаси – хокисоргина, камсуқум, аммо сўзлари ўткир Қурвоной момонинг пилла боқиш сирларини ўргатганини ҳеч унутмайди.

– Ҳозир ҳам уйимизда ўша даврлардан ёдгор, онам пилла боқиб, совғага олган гилам бор, – дейди у фахр билан.

Онаси каби у ҳам ҳаётини пиллачиликка бағишлади. Мактабни битказган, Боғот касбхонар техника билим юртида ўқиб пиллачи ихтисослигини эгаллади. 1984 йилда Боғот бош пилла қуриш корхонасига ҳосилот бўлиб ишга кирди. Ишдан ажралмаган ҳолда Бухоро қишлоқ хўжалиги техникумида ўқиб, “Пиллачилик агрономи” дипломига эга бўлди. Хуллас, у дастлаб пиллахона мудир, кадрлар бўлими бошлиғи, ҳосилот каби вазифаларда ишлаб халққа танилди. Умр йўлларидаги бир воқеа сабаб бутун ҳаётини пиллачиликка, укаларининг фарзандларини тарбиялашга бағишлади.

– Туманимиз бўйича 118 та пахта-ғалла экадиган фермер хўжалиги ва 458 нафар ка-

саначи билан шартнома туздик, 20 жойда инкубатория ташкил қилдик, жами 3100 қути ипак қуртидан бу мавсумда 171 тонна ипак тола олишни режа қилганмиз. Янги технологияни жорий қилиб, плёнка элида ипак қурти боқишни йўлга қўйдик, – дейди у.

Тумандаги илғор касаначи пиллачилардан Гавҳар Душамова, Робия Ҳайитбаева, Умида Фазановалар ҳар йили ўз режаларини 120-125 фоизга уддалаб келмоқдалар. Улар бу йилги пиллачиларга бўлаётган эътибор ва имкониятлардан, айниқса, йиллик иш стажидан мамнун бўлиб, такрорий ипак тутишни ҳам режа қилишган.

– Ер солиғидан озод қилинганимизни айтмайсизми? – дейишди улар.

– Эҳ, менинг соддагина опаларим, сингилларим, бошқа имтиёзлар-чи, – деганим-



Суратда: Ш. Сафаева.

ни биламан, улар бир-бир санай бошлашди. Суҳбатимизга келиб қўшилган “Боғотагропилла” МЧЖ раҳбари Пулат Оллаберганов ташкилотнинг 16 нафар ишчи-хизматчиси борлиги, шулардан 12 нафар ҳосилот айсин ипакчилар билан суҳбатлар, конференциялар ўтказиб, соҳадаги янгиликлар ва илғор ғояларнинг афзалликлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борганлиги ва бунинг самаралари ҳақида тўхталди. Шукуржон онани пиллачиларимизнинг онаси, деб талқин қилди.

Ўз муҳбиримиз.

60 центнер чегара эмас

Бугун халқимизнинг ерга бўлган муносабати тамоман ўзгарди. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, яхшигина даромад қилаётган, рўзгорини фаровон, дастурхонини тўкин қилаётган фермерларимиз фаолияти бунга яққол мисол. Ана шундай фермерлар Хоразм вилоятида ҳам талайгина.

Гурлан вилоятнинг деҳқончилик ривожланган туманларидан ҳисобланади. Айни кунларда гурланликлар жорий йилда ҳам қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил йиғиштириб олиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

“Собир Гурланли” фермер хўжалиги тумандаги энг илғор жамоалардан бири сифатида эътироф этилади. Биргина мисол: Анчагина мураккаб келган, жиддий сув танқислиги кузатилган ўтган йили жамоа 25 гектар майдонга уруғлик учун экилган гўзанинг С-8294 навидан 60 центнердан ошириб хирмон кўтаришга эришди. Аҳил жамоанинг раҳбари Каримбой Собировнинг таъкидлашича, бу кўрсаткич чегара эмас. Улар бу йил ҳосилдорликини камида 65 центнерга етказишга аҳд қилишган.

– Отам Бобожон Собиров Иккинчи жаҳон урушидан эсон-омон қайтиб, Урганч гидро-мелиорация билим юртида таҳсил олгач, дастлаб сув хўжалиги тизимида, кейин нафақага қадар туманда архитекторлик қилдилар, – деб хотирлайди Гурлан туманидаги “Собир Гурланли” фермер хўжалиги раҳбари Каримбой Собиров. – Онам Сапаргул ая билан 10 нафар фарзандни эл қорига ярайдиган инсонлар этиб вояга етказдилар. Бизни вақтнинг, ҳар бир қарич ернинг қадрига етиш кераклиги, меҳнатни илмга уйғунлаштириб олиб бориш ҳисси билан тарбияладилар. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, турли соҳаларда ишласак-да, барчамизнинг томорқамиз обод, ерга боғлиқ қўшимча даромад шакллантирганмиз.

Бир пайтлари мўл-қўл пахта етиштирган ота-боболаримизнинг бир орзуси бўларди: у ҳам бўлса, пахта толасидан тайёрланадиган мато ва кийим-кечакларни юртимизда ишлаб чиқариш эди. Шукрки, бугун уларнинг

ушбу орзуси рўйбга чиқиб, мамлакатимиздаги ўнлаб замонавий тўқимачилик корхоналар томонидан тайёрланаётган бежирим ва сифатли маҳсулотлар нафақат бозорларимизни тўлдирмоқда, балки хорижда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

Дарҳақиқат, хўжаликда ҳудуд тупроқ-иқлим шароитига мос, агрономиянинг илмий асосларига таянган тажриба мактаби яратилган. Мактабнинг илмий-амалий назарияси фермер хўжалиги ташкил этилган 2005 йилдан буён ўзини оқлабгина қолмай, истиқболли лойиҳалар устида ишламоқда. Асли касби қурувчи-муҳандис бўлган, қатор йиллар мазкур соҳада ҳурмат топиб ишлаган қаҳрамонимиз эндиликда, ҳатто, имтиёзли дипломли олим-агрономларнинг ҳам ортда қолдириб қолди. Бунинг боиси нима, деган саволга Каримбой ака камтаринлик билан:

– Фан ишлаб чиқаришдан анчагина илгарилаб кетди. Зироатчиликда юқори ҳосил олиш учун, деҳқон аввало экин экадиган майдоннинг тупроқ таркибини мукаммал билиши шарт. Бунинг учун илмий муассасаларга мурожаат этишнинг ўзи кифоя. Кейин, экилаётган экин навининг агробиологиясидан хабардор бўлиши талаб этилади.

Илғор жамоада илмий манбаларга таянган ҳолда ҳар бир агротехника тадбири мақбул муддатларда сифатли қилиб ўтказилиши таъминланаётганлиги боис, барча турдаги қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилиб, фермер хўжалиги нафақат вилоятда, балки республикамизда илғорлар сафида эътироф этилади.

Эътиборлиси, хўжаликнинг изланиш натижаларига таяниб ишлаб чиқилган режаси мавжуд. Унга мувофиқ, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида илмий асосланган алмашлаб экиш тартибига қатъий амал қилинади. Сидерат экинлар уруғчилиги йўлга қўйилгандан кейин, гўзани кўкат

ўғитлар билан аралаштириб, оралиқ экин сифатида экиш жорий этилади. Бу каби тадбирлар тупроқ микробиологиясини бойитиш баробарида табиий унумдорлигини оширади. Тупроқнинг табиий унумдорлиги етарлича бўлмаган даладан ишончли ҳосил етиштириш қийин кечади.



Суратда: (чапдан) Урганч давлат университети ўқитувчиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент Ойбек Эгамбердиев, фермер Каримбой Собиров.

– Шу ўринда, бошқа тармоқлардаги каби деҳқончиликда ҳам илм аҳли билан кенг кўламли муносабатлар ўрнатиш жоиз деб ҳисоблайман, – дейди Урганч давлат университети доценти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ойбек Эгамбердиев. – Кўп йиллардан буён “Собир Гурланли” фермер хўжалиги билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйганмиз. Жумладан, фермер хўжалигининг экин майдонларида лазерли қурилма ёрдамида текислаш ишлари амалга оширилаётганлиги боис юқори натижаларга эришилмоқда. Лазерли қурилма ёрдамида ер текислаш фермер ишини сезиларли даражада енгилаштиради. Бундай майдонларда суғоришга сарфланадиган сув 25 фоизгача тежалани, тупроқ шўрланиши камаёди. Суғориш вақти ва ишчи кучи тежаланади, уруғ бир маромда униб чиқади. Ер бир текисда намланади. Натижада ҳосилдорлик гектарига 4–7 центнерга ошади. Буларнинг барчаси эса қўшимча даромад манбаидир.

Ўсимликларни турли касаллик ва зараркунандалардан биологик ҳимоя қилишда Тошкент давлат аграр университети олимлари билан ҳамкорлик қилинаётганлиги, бунда айниқса, экинларни биологик усулда ҳимоя қилиш йўлга қўйилганлиги қатор йиллардан буён ўзининг самарасини беришмоқда.

Ўз мухбиримиз.



ГУЛЛАР КЎСАККА АЙЛАНГАНДА...

Қорақалпоғистонда бу йил об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамасдан, жами 96 минг 291 гектар майдонда чигит экиш ишлари амалга оширилиб, ниҳоллар тўлиқ ундириб олинди.

Мақсад, ана шу миқдорнинг ҳар гектаридан 21,3 центнердан жами 184 минг 200 тонна хирмон бунёд қилишдир. Айни кунларда республика пахта далаларида қалб меҳри-ла ундириб олинган ғўза ниҳолларини чилла сувига қондириб суғориш ишлари уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Сабаби, деҳқонлар таъбири билан айтганда “чилла суви – тилла суви”дир.

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йил суғориш мавсумига 5 млрд 555 миллион м³ чекланган сув миқдори ажратилиб, туманлар ва манбалар кесимида суғоришга ҳамда саноат-техник эҳтиёжларга ажрати берилди. Олинган сув миқдорлари билан жорий йил 1 апрелдан бошлаб Қорақалпоғистонда жами 185 минг 905 гектар майдонлардаги ғалла, 8 минг 907 гектар шולי, 151 минг 580 гектар томорқа, 151 минг 843 гектар майдонлардаги бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари, жами 498 минг 35 гектар ҳудудда суғориш ишлари айни кунларда жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Мазкур агротехник тадбирни тўғри ташкил қилиш мақсадида республикадаги ҳар бир туманга сув хўжаликлари ташкилотлари раҳбар ходимларидан масъул шахслар бириктирилиб, жами 60 та суғориш штаблари ташкил қилинди. Бундан ташқари, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда бу ишни куну тун ташкил этиш мақсадида 188 та суғориш отрядлари фаолият кўрсатмоқда. Мухими, ушбу отрядларга сув хўжалиги таш-

килотларидан 1 минг 154 нафар СИУ ходимлари ҳамда 16 минг 408 нафар фермер хўжаликлари ишчилари бириктирилиб берилди. Жами 18 минг 102 нафар сувчилар ҳозирги кунда Қорақалпоғистоннинг кўз илғамас пахта далаларида куну тун об-ҳаёт тарамоқдалар. Яна бир муҳим масала, Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сувни тежовчи технологияларни жорий этиш юзасидан қабул қилинган 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар



яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишлар юритилипти. Республиканинг туманларида жами 399 гектар майдонда 27 та фермер хўжаликлари иштирокида томчилатиб суғориш технологиялари амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, мазкур фермер хўжаликлари умумий қиймати 7 млрд. 36 миллион сўмлик кредит маблағлари ажрати берилди. Тахياتош тумани олдинлари кичик шаҳарча бўлиб, асосан энергетиклар яшарди. Ҳозирги кунда мазкур туманда ҳам қўшимча даромад кел-

тирувчи пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланилмоқда. Шу мақсадда Тахياتош туманига қўшни Хўжайли туманидан 3 та пахтачиликка ихтисослашган ММТП ҳудуди ажрати берилди. Шундай қилиб Тахياتош туманида 2019 йилда 2600 гектар ер майдонига чигит қадалиб, ниҳоллар тўлиқ ундириб олинди. Туман меҳнаткашлари жорий йилда ана шу 2 минг 600 гектар пахта майдонидан жами 5 минг 250 тоннадан кўпроқ хомашё ундириб олишга азму қарор қилганлар. Пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланувчи 55 та фермер хўжаликларидида ғўза қатор ораларига ишлов бериш, уларни бегона ўтлардан тозалаш, чопиқ қилиш, яғаналаш ишлари тизимли ташкил қилиниб, 67 та культиватор тўлиқ ишлатилмоқда. Уларнинг иш унумини ошириш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилди.

Натижада мазкур туманда ҳам ғўзаларни чилла сувига қондириб суғориш ишлари қизгин давом эттирилмоқда. Бу муҳим агротехник тадбирида туман бўйича 150 нафардан кўпроқ тажрибали сувчи қатнашмоқда. Уларнинг 26 гектар нафари сув хўжалиги, 101 нафари СИУлар ходимларидир.

Тахياتош туманида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросига алоҳида эътибор берилмоқда. 5 та эгилувчи қувурлар, 18 та кўчма насос бетўхтов ишлаб турибди. Плёнкани тўшаб ва эгат оралаб суғориш тўғри йўлга қўйилган. Томчилатиб суғориш технологияларидан самарали фойдаланилмоқда.

Ишнинг натижаси чакки бўлмапти. Туманининг пахтачилик билан шуғулланувчи барча фермер хўжаликларида ғўза гуллари ёппасига кўсакка айланиб, мўл ҳосил тўпланмоқда.

Р. ҚОЗОҚОВ,
ўз мухбиримиз.

ДАНҒАРАНИНГ ДОНГДОР ЖАМОАСИ

Данғара тумани ҳокимлиги, қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан олиб борилаётган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ерга агротехник ишлов бериш жараёнининг қатъий режа асосида амалга оширилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари самарадорлигининг кескин ошишини таъминлайпти. Сўнгги йилларда туманда амалга оширилаётган чора ва тадбирлар натижасида ғаллачилик, пахтачилик, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик соҳаларида фаолият юритиб, яхши натижаларни қўлга киритаётган фермер хўжаликлари сони ҳам кўпайиб бормоқда. “Шоҳжаҳон Умаралиев” кўптармоқли фермер хўжалиги ана шундай илғор жамоалардан бири.

Хўжалик раҳбари Жамолхон Умаров ёш бўлса-да, вилоятда кўп йиллик тажрибага эга уста деҳқон сифатида танилган.

– 2002 йили касб-хунар коллежини тамомлаб, туман ҳокимлигига ер сўраб мурожаат қилдим. Раҳмат, туманимиз раҳбарлари мурожаатимни эътиборсиз қолдиришмади. 10 гектар экин майдонида туманнинг ёш фермери сифатида иш бошладим, – дейди Жамолхон. – Ўтган йиллар менинг олган назарий билимларимни амалиётда қўллаш имкониятини берди. Бу ерлар ширкат хўжалиги даврида ҳар гектари пахтадан 18-20, ғалладан 20-22 центнердан ҳосил берарди. Аввало, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор қаратдик. 5 нафар доимий ишчимиз билан ариқ-зовурларни тозалаб, сув йўлларини шай ҳолатга келтирдик. Чунки, сувнинг йўқотишларсиз, етарли миқдорда экин майдонларига кириб келиши сувчиларнинг самарали ишлашларини таъминлайди, кўчатлар қониб сув ичиб, ҳосилдорлиқнинг юқори бўлишига замин тайёрлайди. Экин майдонларимизни ёввойи ўт-ўланлардан тозалаш билан биргаликда маҳаллий ўғитлар билан озиклантириб бордик. Қисқа вақт ичида ҳосилдорлиқнинг ошиши халқимиз ва туманимиз раҳбарлари олдида юзимизни

ёруғ қилди. Улар бизга янада ишонч билдириб экин майдонларимизни 65 гектарга кенгайтиришимизни таклиф қилишди. Ҳозирги кунда 65 нафар доимий ишчимиз билан экин майдонларимизда пахта, ғалла ва балиқчилик маҳсулотларини етиштиряпмиз. Жорий йил 34 гектар экин майдонига ғалланинг “Яксарт” навини эканмиз, давлатга сотиш режаси ҳар гектардан 40 центнер этиб белгиланган бўлса-да, 70 центнерлик ҳосилни мўлжал қилиб меҳнат қиляпмиз. 31 гектар майдонга экилган пахтанинг “Султон” навидан 40 центнердан ҳосил олиш учун барча имкониятларимизни йўналтирганмиз. Юқори ҳосилдорлик учун маҳаллий ўғитдан сўнг, ҳозирги кунга қадар ҳар гектар майдон 1100 кг. дан азотли ва 500 кг. дан фосфорли ўғитлар билан озиклантирилиб, беш маротаба суспензия ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, ҳар хил зарарли ҳашаротларга қарши курашиш мақсадида биологик ва кимёвий усуллардан фойдаланяпмиз. Сувчиларимиз Умиджон Ҳошимов, Мансуржон Толиповлар экинларимизни қондириб сўғоришаётган бўлишса, малакали механизаторларимиз Ҳошимжон Мухаммаджонов ва Раҳимжон Ҳамдамовлар экин майдонларидаги ҳар бир кўчатга авайлаб ишлов беришмоқда. Меҳнатига яраша даромад, деганларидай ишчиларимиз ҳар ойда бир, бир ярим миллион сўм атрофида маош олишмоқда. Ер ҳам берсанг, беради, – дейди устозларимиз. Шунинг учун ота-боболаримиз маслаҳатларига амал қилган ҳолда меҳнат қилишга астойдил киришганмиз.

Маълумки, фермер хўжаликларини ривожлантириш йўлида давлатимиз томонидан жуда кўплаб имтиёзлар тақдим қилинмоқда. Яъни хўжаликнинг болижвий

жиҳатдан барқарор бўлиши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун замин бўлади. Бунинг учун хўжалик таркибида қўшимча тармоқларни ташкил этиш лозим, албатта.

Давлатимиз раҳбариятининг қўшимча хўжаликларни ташкил этишга эътибор қаратишининг ўзи фермерлар учун жуда катта имконият. Қўшимча хўжалик бу қўшимча даромад, янги иш ўринлари, янги маҳсулот дегани. Бизнинг экин майдонларимизнинг талайгина қисми захкаш ерлар. Шунинг учун балл-бонитети паст бўлган икки гектар майдонда балиқчилик хўжалиги ташкил қилдик. 10 нафар қишлоқ ёшлари билан қурилиш ишларини бошлаб, қисқа вақтда хўжаликни ишга туширдик. Бизнинг хўжалигимиз бошқа хўжаликлардан фарқ қилади. Биз маҳсулотимизни бозорга олиб чиқиб сотмаймиз. Балиқ ишқибозлари хўжалигимизга келишади. Қўлларимиз атрофига дам олиш хоналари қурганмиз. Улар қўл бўйида ўтириб, ўзлари ов қилишади ва роҳатланишади. Агар хоҳлашса ошпазмиз, хоҳлашмаса ўзлари таом тайёрлашади. Бунинг учун барча шароитларни муҳайё қилганмиз. Жорий йил кўлимизга оқ амур, сазан, оқ дўнгпешона, илонбалиқ ва лаққа чавақчаларини ташлаганмиз. Куз фаслида ўртача саккиз тонна балиқ маҳсулотларини халқимизга тортиқ қилиш ниятидамиз.

Меҳнат бор жойда даромад ҳам бўлади. Хўжалик ўтган 2018 йилни 150 млн. сўм соф даромад билан якунлаган эди. Мана шу даромад ҳисобидан мактаб биносини таъмирлаш ишлари учун маблағ ажратилиб, кам таъминланган оилаларга моддий кўмак берилган эди. Бу анъана жорий йилда ҳам давом этмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг моддий фаровонлиги, маҳалла ва қишлоқларимизнинг янада чирой очиб боришида Жамолхон каби фермер хўжалиқларининг ўрни катта бўлмоқда. Зеро, деҳқон бой бўлса, мамлакат бой бўлади, деган гапнинг замирида жуда катта маъно мужассам.

К. ҲАЙИТБОЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан) туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Азизжон Қўзиев ва фермер Жамолхон Умаров.



БУЮК ИПАК ЙЎЛЛАРИДА ИПАК ТОЛАЛАР



Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани қишлоқ ҳўжалигининг ҳар бир соҳасида ўз ўрнига ва мавқеига эга. Бу ернинг деҳқонлари ҳам эрта баҳордан то кеч кузгача меҳнат билан банд бўладилар. Ерлар шўрланишининг олдини олиш учун далалар бир неча маротаба ювилиб, бир неча бора сурилиб экишга тайёргарлик кўрилади. Бир томони қумдан иборат текис очилган ер майдонларида баҳорги шамоллар, ёзги гармселлар каби табиатнинг ўз қонун-қоидалари билан деҳқонларнинг қурашлари ўртасида мевастон, пахта ва ғалла, чорва экинлари, полиз маҳсулотлари етиштирилади. Бу сафаримиз ғаллазорлар шивирлаб ҳосил йиғаетган айна пайтда пилла териш мавсумига тўғри келганлиги боис, мавзуни пиллакорларимизнинг ишларига бағишладик.

Хитой Халқ Республикасидан олиб келинган “Шандон”, “Таншон” уруғчилик компанияларида етиштирилган сара уруғликлар асосида етиштирилган пиллалар салмоқли, мулойим ва пишқ тоғалилиги билан эътиборли. Шу билан бирга, пиллакорларимиз қурт боқилишнинг ҳам янги ва энгилроқ усуллари жорий қилиб, катта ютуқларга эришмоқдалар.

“Қорақалпоғистонагропилла” МЧЖ раҳбари Давлатбой Хўжақов ҳамроҳлигида Руслан Наримбетов раҳбарлик қилаётган “Амударёагропилла” МЧЖ томонидан олиб борилаётган ишларни кузатиш учун йўлга чиқдик. Ҳамроҳимизнинг айтишича, Руслан пиллачилар соҳасини яхши билган, далалар меҳнатсевар, эҳтиёткор ва ҳозиржавоб йигит.

Халқ тилида “Манғит” деб юритиладиган Амударё тумани аҳли пиллачилик соҳасида ҳам республикада юқори ўринларда келмоқда.

– “Манғит пиллаҳона”си 2 гектарга яқин майдонга жойлашган. Пиллага дастлабки ишлов бериш соябони 5 қаватдан иборат, 40-45 кун мобайнида дастлабки ишлов берилиб, меъёрига келгунича қўрилади. Сўнгра фабрика ва корхоналарга хомашё сифатида юборилади, – дейди Р.Наримбетов.

– Бу ерда 250 тонна пилла қўриш имконияти бор, – дейди суҳбатга қўшилиб пилла ҳосилоти Рустам Хўжаниёзов. – Ўтган йили 163 тонна 300 кг. пилла қабул қилинди, бу йилги режа: 175 тонна 200 кг.

Амударё туманида 298 та фермер ҳўжалиги билан контрактация шартномалари имзоланиб, пилла қабул қилиш давом этмоқда. Қиличбой МТП га қарашли “Амирхон” фермер ҳўжалиги, Тўлқин ОФЙ даги кўп тармоқли “Илҳом Матлуба” фермер ҳўжаликлари биринчилардан бўлиб пилла режалари ошиги билан давсумдилар. Бу каби ҳўжаликларда 4 мавсумда ипак боқилиб, қабул қилиш ва тозалаш ишлари давом этмоқда. Туман бўйича ипак қурти боқилиш учун 669 гектардан иборат тўздорлар мавжуд бўлиб, озуқа борасида муаммо сезилмайди. Илғор касаначи пиллачилар Зулфия Холбаева, Илҳом Нуриμβетов, Нурилла Муротов, Гулчехра Нуриллаева, Гулистон Усмановалар ҳар йили икки қўти ипак қурти боқиб, бўлиқ ва сифатли пилла ҳосилини йиғишда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

2010 йилда иш бошлаган “ASIA SILK” шўба корхонаси томонидан дастлаб 1 млрд. 125 млн. сўмлик инвестиция киритилиб, Хитой мамлакатидан пиллани қайта ишлайдиган замонавий иккита дастгоҳ лийнйаси олиб келинган.

– “Манғит йигирув-тўқув” фабрикасини қайта таъмирлаб, дастгоҳларни қуриш ерга ўрнатдик. Бу дастгоҳларнинг ишлаб чиқариш қуввати 169 тонна қуруқ пиллани қайта ишладан иборат бўлиб, пилла сифатини кафолатлайди, – дейди шўба корхона директори Якубжон Тўраев.

Корхонада бугунги кунда 83 нафар қишлоқ аёли банд бўлиб, иш низоҳатда қизгин давом қилмоқда. Ўтган 2018 йилда корхонада ишлаб чиқарилган 2 млн. долларлик ипак хомашёси ва пилла чиқиндилари маҳсулотлари Бирлашган Араб Амирликлари,

Эрон, Вьетнам мамлакатларига экспорт қилинган. Жорий йилда корхонага қарашли туманлардаги ипак қурти боқувчиларига 1- ва 2-мавсум пилла етиштиришда 5516 қўти уруғлик жонлантирилиб берилган. Пахта заводи тизимидан олинган 4 та қурт боқилиш масканларида янги технология асосида кўп қаватли қуртхоналарда иш олиб боришмоқда. “Asia silk” шўба корхонаси томонидан битта замонавий қуртхона ва 5 та кўчма қуртхоналар иш олиб бораёпти. Ҳозирда иккита дастгоҳда тўла қувватда йиғиб олинган пиллаларни қўриш ишлари намунали олиб боришмоқда. Пилла сараловчилар Гавҳарой Худойбергенова, Назокат Қувватбаеваларнинг ишларини бир зум кузатганимизда, бу ерда иш намунали ташкил қилинганига амин бўлдик.

– Бу йилги пиллакорларимиз бўлиқ ва оппоқ бўлиб, салмоқли тош босаяпти, янги технология барибир яхши-да, – дейди электромеханик Холимбет Қўрбонбаев.

Ҳа, юқоридагилардан кўриниб турибдики, қорақалпоғистонлик пиллакорларимиз ҳам Президентимизнинг 2018 йил 12-январдаги “Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини оғишмай бажариш йўлида фидокорлик билан иш олиб бормоқдалар. Соҳани ривожлантириш йўлида илғор технологияларни жорий қилиш ва экспортбоп маҳсулот етказиш ниятида меҳнат қилаётган пиллачилар ўзларига билдирилган ҳолда бугунги меҳнатларидан мамнун. Бир тизимдан кўра 4 тизимлилик маъқул. Ахир, олдинги бир қават қилиб қурт боқилган жойга бугун тўрт қават қилиб ипак қуртлари жойлаштирилади, ўзига хос шароитлар яратилиб, мўл озуқа тайёрланса, яна имконият ошади.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Қорақалпоғистонлик пиллакорлар ҳаётидан лавҳа.

ЭКСПОРТЧИ КОРХОНА

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рақобатбардош ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, иқтисодиётни тараққий эттириш, жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаш ва халқ фаравонлигини янада юксалтиришга давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Буни Фарғона вилоятида ипакчилик, тутчилик, пиллачилик соҳаларида фаолият юритаётган корхоналарда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

– Корхонамиз экспортёр хўжалик субъекти сифатида фаолият олиб бормоқда, – дейди “Водил ипак йиғирув” шўъба корхонаси директори Улуғбек Умрзоқов.

– Ахил ва иноқ жамоамизнинг шаклланиши ва фаолиятимизнинг кенг ривожланиши таъсисчиларимиз Умар Муҳаммадиев, Умид Муҳаммадиевларнинг катта ҳиссаси бор. Ипак йиғирув фабрикаси сифатида 2005 йилдан фаолият юрита бошлаган корхонамиз ўзининг имкониятлари ва замон талабларидан келиб чиқиб, иш юртишнинг янги йўналишга ўтди. Дастлаб Хитойда ишлаб чиқарилган юқори талабга жавоб берадиган, пилла хомашёсидан ипак ишлаб чиқарадиган иккита дастгоҳ олиб келинган эди. Шу туфайли 100 нафар аҳоли иш билан таъминланди.

Ҳозирга келиб корхонада ишчилар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, 6 та бўлимда 164 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Саралаш, йиғирув, қадоқлаш, қайта ўраш, чиқиндини қайта ишлаш цехлари ва махсус текширув лабораториясида ҳамisha иш қизғин.

– Ўзбекистонликлар жуда меҳмондўст, сахий, кўрганини дарров илғаб оладиган, тажрибали одамлар экан, – дейди хитойлик тадбиркор Ван Вен Чинг.

У русча-хитойча аралаштириб анча сўзлади, хитойча талаффузи боис англаганимизча тушундик. Вен Чинг корхонадаги имкониятларни юқори эканлигини таъкидлади.

Ипак йиғирув цехида кўп йиллардан буён ишлаб келаётган тажрибали ишчилар, қўли-қўлига тегмай дастгоҳни моҳирона бошқараётган Барно Дадажоновна, Холида Маткаримоваларнинг ишини бироз кузатдик. Корхонада такомиллашган ишлаб чиқариш, модернизация ва таъмирлаш ишлари йўлга қўйилган. Фарғона, Қува, Олтиариқ, Бағдод, Бувайда туманларида “Агропилла” МЧЖлар таъсис этилиб, 86 нафар киши иш билан банд. Пилла мавсумида 12 000 нафар мавсумий ишчи меҳнатга жалб этилади.

Вилоят туманларида тутчиликни ривожлантириш, ипак қурти боқиш учун озуқа базасини кенгайтириш, тутзорларни реконструкция қилиш, ерларга кузги, баҳорги ишлов бериш, агротехника тадбирлари ҳам ўз вақтида ўтказилганлиги боис тут кўчатлари экилиб янги тут плантациялари барпо қилинди. 5 та туманда 7 та замонавий қуртхона бинолари қуриб, ишга туширилди.

“Фарғона тут ипак қурти уруғчили” МЧЖда 1,5 млрд.

сўмлик 4 та янги омборхона қурилди. Хитойлик мутахассислар кўмагида 15 000 қурти ипак қурти уруғи захира-си тайёрланди. Бу ишларга 500 нафар мавсумий ишчи



жалб қилинди.

Бугун Вьетнам, Эрон, Ҳиндистон, Япония, Хитой, Тожикистон, Қирғизистон каби хориж давлатлари билан кенг ҳамкорлик ришталари ўрнатилган. Шунга кўра иш фаолиятида янги технологиялар жорий қилинмоқда, ривожланиш давом этмоқда.

Корхона туризмни ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшиб келяпти. Фарғона туманидаги Хўжа Аҳмад Вали МФЙда жойлашган дам олиш маскани қурилишини ўз тасарруфига олиб, 10 нафар ишчи-мутахассис билан янги, замонавий бино ва иншоотлар қурилиши бошлаб юборилди. Ишга тушгач яна 10 нафар қишлоқ аҳли иш билан таъминланади.

Ипакчиликда етакчи бўлган бу корхона айни пайтда тўла қувват билан ишлаб, йилига 560 тонна хўл ипак хомашёсини қабул қилиб олмоқда. Ҳар бир килограмм ипак учун 15 000 сўм пул берилади. Цехларда ишланиб, тайёр ҳолга келтирилган маҳсулот эса ўз вақтида харидорини топмоқда. 2018 йилда 1270,0 минг АҚШ долларини маҳсулот экспорт қилинди. Ривожланиш сари жадал қадам ташлаётган корхонада шу кунларда иш қизғин.

Ш.СОДИҚОВА,
ўз мухбири.

Суратда: корхона цехидаги иш жараёни.

ОБРУҲ ВА МАВҚЕИ ТИКЛАНАЁТГАН ТАРМОҚ

Жиззах вилояти пиллакорлари аграр соҳанинг қалдирғоч тармоғи – пиллачиликда яхши натижаларни қўлга киритиб, давлат хирмонларига биринчи мавсумда 590 тоннадан кўпроқ қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб беришди.



Жорий йилда соҳада амалга оширилиши лозим бўлган юмушларнинг катта қисми пиллани қайта ишлашга ихтисослашган 3 та кластер, жумладан, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Зомин текс экспорт”, “Силк экспорт просессинг” ва “Зомин асл ипак толаси” корхоналари зиммасига юкланди. Вилоят туманлари уларга белгиланган тартибда бириктириб берилди.

– Жорий йилда жиззахлик пилла етиштирувчиларга хориждан, аниқроғи Хитойдан келтирилган 10 минг 700 қути пилла қурти тарқатилди, – дейди вилоят “Агропилла” МЧЖ раиси Кенжабой Қўқонов. – Ҳар бир қутидан ўртача 55,7 килограммдан ҳосил кўтарилди. Пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан 4723 нафар фермер хўжаликлари билан контрактация ҳамда 500 нафар касаначилар билан касаначилик шартномалари тузилди. Ипак қурти уруғини жонлантириш учун 107 та инкубаториялар сараланиб, уларни таъмирлаш, дезинфекция қилиш, оқлаш ишлари ўтказилди.

Воҳа заршунослари эришган натижа ҳақида сўз кетганда, ушбу тармоқнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, янги ва серҳосил тут плантацияларини ташкил қилиш борасида амалга оши-

рилган ишларни ёдга олиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Мавсум олди-дан мавжуд яқка қатор тутзорлар ва тут плантациялари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, унинг якунида аниқланган 1 минг 461 ярим гектар майдондаги тутлар ҳудудлардаги “Агропилла” МЧЖлар балансига ўтказилди. “Жиззахпахтасаноат” ҳудудий филиали тасарруфидаги ипак қурти боқишга мўлжалланган 10 та махсус қуртхона ва 35 гектар майдондаги интенсив тутзор ҳам пиллани қайта ишлаш корхоналари ихтиёрига берилди. Ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилнинг баҳорида жами 1 миллион 658 мингта тут кўчатлари экилиб, 235 ярим гектар майдонда тутзорлар барпо қилинди.

Жойларда ташкил қилинган 107 та инкубаторияларда хизмат қилиш учун уларнинг ҳар бирига 2 нафардан, жами 214 пиллачилик соҳасида кўп йиллар меҳнат қилган малакали мутахассислар жалб қилинди. Ипак қурти боқиш мавсумига тўшама қоғоз, термометр, психрометр, формалин ва бошқа зарурий жиҳозлар захираси етарли миқдорда яратилди ва туманларга етказиб берилди. Мавсум бошланишидан олдин 4 миллиард сўм бўнак пуллари тарқатилгани ҳам пилла боқувчилар ғайратига-ғайрат қўшди.

Давлат билан тузилган шартнома шартлари ортиғи билан адо этилиб, юксак хирмон бунёд этилишида воҳанинг барча ҳудудлари ҳиссаси бор. Шу билан бирга, умумий хирмонга 100 тоннага яқин ҳосил билан улуш қўшган Шароф Рашидов, 50–60 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси тайёрлаган Дўстлик, Ғаллаорол ва Зарбдор туманлари миришкорларини санаб ўтиш жоиз.

– Туманимиз пиллакорлари 56 тоннадан ортиқ ҳосил билан вилоятда биринчи бўлиб режанинг уддасидан чиқишди, – дейди Пахтакор туман “Агропилла” МЧЖ раиси Ғулом Бурлиев. – Бунга биринчи галда сифатли уруғ ва кейин эса, озуқа базамиз мустаҳкамлиги бош омил бўлди. Энди асосий эътиборимизни август-сентябрь ойларига мўлжалланаётган такрорий пилла етиштириш ишларига қаратганмиз.

Қишлоқ хўжалигининг ўзбек халқи томонидан йиллар давомида ардоқлаб келинган яна бир тармоғи – пиллачиликнинг шуҳрати, мавқеи ва обрўси тикланмоқда. Бунга Жиззах вилояти пиллакорлари эришган натижа ёрқин мисол бўла олади.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Пахтакор тумани “Агропилла” МЧЖ бош ҳосилоти Отабек Бегматов.

УЗУНДА ШУНДАЙ ДЕҲҚОН БОР



Экин майдонларидан самарали фойдаланилишни жамоатчилик назорати тартибида кузатиш ҳамда ҳудуддаги ҳар бир томорқа ер эгаси учун етиштириладиган маҳсулотнинг прогноз ҳажмларини белгилашнинг фуқаролар йиғинлари фаолиятида жорий этилиши жойларда ўз самарасини бермоқда. Жамоатчилик кенгашлари, айниқса, нуруний ота-хонларимизнинг ёш томорқачиларга ўрнатилган, ўз тажрибаларини улар билан баҳам кўриши диққатга сазовордир. Қаҳрамонимиз, осмонўпар тоғлар этагидаги қир-адирларга уйғунлашган, сўлим Узун туманининг алпкелбат отахони Мукаррам Қосимов томорқачиликнинг ҳадисини олган бағрикенг инсонлардан саналади.

– Кейинги йилларда Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг томорқалардан салмоқли фойдаланишлари учун қатор имкониятлар яратиб берилмоқда, – дейди Мукаррам ота. – Шахсий томорқа хўжаликларидан ишловчи фуқароларни банд бўлган шахс сифатида ҳисобга олиш механизмнинг жорий этилиши қувонарли ҳолдир. Айниқса, ҳукуматимиз қарори билан томорқа ер эгалари кесимида ҳар бир ҳудуднинг ихтисослашуви, тупроқ-иқлим шароити, сув таъминоти-ни инобатга олган ҳолда “бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва маҳсулот етиштириш бўйича амалий ишларга киришганини қайта ишлаш тизимининг шаклланиши баробарида экспорт салоҳиятининг ошишига имкон яратади.

Мукаррам отанинг таҳлилларига босиқлик билан таяниб, зироатчилик, хусусан, тўкинлик остонаси – томорқадан самарали фойдаланишга доир мунозаралари, аввало, деҳқончиликка ёшлиқдан бўлган меҳр, қолаверса, мукамал билимли олий маълумотли қишлоқ хўжалиги ходими касбини эгаллаш, доимо ўқиш-изланишда бўлишнинг ифодаси эди.

Дарҳақат, М.Қосимовнинг падари-бузруквори Муқим ота деҳқончилик ортидан 10 нафар фарзанд – 5 ўғил, 5 қизни эл қорига ярайдиган қилиб вояга етказди.

– Ота-боболаримиз даврида ҳозиргидек маош олиб ишлайдиган корхоналар бўлмаган. Серфарзанд халқимиз 10-15 та-гача болани фақатгина томорқа орқасидан вояга етказишган, – дейди тажрибали деҳқон-соҳибкор. – Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ томорқадан самарали фойдаланишга бўлган эътибор ҳозирга қадар изчил давом этаиб келаяпти. Эътиборли томони шундаки, ҳозир ҳам томорқа да-

ромадига таяниб тирикчилик қиладиган хонадонлар кўп.

Агроилм амалиётчисининг томорқасидаги 2 сотихли иссиқхонадан 3 марта, айрим қисмларидан 4 мартагача ҳосил олиниб, ўртача 15 млн., 6 сотихли очик ердан 10 млн., 50 туп ҳар хил сара навли мева-лардан 20 млн, кўчатчиликдан 5 млн, чор-вачилиқдан 100 млн. сўмдан зиёд даро-мад олиниб, йиллик фойда 150 млн. сўмни ташкил қилади.

– Яқин ўтмишда аҳолига тиббий хизмат даражаси жуда паст бўлган. Халқимиз томорқадаги томорқада бирламчи тиббий ёрдам вазифасини ўтайдиган экинлар экиш-ган. Касаллик аломати кўринганидан до-ривор ўсимликлар ҳамда мева-сабзавот-лар ва ҳатто жониворлардан ёки улардан тайёрланган ашёлардан дастлабки муо-лажалар ўтказишган. Шу йул билан касал-ликка барҳам берилган, – дейди табобат-дан хабардор томорқачи. – Менимча, ҳар бир томорқада томорқача бўлишини ои-лада соғлом турмуш тарзи шаклланиши-нинг бош омили ҳисобланади.

Дарҳақикат, ёшлигимизда танамизнинг бирор жойида оғриқ ёки яра пайдо бўлса, отамиз дарров томорқа оралаб, мева-саб-завотми, ёки бирор ўсимликни танлаб тавсия қилардилар. Бир зумда дарддан фориг бўлиб, енгил тортардик. Тан оли-шимиз керак, ҳозирда кўпчилигимиз до-ри-дармонга таяниб, ўсимликларнинг жон-зотларнинг шифобахшлик хусусиятларини унутиб қўйдик.

Мен отахоннинг фикрларига тўлиқ қўшилганим ҳолда, барчамиз томорқада томорқачани ташкил этишимиз лозимли-гини ва бу заруратлигини ҳис қилдим.

Шуниингдек, томорқада экинлар уруғчилиги бўлиши шарт. Хорижнинг си-фатсиз, таъмсиз сабзавотлари наҳотки меъданизга тегмаган бўлса?

Таъкидлаш жоиз, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларда кўп қаватли

уйларнинг томию айвонига олис юртлар-дан келтирилган унумдор тупроқ солиб, гулзор, боғ яратилаётгани ҳайратланарли туюлиши баробарида тафаккурга ҳам ун-дайдиган воқелиқдир. Мамлакатимизда томорқадан самарали фойдаланиш маса-ласига алоҳида эътибор қаратилаётгани замирида ана шу тафаккур инъикоси му-жассам, десак, хато бўлмайди. Зеро, йил-нинг ҳар тўрт фаслида ҳосил беришга қодир саховатли заманимиздан фойда-ланмасликни, томорқани қаровсиз таш-лаб қўйиш ҳолатларини ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди.

Тиниб-тинчимас отахон деҳқони-мизнинг ғайратига томорқа торлик қила бошлади. Ташаббускор зироат соҳиби олис манзилларни кўзлаб, 2016 йили ташкил этган “Файз Яккатут Чақар” фермер хўжалиги сурункасига қишлоқ хўжалиги экинларидан салмоқли, пахта-дан гектар бошига 40-45, ғалладан 70-75 центнердан хирмон яратиб келмоқда. Давр тақозосидан келиб чиққан ҳолда из-ланишлар натижасига таяниб хўжаликда бир қатор истиқболли, барқарор даро-мад манбаи бўлган ўсимлик ҳамда чорва моллари бўйича лойиҳалар устида ама-лий ишлар олиб борилмоқда.

– Деҳқон ҳар бир қадамида доно халқимизнинг “Ерни боқсанг – ер ҳам сени боқади”, деган пурмаъно ҳикматини эсдан чиқармаслиги керак, – дейди Мукаррам Қосимов. – Замин ҳалоллик, эътиборни талаб қилади. Ким уни алдайман, деса, элни, ўзини алдаган бўлади. Қолаверса, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг “Кишининг ўз қўли билан қилган меҳнати ҳамда ҳар қандай шубҳали ва ённатдан ҳоли бўлган савдо...”, ҳақидаги ҳадисларига амал қилиб, фидойи меҳнат қилиб, ҳалол йўл билан ризқ-рўз топишимиз керак.

Ўз мухбиримиз.

МУЛККА МУНОСАБАТ ЎЗГАРДИ

Хоразм вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Гурлан туман филиали бошлиғи Бунёд Балтаевни доимо халқ билан мулоқотда ёки аризалар бўйича қишлоқ аҳли билан учрашувларда юрган ҳолатда учратасиз. Зеро, бугун ҳар бир раҳбар ёки ходим халқнинг ичига кириб бориши, ҳар бир муаммони ўз жойида ҳал қилиши давр талабидир.

– Филиалимизда 27 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади, уларнинг бари ёшлардан иборат, – дейди у. – Давлат хизматлари маркази томонидан февраль ойидан шу бугунгача 1472 та ариза келиб тушган бўлиб, 1245 та ариза эгасига ўз муддатида жавоб берилиб, талаблари қондирилди. Шунингдек, давлат хизматлари маркази томонидан тўртта ариза бекор қилинди, 24 та ариза эса ўрганиб чиқилмоқда.

– Фуқароларнинг мурожаати бўйича “Бир ойна” бўлимига кунига 50–60 та ариза келиб тушмоқда, – дейди бўлим бошлиғи Хурсанд Болтабоев. – Аризаларни ўрганиб чиққач, керакли хизмат турларини кўрсатамиз.

Президентимиз томонидан берилган бир марталик умумдавлат миллий акцияси бўйича тушган 3293 та мурожаат ўрганилганда, 998 та фуқаро ўзбошимчалик билан қўрган турар-жой иморатлари учун эгалик ҳуқуқи берилишини сўрагани маълум бўлди. Уларга туман ҳокимининг қарори билан эгалик ҳуқуқи белгиланиб, кадастр йиғма жилдлари тайёрлаб берилди. Бу борада ҳали яна 2295 та мурожаат маълумотномалари комиссия аъзоларига тақдим қилинган.

– Хужжатларни расмийлаштириш ҳақида ҳалигача хабари бўлмаган айрим фуқароларга маҳаллаларда йиғилиш ва суҳбатлар орқали тушунтириш ишлари олиб борилгач, кадастрчиларимизнинг қўли қўлига тегмай қолди, – дейди филиал бош муҳандиси Маъмур Қўчқоров. –

Хужжатлардан бош кўтармай ишладик. Чинобод, Тахтакўпир, Деҳқонобод, Болдоқли, Бўзқалъа маҳаллаларидаги учрашувлардан кейин халқ акцияда иштирок эти-

дончилигига эътибор кучайди.

Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Гурлан тумани филиали мутахассислари ўз ишларини оғишмай бажарар эканлар, халқнинг кўнглидаги вазиятни тўғри баҳолашга ҳаракат қилдилар. Электрон хизматлар бўйича мутахассис Дилшод Тўлибоев, Ахборот-таҳлил бўлими мутахассиси Равшанбек Аминовлар ўзларининг ҳуш муомаласи ва тўғрисиўзлиги, вазифасига садоқати билан аҳоли ҳурматиغا сазовор бўлмоқдалар.



шидан мақсад ўзининг манфаатига дахлдорлигини англаб, ноқонуний қўрган иморатларини кадастр қилиш учун мурожаат қилдилар.

Ҳа, халқнинг яхши кунимга, фарзандларимга деб анча маблағ эвазига қўрган иморатларини буздирмай имкон даражасида кўчаларга, маҳалла шароитига мос келса эгалик ҳуқуқининг белгилаб берилиши кутилмаган иш бўлди. Бу билан Президентимиз халқни ҳимоя қилди. Аҳоли ўртасида мулкка муносабат ўзгарди, атроф-муҳит обо-

– Бир марталик акция тугалланди, аммо бу аҳоли учун жуда катта мукофот бўлди, – дейди Бунёд Балтаев.

Уни бир муддатгина суҳбатга тортдик, яна қайгадир иш билан кетаётганини айтиб, узр сўради. “Халқнинг хизматига камарбаста бўлишдан айрилманг, кадастрчилар”, деб улар билан хайрлашдик.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Бунёд Балтаев иш фаолиятидан лавҳа.

ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Тошкент вилояти Чиноз туманининг сўлим гўшаларидан бири бўлган “Маданият” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Агросаноат касб-ҳунар коллежини нафақат Чиноз туманида, балки республикада ҳам яхши билишади. Бунинг ажабланарли жойи ўқ, чунки ушбу ўқув маскани кўп йиллик тарихга эга бўлиб, бугунги кунда республикамизнинг турли минтақаларида самарали меҳнат қилаётган малакали қишлоқ хўжалик мутахассисларини етиштириб чиқарган ва бугунги кунда ҳам ушбу хайрли ишни давом эттириб келмоқда.

Касб-ҳунар коллежи айти пайтда қишлоқ хўжалик тизимига қуйидаги йўналишлар бўйича, жумладан: қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш механиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, компьютер инжиниринги, тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник-технологии, транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш (автомобиль транспортида) техниги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаб беришмоқда.

– Жорий йилда коллежимизни 245 нафар талаба муваффақиятли таъмонлаб, республикадаги ташкилот ва корхоналарга ишга жойлашдилар. Қувонарлиси, коллежимизни битирган талабалар борган жойларидаги талабаларга тўлиқ жавоб бериб, обрў-эътибор қозониб келишяпти. Бунга сабаб, биринчидан, коллежимиз ўқитувчилари катта тажриба ва билимга эга эканликлари бўлса, иккинчидан, коллеж ўқув базасининг бугунги кун талабига жавоб беришидир. Коллежимиз талабаларга ўқиётган йўналиши бўйича билим бериш билан бир вақтда, уларни ҳаётга ҳам тайёрлаб боради. Қизларимиз тикиш-бичиш бўйича қўшимча билим олсалар, йигитлар электр пайвандлаш ва қишлоқ хўжалигининг бир қатор соҳалари бўйича касб-ҳунарларни эгаллайдилар. Бундан ташқари, коллеж ҳудудида 10 сотих ерни эгаллаган иссиқхона, 8 сотих ерни эгаллаган қуёнхона мавжуд. Бу йил иссиқхонадан 1000 килограмм помидор, бол-



гар қалампири ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олдиқ. Ушбу маҳсулотларнинг бир қисми ошхонамизда фойдаланилса, қолган қисмини сотиб, тушган даромадни бошқа вилоятлардан келиб ўқиётган йигит-қизларни моддий қўллаб-қувватлашга йўналтирамыз. Қуёнчиликдан олинаётган даромад ҳам шу каби хайрли ишларга сарфланмоқда. Қуёнларимизни иккита “великан” зотидан бошлаган бўлсак, бугунги кунда уларнинг сони ўттиздан ошиб кетди. Иссиқхона ишларида ҳам, қуёнларни боқиш ишларида ҳам коллеж ўқувчилари фаол иштирок этиб келаётганлиги уларнинг танлаган касбларига меҳрлари ошишига хизмат қилмоқда, – дейди касб-ҳунар коллежи директори Иброҳим ака Расулов.

Коллеж ўқув базаси, талабалар ҳаёти билан қизиқар эканмиз, яна кўплаб эътиборга лойиқ маълумотларга эга бўлдик. Жумладан, коллеж бугунги талабга жавоб берадиган замонавий спорт залига эга. Коллеж директори бу борада сўзидан давом этар экан, жисмоний тарбия бўйича ўқитувчи Мурод ака коллежда қарийб 35 йилдан буён ишлаб ке-

лаётганлигини алоҳида таъкидлади. Эътиборлиси, коллеж директори ҳам Тошкент ирригация инженерлари институтини 1981 йилда таъмонлагандан буён ушбу коллежда фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

– Йигит-қизларимизнинг спортга қизиқиши жуда кучли, – дейди Мурод ака. – Айнан шу сабабли талабаларимиз нафақат туман, балки вилоят миқёсидаги мусобақаларда ҳам катта ютуқларга эришмоқдалар. Хусусан, ўтган йили бўлиб ўтган туман биринчилигида коллежимиз талабалари стол тенниси, волейбол бўйича нуфузли ўринларни эгаллаган бўлсалар, жорий йилда улар вилоят миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларда етакчи бўлишди.

Коллеж директори, ўқитувчи ва талабалар билан олиб борилган суҳбат ушбу ўқув масканида нафақат ўқув дастурида белгиланган масалаларга, балки ўқув дастуридан ташқари бўлган билимларни эгаллаш, талабаларни дунёқарашини кенгайтириш, китобга меҳрини ошириш каби масалаларга ҳам катта эътибор қаратилаётганлигини кўрсатди.

Яқинда мазкур коллежда “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журна-



ли тахририяти томонидан O'zLiDeP Тошкент вилояти ва Чиноз туман Кенгашлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган бешта ташаббусдан бири – “Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш”га бағишланган “Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш” мавзусида ижодий учрашув ташкил этилди. Бу тадбир ҳам ўқитувчи ва талабаларнинг билимга чанқоқлиги, қизиқишлари кенглигини намойиш этди.

Анжуманда “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали ижодий ходимлари, O'zLiDeP Тошкент вилояти ва Чиноз туман кенгашлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, коллеж ўқитувчи ва талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.



Анжуманни коллеж директори Ибрагим Расулов кириш сўзи билан очди. “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали мухбири Маҳмуд Тоиров оммавий ахборот воситаларида республикаимизни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмалли ишлар, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасига инновацион технологияларни жорий қилиш долзарб эканлигини таъкидлади. Экологик тоза маҳсулотлар етиштириш, қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигини ошириш каби вазифаларнинг ёритиб борилаётганлиги диққатга сазоворлигини, Агросаноат коллежи жамоаси ҳам бундан мустасно эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали Бош муҳаррири, таниқли журналист, шоир Тоҳир Долиев “Ёшлар маънавиятини юксалтиришда ОАВ, хусусан китобнинг роли” мавзусида маъруза қилиб, жумладан, шундай деди:

– Ушбу тадбирнинг мақсади, биринчидан, талабаларда китобхонликка қизиқиш уйғотиш, иккинчидан, касбга йўналтириш, учинчидан, тахририят билан коллеж ўртасида алоқа ўрнатишдир.

Учрашувда техника фанлари доктори, профессор, Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ИТИ директори ўринбосари Муҳаммаджон Тошболтаев, журнал мухбирларидан Каримжон Эргашев, Шукуржон Жаббаровалар ўз ижодларидан намуналар ўқиб бердилар.

Профессор Муҳаммаджон Тошболтаевнинг пахта териш машинасининг ихтиро қилиниши, Ньютон қонунининг моҳиятини оддий тилда тушунтириб бериши, ўзи босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўли ҳақидаги ҳикоялари анжуман

қатнашчиларини бефарқ қолдирмади.

Тадбирда “Чиноз ҳаёти” газетаси Бош муҳаррири Сайёра Аҳмедова сўзга чиқиб, таниқли рус шоири Сергей Есениннинг “Ёлғон” шеърини ўқиб бергани ҳам талабалар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

“Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси” Чиноз туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Файзулла Тожикулов сўзга чиқиб, партиянинг “Куч бирликда” шиори ижросига муносабат тарзида, мазкур учрашув ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Яъни, ташаббусга “лаббай” деган жавобни ўзига хос услубда, вилоятнинг чекка ҳудудида жойлашган коллежда, журнал тахририяти жамоасини жалб қилган ҳолда, ёшларни эзгуликка, ижодга ундаш орқали амалга оширилиши ҳамжиҳатлик белгиси эканлигига алоҳида урғу берди.

Анжуманда Агросаноат коллежи талабалари Гулмира Жўрабекова ва Олим Эркиновлар ота-оналарга бағишланган шеърларини ўқиб беришди.

Анжуман якунида коллеж кутубхонаси ҳамда фаол ўқитувчи, талабаларга “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали тахририяти ҳамда ЎзЛиДеП Тошкент вилоят ва Чиноз туман кенгашлари томонидан жамланган 200 дан ортиқ китоблар ва эсдалик совғалари топширилди.

Анжуман жонли, баҳс-мунозара ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

М.КОМИЛОВ,
“Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали мухбири,
Ҳ.АШУРОВ,
ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши қоидадаги Сиёсий таълим маркази раҳбари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БИЛИМЛАРИНИ ТАРҚАТИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Ҳозирги кунда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази мамлакатимизнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан аграр фан соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларини мувофиқлаштириш вазифасини амалга ошириб келмоқда.

Билимларни тарқатиш тизимини ўзаро боғланган ташкилотлар йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин бўлиб, улар товар ишлаб чиқарувчилар ва қишлоқ ҳудудлари муаммоларини ечиш мақсадида қишлоқ хўжалиги билимлари ва ахборотини юзага келтириш, шаклан ўзгартириш, узатиш, қайта ишлаш, тарқатиш ва фойдаланишни амалга оширади.

Шунингдек, бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигидаги билимлар фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар натижасида шаклланади ва бу билимлар ахборот маслаҳат хизмати (АМХ) мутахассислари орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига фойдаланиш учун тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига улар олдида турган масалалар кўплигини ечиш учун зарур бўлган билимлар хилма-хилдир. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун энг муҳим бўлган билимларнинг қуйидаги тоифаларини ажратиш мумкин:

- технологик билимлар (ишлаб чиқариш-технологик);
- «бозор» (савдо ва ресурс таъминоти);
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарув бўйича билимлар;
- ҳуқуқий;
- ахборот-технологик.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига зарур бўлган билимларнинг, айниқса, технологик ҳамда ташкил этиш ва бошқарув бўйича билимларнинг асосий манбаси бўлиб аграр фани хизмат қилади. Аммо, бошқа манбаларни ҳам унутмаслик лозим. Ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотларда шаклланадиган билимлар ҳам етарлича муҳим ҳисобланади: қонунчилик, маҳсулотлар ва ресурслар бозорлари конъюнктураси билимлари ва ҳоказолар. Ва ниҳоят, АМХ фаолиятининг ўзи, унинг товар ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро фаолияти ҳам янги билимлар шаклланиши учун асос яратиши, яъни ахборот манбаси сифатида қаралиши мумкин. Билимларни тарқатиш жараёни нафақат мижозни турли хил ташқи билимларга эга бўлишини ташкил этиш ва бу билимларни айрим манбалардан истеъмолчиларга узатишни (яъни, тор маънода тарқатиш), балки янги «ўз» билимларини ҳам шакллантириш, ахборот-маслаҳат хизмати мижозларининг фаол иштирокидаги ушбу билимларни ўзлаштириш ва фойдаланиш, улар ўртасида тажриба айирбошла-нишини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган билимларни тарқатишни ҳам ўз ичига олади. Билимлар тарқатилишининг қуйидаги алгоритминини тавсия этиш мумкин (1-расм).

Билимларни тарқатиш учун хизмат томонидан махсус услублар тўплами йиғилган бўлиб, уларни ўрта асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин: оммавий (ОАВ), гуруҳ (маърузалар, музокаралар, дала кундаликлари) ва индивидуал (мижоз билан шахсий алоқа). Мураккаб характерга эга бўлган муаммолар бўйича билимларни тарқатиш учун асосан гуруҳ ва индивидуал услублар

қўлланилади. Муаммо қанчалик мураккаб бўлса, у дастлабки расмийлаштириш ва билимларни юзага келтириш учун шунчалик кўп хатти-ҳаракат талаб қилади.

Бунда исталган натижага эришиш даражаси, товар ишлаб чиқарувчи томонидан қарор тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича ахборот-маслаҳат фаолияти самарадорлигини белгилаб беради.

Мураккаб характерга эга бўлган муаммолар бўйича билимларни тарқатиш учун асосан гуруҳ ва индивидуал услублар қўлланилади.

Аграр тармоқни ривожлантиришда Корея давлати қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш (extension) тизимини ривожлантириш тажрибаси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Корея қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Администрацияси томонидан амалга оширилган 2017–2018 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида илғор технологияларни жорий этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги халқаро лойиҳа доирасида ўрганилди.


1962 йилда Корея Республикасида «Қишлоқ хўжалик ҳудудларини ривожлантириш» қонуни қабул қилинган. Бу қонунга асосан 1962 йилда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Администрацияси ташкил этилган (2-расм).

Илмий-тадқиқот институтларининг тажриба станцияларида инновацион технологиялар яратилади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Администрацияси (RDA) нинг ҳудудий марказлари 9 та вилоятни ўз ичига олади, уларда 42 та тажриба станцияси, 156 та туман агротехнология марказлари фаолият кўрсатади.

Вилоят ва тумандаги агротехнология марказлари ўз йўналишларининг ихтисослигига қараб фаолият олиб боради.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Администрацияси таркибида 6000 та ходим ишлайди, шундан 1847 та ходим асосий штатда ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Администрацияси (RDA) нинг асосий мақсади озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш, қишлоқ ҳаётини яхшилаш ва қишлоқ аҳолисининг даромадини ошириш ҳисобланади.

Кореяда Фермерлар уюшмаси орқали



1-расм. Ахборот-маслаҳат хизмати тизимида билимлар тарқатилишининг умумий алгоритми

деҳқонлар томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотувга чиқариш ёки қайта ишлаш учун алоҳида пул маблағлари берилади. Лабораторияларни қуриш учун бюджетдан 30% маблағ сарфланади.

Вилоят ва туман агротехнологиялар марказида тадқиқотларни олиб бориш ва инновацион технологияларни яратиш учун 70%, технологияларни тарқатиш учун 10% ва бошқа ишларни амалга ошириш учун 20% пул маблағлари давлат томонидан молиялаштирилади. Вилоят ва туман агротехнологиялар марказида тадқиқотларни олиб бориш ва инновацион технологияларни яратиш учун 70%, технологияларни тарқатиш учун 10% ва бошқа ишларни амалга ошириш учун 20% пул маблағлари давлат томонидан молиялаштирилади. Шу билан бирга масофавий ўқитиш ҳам йўлга қўйилган. Масофавий ўқитиш Корея деҳқонларига сайт орқали корейс тилида олиб борилади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Администрацияси ходимлари ва университетларнинг профессор-ўқитувчилари аграр соҳадаги билимларини тарқатишга ёрдам берадилар.

Хулоса қилиб айтганда, Жанубий Корея давлатининг қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш (extension) тизими қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришга ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида инновациялардан фойдаланиш даражасини баҳолаш мақсадида эксперт баҳолаш усулидан фойдаланилиб, инновацион жараён қатнашчиларининг турли тоифаларининг ижтимоий сўрови амалга оширилади.

«Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида илғор технологияларни жорий этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш» мавзуси бўйича лойиҳа доирасида илмий изланишларнинг натижаси сифатида ахборот-маслаҳат хизматларини ташкил этишнинг ўта муҳимлигини қайд этиш мумкин, чунки ахборот-маслаҳат марказлари хизматининг ривожланган тизимини ташкил этиш қўйидаги муаммоларни ечиш имконини беради:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларининг янги илмий ишланмалардан фойдаланишини ташкил этиш;
- ахборот-маслаҳат марказларида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини шакллантириш ва доимий янгиллаб туриш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлариغا инвестициявий ресурслар манбаларини излаш ва уларни жалб қилиш йўллари ўргатиш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарида агротехнологик жараёнларни ташкил этиш


ва хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш;

- хизмат кўрсатиш субъектлари фаолияти йўналишларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш имкониятларига эга бўлиш;

- аграр фанининг янги ютуқларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фаол ва самарали жорий этиш, инновациявий техника ва технологиялар тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиш ва улардан фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

- аграр таълим-фан-ишлаб чиқариш жа-

ти илмий-ишлаб чиқариш маркази ташаббуси билан Самарқанд туманида қишлоқ хўжалик билимларини тарқатиш маркази (extension center) ташкил этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан билим тарқатувчи мутахассис ва тренерларни тайёрлаш учун Тошкент давлат аграр университети ҳамда унинг Нукус, Андижон ва Термиз филиаллари ҳузурида ўзини-ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатадиган агротехнологи-



2-расм. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Администрацияси (RDA) тузилмаси.

раёнларини интеграциялаш.

Демак, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига инновациялар трансфери механизми сифатидаги билимларни тарқатиш тизимида ташкилотларнинг роли қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг илмий-техник ишланмаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, илмий ташкилотлар ёки бошқа инновация ташувчилар томонидан бажарилган ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қўллашга тавсия этилган инновациялар маълумотлар базасини шакллантириш ва уларни тарқатишдан иборат.

Айтиш мумкинки, республикада ҳам қишлоқ хўжалик билимларини тарқатиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги тегишли қарорига асосан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъмино-

ялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этилиши кўзда тутилган. Айни вақтда мазкур марказларни ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган.

Зеро, республикада билимларни тарқатиш тизимини ривожлантириш қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларга самарали хўжалик юритишни ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг технологик, иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарадорлигининг ошишини таъминлайди.

Б.ХАЛИКОВ,

қ.х.ф.д., профессор,

Қишлоқ хўжалиги

ва озиқ-овқат таъминоти

илмий-ишлаб чиқариш

маркази Бош директори в.б.,

Н.ДЖУМАБАЕВА,

Марказ бўлим бошлиғи ўринбосари,

И.РУСТАМОВА,

и.ф.н., доцент, ТошДАУ.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДРОНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

This article details the possible functions that drones could perform on the railway and at its infrastructure facilities, the practical need for using drones, as well as the experience of using drones of foreign railway companies.

Кейинги йилларда ҳозирги бизнинг ҳаётимизга кўпгина соҳаларга учувчисиз ва автоном технологиялар кириб келмоқда. Бу соҳада эса дронларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолияти янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда [1].

Дрон – бу учувчисиз учиш аппаратлари (УУА) ҳисобланади. Аслида дронлар ҳарбий соҳада разведка ишларида ишлатилган. Бундай автоном ҳаракат тизимларининг мақсади асосан учишга ҳамда мақсадли операцияларни ва инсон фаолияти учун потенциал хавфли бўлган ишларга қаратилган [2].

Кўпинча адабиётларда дронларни ҳарбий кўринишда учувчисиз учиш аппаратлари дейилса, фуқоралик авиациясида эса аппаратларнинг ҳажми кичкина бўганлиги сабабли дронлар деб юритилади. Дронлар керакли юкларни етказиб бериш ҳамда картография ва кадастр ишларини тақшил қилиш учун фотокамера, ҳар хил турдаги сезгир датчик ва қурилмалар билан жиҳозланган [3].

Дронларни “Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси” томонидан рухсатномасига эга махсус операторлар бошқариши мумкин. Дрон оператори муайян вазиятларда дроннинг дастурий таъминотини созлаши, фотокамера ёрдамида олинган маълумотларни таҳлил қилиши керак бўлади.

Бу каби тадбирларни ўтказишда анавий усуллар билан таққослаганда дронларнинг асосий афзаллиги уларнинг мобиллиги ва автономлигидир. Шу муносабат билан ихтисослаштирилган

техник ускуналар ва патрул дронлар ёрдамида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳолатини таҳлил қилиб, объектларни ривожланиши учун статистика кўрсаткичларини кўриш мумкин.

Бундан ташқари учувчисиз учиш аппаратлари ер хариталарни, маҳаллий геодезия режаларини тузишда, ҳавонинг аниқ температура ва ифлосланиш даражаларини аниқлашда, об-ҳаво ҳодисаларини кузатишда, яна юқори хавфли ҳудудларда ишлатилади. Дронларни, айниқса, табиий муҳитга кириш қийин бўлган жойларда, оптимал маршрутларни куриш учун ҳамда топологик тадқиқотларни соддалаштиришда ёрдам беради.

Кўпинча дронлар аэро фотосуратларни олиш учун ишлатилади. Олдин вертолёт ёки самолётлар фойдаланилган бўлса, энди дронлар уларнинг ўрнини босади. Дронлар инсон имкониятларини етмайдиган, самолётлар ишини кам вақтда ва кам харажат билан бажаришда яъни оғир ва қиммат баҳо ускуналарни кўтаришда хизмат қилади.



Расм. Экспериментал учувчисиз учиш аппарати «AGRODRONE»

Ҳозирги пайтда Тошкент темир йўл муҳандислари институти «Сигналлаштириш, марказлаштириш, блокировка ва алоқа» илмий-тадқиқот лабораторияси («СМБ ва А» ИТЛ) томонидан учувчисиз учиш аппаратлари яратиш бўйича бир неча

ишлар олиб борилмоқда. Таклиф қилинётган учувчисиз учиш аппарати «AGRODRONE» деб номланган бўлиб, бу қишлоқ хўжаликлари учун мўлжалланган «Мультикоптер» турдаги дрон ҳисобланади (1-расм).

AGRODRONE қишлоқ хўжаликлари учун қуйидаги вазифаларни бажаради:

- экин майдонларининг ҳажми аниқлайди;
 - экин майдонларининг 3D моделини яратади;
 - бажарилган экин майдонларни баҳолайди;
 - ирригациялаш ва мелиорациялаш ишларини оптималлаштиради;
 - экинларнинг ўсиш жараёнини тезкор равишда аниқлайди;
 - экинларни кўриқлайди;
 - экин майдонини кимёвий дорилаш фоизларини аниқлайди.
- AGRODRONE қуйидаги қўшимча қурилмалар ва блоклардан иборат:
- коллекторсиз мотор;
 - пропеллерлар;
 - GPS/ГЛОНАСС модули;
 - учишни назорат қилиш платаси;
 - 2,4 ва 5,5 ГГц антенналари;
 - аккумулятор батареяси кўрсаткичи блоки;
 - литий аккумулятор батареялари.

Хулоса қилиб шуни этиш керакки, дронлар темир йўл транспортида одамларнинг ҳаёти билан боғлиқ муаммоларни тез ечишда ҳамда қишлоқ хўжалигида AGRODRONE ёрдами билан кўплаб асосий муаммоларни ечиш мумкин, яъни экин майдонларини аъло даражада кўкартириб мева-маҳсулотлар экспортини кўпайтириш мумкин.

Ж.КУРБАНОВ,
PhD, “СМБ ва алоқа” ИТЛ мудири,
И.КОЛЕСНИКОВ,
т.ф.н., доцент (ТошТЙМИ).

АДАБИЁТЛАР

1. <http://www.uz/oz/society/tomor-adan-foydalanishda-dronlar-yerdamga-shay-12-03-2019>
2. Накадзава С., Новые способы использования беспилотников // Бизнес-курьер: Информационный журнал. 2015. – № 22. – С. 68-70.
3. Хорт Д.О., Личман Г.И., Филиппов Р.А., Беленков А.И., Опыт и перспективы применения беспилотных летательных аппаратов в точном земледелии / Нивы России. №5 (138) Июнь, 2016 г. – С. 62-65.

СУВ ҚУДУҒИ (СКВАЖИНА)НИ ТОЗАЛАШНИНГ ЯНГИЧА ЕЧИМИ

The cleaning of water well filters with traditional hydro-mechanical methods is inefficient. To solve the problem, the use of an electro-hydraulic effect is recommended.

Республикамызда қишлоқ хўжалик экин майдонларини суғориш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва захини қочиришда горизонтал, вертикал ўрнатилган стационар, кўчма ва тик қудуқли насос станциялардан фойдаланилади. Насос станцияларини самарали ва бетўхтов ишлатиш сув захираси, электр энергиясининг узлуксизлиги ва сифати, ишчи-хизматчи ходимларнинг малакаси, таъмирлаш ва техник эксплуатация тадбирларининг талаб даражасида бажарилишига боғлиқ.

Аммотадбирлар ўз вақтида, талаб даражасида бажарилса, насосларнинг иш самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар ечимсиз қолмоқда. Айниқса, тик қудуқ (скважина)ли насос станцияларининг сўриш қувири тубида тўпланган чўкмалар ва фильтр тешикларини қоплаган занг ва ёт жинсларни тозалаш бугунги кунда жиддий муаммодир.

Одатда тик қудуқли насос станциялари экин майдонлари оқар сув манбалари ва суғориш каналларидан узоқда жойлашганда ва вегетация даврида сув танқислиги муаммоси юзага келганда ишга туширилади. Айниқса, чўл, адир ва тепаликларда жойлашган майдонларни суғориш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер юзасига яқин бўлган ер ости сувини зовурга чиқариб ташлаш ва тупроқнинг захини қочиришда уларнинг ўрни бекиёс. Шу билан бирга, фойдаланиш мақсади (суғориш, зах қочириш, ер ости сувларининг сатҳини пасайтириш ва ҳ.к.)га қараб йил давомида маълум муддатда (узоқ танаффуслар билан қисқа вақт давомида ишлатилади). Узоқ муддатли бекор туришлар, сув таркибидagi тузлар ва минерал моддалар сўриш металл қувири ва филтрнинг занг билан қопланишига сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда қудуқ тубини чўкмалардан, филтрни эса зангдан тозалашда компрессорда қудуқ ичига юқори босимли ҳавони ҳайдаш, насос ёрдамида катта напордаги сув юбориш усуллари қўлланилади. Мазкур усулларга мураккаб техника, кўп вақт ва маблағ сарфланишига қарамасдан, қўтилган натижага эришиб бўлмаяпти. Баъзан сув ва ҳаво ёрдамида ҳосил қилинган механик босим, узоқ муддатли хизмат, занглаш, емирилиш натижасида металл қувурда йиртиқлар, катта тешиклар, ёриқлар ҳосил бўлиш, бириктириш болытларининг узиллиги натижасида филтрнинг қудуқдан ажралишига олиб келмоқда.

Мазкур муаммо бугунги кунда долзарб бўлиб, янги ечим излашни талаб этади. Чунки ҳар бир ҳолатда металлнинг мустаҳкамлиги, занг қатламининг қалинлиги, қудуқнинг ресурсини эътиборга олиш керак. Маълумки, электр ток разрядлари билан қувурдаги сувга таъсир этилса, бошқариладиган электрогидравлик босим кучини уйғотиш мумкин.

Шу сабабли мазкур ҳолатда ўсимлик тўқималарига ва металл жисмларга электр импульс разрядлари билан таъсир этиб,

электрогидравлик босим кучини ҳосил қилиш усулидан фойдаланишга қарор қилдик [1, 2]. Аммо металл қувур ва қудуқдаги сувнинг электрик кўрсаткичлари (ўтказувчанлик, қаршилиқ) ўсимлик тўқимаси ва шарбатидан кескин фарқ қилганлиги сабабли импульс разрядини ҳосил қилишда ўзгача ечим топиш талаб этилади.

Чунки қудуқ ва филтрни тозалашнинг самарадорлиги юқори кучланиш ва катта миқдордаги энергияни талаб этади.

Муаммога илмий-техник адабиётлар, илмий-тадқиқот натижалари асосида олинган патентлар, интернетдаги манбалардан ечим изланди. Уларга таяниб, қудуқ сувида электрогидравлик босим ёрдамида ҳосил қиладиган резонанс кучи ёрдамида филтрини тозалаш мумкинлигига аён бўлди. Назарий маълумотлардан амалий натижага эришиш мақсадида қурилманинг

электр схемаси ва лаборатория макети ишлаб чиқилди, ишлов бериш параметрлари аниқланди.

Қурилма, кучланишни керакли миқдорга ўзгартириб бера оладиган автотрансформатор, саноат частотасидаги кучланишни юқори кучланишга ўзгартириб бериш ва қувват йиғишда керак бўладиган куч трансформатори, электр ток разрядини шакллантириш - чақмоқ оралиғи, ток разрядини йиғиб, керак пайтда тўла қувватда узатиш конденсатори, юқори кучланишли электр ўтказгич кабеллар ва суюқликда ток разрядини ҳосил

қилиувчи ишлов бериш электродларидан иборат.

Лаборатория синов натижаларига кўра, чақмоқ оралиғи $h = 0,5$ см. да $U = 5,0$ кВ кучланиш билансигими $0,5$ мкф конденсаторда ёрдамида сувда электр ток разрядларини ҳосил қилиб, турғун гидравлик босимни уйғотишга эришилди ва филтр тозаланди.

Хулоса шуки, тик қудуқ (скважина)ли насос станцияларининг сўриш қувири ва филтрини тозалашда электрогидравлик таъсирдан фойдаланиш қўтилган натижани беради. Электрогидравлик таъсир кучи ёрдамида металл қудуқ девори ва филтрини эҳтиёткорлик билан тозалашга эришиш мумкин. Бунда ультра товуш, электроразряд резонанс кучининг таъсири катта амиятга эга. Келгуси тадқиқотларда қудуқдаги сувда, занг қатлами, филтрнинг ифлосланиш даражасига мос ҳолда электрогидравлик таъсир кучини уйғотиш, босим кучини ўлчаш, резонанс ҳодисаси ёрдамида занг ва бошқа ёт жинсларни тозалашга эришилади.

Н.ТОШПЎЛАТОВ,
т.ф.н., доцент, ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Н.Т. Тошпўлатов. *Электр ток разрядлари зироатчиликда // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журналы. - Тошкент, 2007.*
2. Юткин Л.А. *Электро-гидравлический эффект и его применение в промышленности. - Ленинград: «Машиностроение», 1986. - 253 с.*

БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

On the basis of the combination of homogeneous biological and economic characteristics of the steppe seedlings on the basis of combinations of parenting forms 836 pairs of single cross crossbreeding and cross-cross cross-breeding between varieties of varieties in 694 combinations, 70–85% hybrids were obtained.

Республикаимиз минтақаларини ва уларнинг тупроқ-иклим шароитларини чуқур таҳлил қилган ҳолда Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ҳамда унинг вилоят филиалари ва тажриба станцияларида бошоқ ва қаттиқ буғдойнинг юқори ҳосилли, эртапишар, курғоқчиликка, касалликларга чидамли, дон сифати талаб даражасидаги хориждан келтирилган навларни танлаш, дурагайлаш йўли билан нав яратиш борасида

1. Четдан келтирилган нав ва линияларни экологик синаш орқали энг яхши навларини танлаб экишга тавсия этиш.

2. Ўта эртапишар ва эртапишар навлар яратиш.

3. Интенсив типдаги юқори ҳосилли, кам сув ва озуқа талаб этадиган касалликларга чидамли ярим пакана ва пакана навларини яратиш.

4. Суғориладиган шароитда сифатли дон берадиган юқори ҳосилли кучли буғдой навларини яратиш.

5. Суғориладиган ерларда юқори ва сифатли ҳосил берадиган қаттиқ буғдой навларини танлаш ва янги навларини яратиш муҳим вазифалар ҳисобланади.

Чатиштириш кўчатзорларида яъни дурагайлаш жараёнида ҳар бир нав ва линиядан 5 тадан (мураккаб чатиштиришда 1 тадан тўлиқ) бошоқ, ҳар бир бошоқдан эса 10 тадан бошоқча ва 20 тадан гул олинди. Ҳар бир комбинация учун оналик шакллари пичилди ва махсус тайёрланган пергаментли ҳимоя пакетларига ўраб қўйилди. Оталик сифатида танланган навнинг оталиги, оналик етилган, чатиштириш ўтказилди.

Барча кўчатзорларда синалаётган нав ва линиялар учун назорат сифатида “Чиллаки” нави аниқланди.

Коллекция кўчатзорларида назорат нави сифатида “Уманка”, “Чиллаки” навлари жойлаштирилди.

Дурагайлаш кўчатзорига 2015–2017 йилларда олиб борилган тажрибасар давомига ота-она формалари қимматли биологик ва ҳўжалик хусусиятларига қараб нава дурагай линиялар орасида оддий жуфт чатиштиришда бир-биридан фарқ қиладиган ҳамда қимматли ҳўжалик белги ва хусусиятларга эга бўлган кузги юмшоқ буғдойнинг чатиштириш кўчатзорига 138 та нав ва дурагай линиялар экилди. Ота-она формалари бўйича белгиланган комбинациялар асосида 836 та жуфт (single cross) чатиштириш ҳамда нав ва дурагай популяциялар ичида қайта таҳлили (back cross) ва ўзаро навлар навлар ўртасида мураккаб (top cross) чатиштириш ишлари 694 та комбинацияда ўтказилди. Жами 1530 та комбинацияда олиб борилган дурагайлаш ишлари натижасида 70–85% дурагай уруғлари олишга эришилди.

Селекция кўчатзорларида F_1 дурагайлар кўчатзорларида 2014–2016 йилларда оддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида олинган 967 та дурагай популяциялар жойлаштирилиб, белгиланган ҳисобга олиш ишлари олиб борилди. Шунингдек, кўчатзорда 443 та комбинацияда мураккаб чатиштириш ишлари амалга оширилди. Барча дурагайлар кейинги F_2 дурагайлар кўчатзорига ўтказилди.

F_2 дурагайлари кўчатзорларида 403 та комбинацияда дурагайлар экилиб, дурагайлар популяциялар орасида таҳлилий 251 та чатиштириш ишлари олиб борилди. Кўчатзорда дурагайларнинг униб чиқиш, туплаш

фазаларининг ўтиши, қишга ва совуққа чидамлилиги ва маҳсулдорлиги ташқи муҳит омилларига чидамлилиги ўрганилди, танлаш ва ҳисобга олиш ишлари олиб борилиб, дурагай намуналардан касаллик ва ноқулай об-ҳаво шароитига чидамли, ота-она формаларини ўзида мужасмлаштирган 741 та ўсимликни танлаб олишга эришилди.

2015–2017 йилларда селекция кўчатзорларида ота-она формалари бўйича экилган дурагай популяциялар ҳар томонлама ўрганилиб, кўчатзорларда танлаш ва баҳолаш ишлари олиб борилди. Селекция кўчатзорларида 2015–2017 йилларда мўлжалланган лойиҳани амалга ошириш даврида 3 йил мобайнида қуйидаги натижалар олинди.

F_1 дурагайлар кўчатзорларида 340 та комбинациядаги дурагайлар линияларнинг совуққа ва қишга, касалликларга чидамлилиги, униб чиқиш ва туплаш фазаларининг интенсивлиги ўрганилиб, танлаш ва ҳисобга олиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, касалликларга сариқ ва қўнғир занг касаллигига чидамлилиги бўйича 40 та, эрта бошоқлаш фазасига кирганлиги ва эртапишарлик бўйича 195 та, ўта совуққа чидамлилиги бўйича 143 та дурагай ўсимликлар танлаб олинди. Танланган дурагайлар F_4 дурагайлари кўчатзорларида ўрганиш учун ўтказилди.

F_4 дурагайлар кўчатзорига F_3 дурагайлар кўчатзорларида ўрганилиб, танлаб олинган 352 та комбинациядаги дурагай популяциялар баҳоланиб, танлаш, фенологик кузатув ҳамда ҳисобга олиш ишлари амалга оширилди. Ўрганиш натижасида ўта совуққа чидамли 100 та, касаллик ва зараркундаларга чидамли 89 та, 80 та маҳсулдор, эртапишар, ётиб қолишга чидамли ўсимликлар танлаб олинди, F_5 дурагайлар кўчатзорига ўтказилди.

F_5 дурагайлар кўчатзорларида 328 та комбинациядаги дурагайлар экилиб, фенологик кузатув ва ҳисобга олиш ишлари ўтказилди. Дурагайлардан қишга ва совуққа чидамли, кучли туплашишга эга намуналар танланиб, намуналар орасида эрта, ўрта ва ўрта кечпишар, маҳсулдор касалликларга чидамли, пакана ва яримпакана, совуққа чидамли констант (ўзгармас) ҳолатга келган дурагайлардан келгуси йил ўрганиш учун 173 та дурагайлар танлаб олинди.

F_6 дурагайлар кўчатзорларида 172 та комбинациядаги дурагай популяциялар экилиб, белгиланган фенологик кузатув ва ҳисобга олиш ишлари амалга оширилди. Дурагай популяцияларда эрта, ўртапишар ва ўрта кечпишар маҳсулдор, касаллик ва ноқулай об-ҳаво шароитига чидамли бўлган 148 та дурагайлар танлаб олинди, F_7 дурагайлар кўчатзорларида ўрганиш учун ўтказилди.

F_7 дурагайлар кўчатзорига 143 та комбинациядаги дурагайлар орасида танлаш ишлари амалга оширилиб, натижада ётиб қолишга, совуққа, касалликларга чидамли 26 та, эртапишарлиги бўйича 17 та чидамли дурагай танлаб олинди.

И.ЭГАМОВ,

қ.х.ф.н., к.и.х.,

Т.РАХИМОВ,

қ.х.ф.ф.д.,

Н.ЮСУПОВ,

докторант,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдураимов. Д.Т. Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги. – Тошкент, 2000. – 399 б.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Агропромиздат, 1985.
3. Нурматов Ш.Н., Мирзажонов Қ. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. – Тошкент: МЧЖ “ALBIT”. – 167 б.
4. Орипов Р.О., Халилов Н.Х. Ўсимликшунослик. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2007. – 383 б.
5. Сиддиқов Р.И., Эгамов И.У., Мансуров А. Экишга тавсия этилган кузги буғдой навларининг тавсифи ҳамда уларни етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиянома. – Андижон: “Андижон” нашриёт-матбаа корхонаси, 2015.
6. Животкова Л.А. Пшеница. – Киев: Урожай, 1989. – 308 с.
7. Рыбалкин П.Н. Материалы научно-практической конференции «Зеленая революция П.П.Лукьяненко». Краснодар, 28-30 мая 2001 г. – Краснодар, 2001. – 790 с.
8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестри. – Тошкент, 2018. – Б. 8-18.

МУЛЬЧАЛАШНИНГ ТУПРОҚ ҲАРОРАТИ ВА КЎКАТ – ЎҒИТ СИФАТИДА ЭКИЛГАН ЖАВДАР УРУҒЛАРИНИНГ УНИБ ЧИҚИШИГА ТАЪСИРИ

Mulches are well-known for modifying the heat and water balance at the surface of soils and creating more favorable conditions for plant growth. This article describes the results of research on the use of mulch beneficial properties.

Ўсимликларнинг уруғдан униб чиқиши, нормал ўсиб-ривожланиши ва тупроқдаги турли микроорганизмларнинг ҳаёти бевосита тупроқдаги иссиқликка боғлиқ.

Ўсимликлар ҳаётининг дастлабки даврида тупроқ ҳарорати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса, майсалар чиққандан кейин эса ҳаво ҳарорати катта аҳамиятга эга бўлади [3].

Турли ўсимликларнинг мақбул ўсиб-ривожланиши учун унинг айрим вегетатив давларида ҳар хил миқдордаги иссиқлик талаб этади. [1].

Жавдар уруғлари етарли кислород, иссиқлик ва намлик бўлганда уна бошлайди. Уруғлари 1–2°C да уна бошласа-да, аммо униб чиқиши учун энг мақбул ҳарорат 20–25°C. Ҳарорат 30°C дан ошганда униб чиқиш тўхтайдди. Уруғлар униб чиқиши учун ўзининг қуруқ массасига нисбатан 50–70% сув ютади. Униб чиқиши учун самарали ҳарорат йиғиндиси 50°C. Ҳарорат етарли бўлганда уруғлар экилгандан кейин 5–8 кунда униб чиқади [2].

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, кузги жавдар уруғи униб чиқиши учун тупроқ ҳарорати 30°C дан ошмаслиги лозим. Мамлакатимизда эса август ойида кўпинча тупроқ юза қатламидаги ҳарорат 42–46°C гача ортиб кетиши кузатилади.

Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад асосий экинлардан бўшаган майдонларда мульчалош орқали август ойида жавдар экиш ва ундиришнинг самарали усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Дала тажрибалари учун жавдарнинг “Вахская-116” нави танланган бўлиб, тажрибалар Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали тасарруфидаги янги ташкил қилинган

узум боғ қатор ораларида 2017 йилдан бери ўтказилиб келинмоқда.

Тажрибалар 2 та вариант 4 та қайтариқдан иборат бўлиб, ҳар бир қайтариқ 25 м² дан, жами 100 м² ни ташкил этади. Бўлақлар ва қайтариқлар орасида 2 м. дан ҳимоя зонаси қолдирилди. Ҳар иккала вариант бўйича уруғлар бир вақтда, яъни 15 август куни экилди. Экиш меъёри 1 сотихга 2 кг, экиш чуқурлиги 4–5 см, экиш усули ёппасига қаторлаб – қатор ораси 15 см. ни ташкил қилди.

Тажрибанинг биринчи назорат вариантыда уруғлар мульчаланмаган

экилгандан сўнг дастлабки 10 кунликдаги энг юқори ҳарорат 2018 йил 20 августда кузатилиб, тупроқ ҳарорати биринчи вариантда 37°C ни, иккинчи вариантда эса 29°C бўлганлиги кузатилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, жавдар тупроқнинг физик хусусиятларини яхшилаш билан бир қаторда тупроқдаги намлик миқдорини камайтириб юборади. Шунинг учун ушбу ўсимликни мевали боғ қатор ораларига экканда, етарли даражадаги намлик шароитини таъминлаб қўйиш лозим, акс ҳолда ушбу ўсимлик мевали дарахтлар ва

уларнинг ҳосилига сезиларли даражада салбий таъсир этиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мульчалош экилган уруғлар тўлалигича униб чиқиб, ўсимлик илдиз тизими етарлича ривожланиш даврига тупроқда зарурий намликни таъмин этади ва ҳаддан ташқари исиб кетишдан сақлайди.

Мульчалошнинг самарали томонларидан яна бири, мульча бегона ўтлардан ҳимояланишда куёш нурини

тўсиб қўйиши билан табиий тўсиқ вази-фасини бажаради. Бунинг натижасида мульчаланган майдонда бегона ўт де-ярли бўлмайди.

Ж.МАМАДЖАНОВ,
мустақил изланувчи
(ТошДАУ Андижон филиали).

АДАБИЁТЛАР

1. Д. Ёрматова, *Тупроқшунослик ва агрохимё (Касб-хунар коллежлари учун дарслик)*. – Т.: «ИЛМ ЗИЁ», 2017. – 240 б.
2. Р.О.Орипов, Н.Х. Халилов, *Ўсимликшунослик (Ўқув қўлланма)*. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жа-мияти нашриёти, 2007. – 384 б.
3. С.А.Азимбоев. *Деҳқончилик, тупроқшунослик ва агрохимё асослари: Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) бўйича таълим йўналиши талабалари учун дар-слик / - Тошкент давлат аграр универси-тети*. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2006. – 182 б.



экин майдонига анъанавий усулда экилган бўлса, иккинчи вариантда эса уруғлар 6 см қалинликда сомон билан мулчаланган экин майдонига махсус ишлаб чиқилган мослама ёрдамида қўлда экилди. Бунда уруғ экилган жой ва ундан 2 см радиусдаги мулча қалинлиги 1 см ҳолатига келтирилди.

Биринчи назорат вариантыда 1 м² майдонда кўчатларнинг ўртача сони 130–140 донани, иккинчи вариантда эса бу кўрсаткич 270–290 донани ташкил этди.

Иккинчи вариант бўйича мульчалошдан фойдаланганимизда мульча тупроқни қуёшдан ҳимоя қилиш ҳамда тупроқдаги сувнинг буғланишини камайтирган ҳолда намликни нисбатан узоқроқ сақлаш орқали тупроқ ҳарорати ҳаддан ташқари ортиб кетишининг олдини олди. Вариантлар бўйича уруғлар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ТОПИНАМБУР ЎСИМЛИГИНИНГ “ФАЙЗ-БАРАКА” ВА “МЎЪЖИЗА” НАВЛАРИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ҲАМДА МИҚДОРИ

In tubers in high yielding varieties of Jerusalem artishoke "Faiz- Baraka" and "Muzhiiza" grown in Karakalpakstan Conditins, the content of fructooligosaccharides, inulin and pectin, which are important for improving the ecology and increasing the production of medicinal products in the country, is established.

Жаҳондаги илмий адабиётлар шарҳи кўрсатишича, топинамбур универсал ўсимлик бўлиб, ундан турли соҳаларда ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Охирги 20 йилда дунёда топинамбурдан фойдаланиш ҳажми кўпайиб, ички ва ташқи бозорда талабга эга бўлган топинамбурнинг пояси ва туганакларидан тайёрланган маҳсулотларни санаб ўтиш ниятда мушкул.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва экинлардан мўл ҳосил етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос келадиган, экин турлари ва навларини экиш ҳамда камҳаражат ва кам сув талаб қиладиган агро-технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш асосий долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Оролбўйи минтақасида салбий экологик шароитларнинг юзага келиши туфайли ҳудудларда қўроқланиш ва саҳроланиш жараёнларининг кўлами ортиб бормоқда. Тупроқ ва ўсимликлар қопламанинг деградацияланиши кучайиши сабабли суғориладиган ерларнинг унумдорлиги борган сари пасайиб бориши кузатилмоқда.

Топинамбур (*Helianthus tuberosus* L.) астрадошлар (*Asteraceae*) oilасига мансуб ўсимлик бўлиб, биологик фаоллиги имунитетни рағбатлантирувчи, антиоксик, антистресс, адаптоген ва антиоксидантлик,

камқонликни даволаш, шунингдек, организмдан тузларни, радионуклидларни чиқариб ташлаш хусусиятларига эга эканлиги бугунги кунда олимлар томонидан расмий тан олинган.

Топинамбур кўпроқ қандли диабет ва семизликка қарши восита сифатида яхши танилган. Топинамбурнинг дориворлик хусусияти энг аввало туганаклари таркибида 45% гача сақланадиган инулин полисахариди борлиги, у эса ўз навбатида қандли диабет билан оғриган беморларга қанд моддаси ўрнини таъминлаб беради.

Топинамбур шарбати истеъмоли қилинганида қон босими меъёрлашади, гипертонияда, тахикардия ва юракнинг ишемик касаллигида, атеросклерозда ёрдам беради; организмда кислоталар миқдорини мўътадиллаштиради, моддалар алмашувини ва бутун организмнинг фаолиятини яхшилайди.

Австралия Миллий университети маълумотларига кўра, бета-инулинни инфекциядан рақ касалликларининг олдини олишда, шунингдек, асосий дориларнинг таъсирни кучайтирадиган, имунитетни тиклайдиган фармакологик препарат сифатида қўллаш мумкин. Калий, темир, кремний ва рухнинг кўп миқдори темир моддаси етишмайдиган анемия, аллергия ва бошқа касалликларга чалинган беморларнинг ҳолатини яхшилайди [2].

Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ВОЗ) томонидан таъкидланишича, пектин моддаси энг муҳим биологик детоксикантдир. Топинамбурни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардан бири – пектин экологик офатлар (Чернобилга ўхшаш) оқибатини

бартараф этишда қўлланиладиган муҳим дори сифатида тан олинган. Пектинни нурланиш касалликларини даволашда ишлаш мумкин, у шунингдек, организмга руҳ моддаси ва оғир металллар тушганида зарарсизлантириш хусусиятига эга, радионуклидларни ҳам чиқариши адабиётлардан маълум. Шу нуқтаи назардан, ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида Қорақалпоғистон шароитида етиштирилган топинамбур ўсимлиги навлари “Файз-Барака” ва “Мўъжиза” тўғанагидаги углеводларни ўрганиб, тадқиқот ишларини олиб борди. Маълум усулларга кўра қуритилган, майдаланган ўсимлик туганагидан экстракция қилиниб, сўнг спиртли экстрактлардан фруктоолигосахаридлар (ФОС), инулин, сувда эрувчи полисахарид ва пектин моддалари ажратиб олинди. Анализ натижалари қуйидаги жадвалда келтирилди.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон шароитида етиштирилган топинамбур ўсимлиги навлари “Файз-Барака” ва “Мўъжиза” шўр тупроқда ўсиш даражаси юқори бўлиб, ундан ажратиб олинган инулин 40 ва 42% ни ташкил этса, пектин моддалари эса 6,2 ва 3,5% ни ташкил этди. Бу эса ўз навбатида юқори самарадорлик ҳосилини берганлигини кўрсатади ва республикаимизда доривор препаратларнинг кўпайишида муҳим аҳамият касб этади.

А.ЖАНГАБАЕВА,
ҚҚДУ ассистенти,
К.ЖАУЫНБАЕВА,
С.Ю. Юнусов номидаги ЎМКИ, қ.ф.н.,
катта ил.ходим,
А.САИТОВА,
ҚҚДУ доценти.

АДАБИЁТЛАР

1. Аманова М., Мавлянова Р., Рустамов А. Топинамбур экини уруғчилиги бўйича тавсиянома. - Т: «Фан», 2011.
2. Мавлянова Р.Ф. Культура топинамбура и её потенциал для использования. //Ўзбекистонда яратилган топинамбур индустриясининг салоҳияти: корпоратив инновацион ҳамкорлик натижалари ва истиқболлари.- Респ. илмий-амалий конф. – Тошкент.- 2013.
3. Ходиев Б.Ю., Салихов С.А. Ўзбекистонда топинамбур (*Helianthus tuberosus* L.) «Файз барака» ва «Мўъжиза» навлари индустрияси. Тошкент.-2017.

«Файз-Барака ва «Мўъжиза» навларининг кимёвий таркиби ҳамда миқдори

Полисахарид тури	Моносахарид таркиби									
	Унуми, %	Rham	Xyl	Ara	Man	Glc	Gal	UA	Фруктоза, %	Сахароза, %
«Файз-Барака» нави										
ФОС	11,0								+	+
Инулин	40					+			+	+
Пектин	6,2		+			+	+	+		
«Мўъжиза» нави										
ФОС	10,0								+	+
Инулин	42					+			+	+
Пектин	3,5		+			+	+	+		

ИСИТИЛМАЙДИГАН ИССИҚХОНАЛАРДА БАҚЛАЖОН ЕТИШТИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Our government pays great attention to the sphere of germination of vegetables in greenhouses as a state importance. This article discusses the scientific experiments of germinating eggplants that are consumed by our people with pleasure. The sorts recommended to grow in greenhouses are not inserted in the State agriculture registry. Taking into consideration all these the problem we are going to discuss in considered to very important. Germinating the vegetables in out of season period, providing people with vegetables that are rich in vitamins and their export are the most vital tasks of this sphere. Considering all these we can recommend to work out the plant sorts that have important agricultural value after having finished our field experiments. We have isolated the sorts of the eggplant with favorable indices taken from the primary results of the experiment. And now we are continuing our field experiments in greenhouses for different periods of time.

Иссиқхона сабзавотчилиги қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини йилнинг номавсумий даврида ҳам янги, сервитамин маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда ушбу йўналишнинг кенг ривожланиши учун ҳукуматимиз томонидан бир қатор фармон ва қарорлар чиқарилмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3-банди Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” мақсадида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, пахта ва бошқоқ дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобида экин майдонларини янада оптималлаштириш, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш топшириқлари берилган.

Юқоридаги қарор ва фармойишлардан келиб чиққан ҳолда, шундай сабзавот ва полиз экинларини, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, аҳолини сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини мавсумийлигини йўқотиш, истиқболли узоқ жойларга жўнатишга ва сақлашга қулай навларни яратиш, айниқса, улардан олинадиган ҳосил, сифатли, харидоргир, саноатбоп бўлишига эришиш умумий тарзда айтганда аҳолини қишлоқ кировлик кунларда ҳам бақлажон экинни маҳсулотлари билан узулксиз таъминлаш мақсадида иссиқхона шароитларига мос юқори ва сифатли ҳосил олиш технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишни тақозо этади. Шуларни инобатга олган ҳолда, биз иссиқхоналарда мавсумдан ташқари даврда бақлажон етиштиришни илмий асосда ўргандик ва бу изланишларимиз давом этмоқда. Тажрибамиз Асака туманидаги деҳқон хўжалиги иссиқхоналарида ўтказилди. Илмий тадқиқот изланишларини олиб бориш ушбу долзарб вазифалардан келиб чиқилди.

Тадқиқотлар объекти бўлиб бақлажонни районлашган, Давлат реестрига киритилган “Аврора” нави андоза нав қилиб олиниб, “Олмос”, “Айдин” F₁ ва бошқа давлатлардан келтирилган 30 дан ортиқ нав намуналари хизмат қилди.

Тажиба иситилмайдиган иссиқхонага қайтариқсиз, экиш схе-

маси 60х40 см, эгат узунлигида 5 метрдан қилиб жойлаштирилди.

Тажибамизда иситилмайдиган иссиқхоналарда экилган бақлажон нав намуналари ичида энг яхши кўрсаткичларга эгалари кейинги тажибалар учун танлаб олинди. Тадқиқот кузатувлари уруғлар экилган кундан бошлаб, ҳар уч кунда амалга оширилди.

Тажибада экилган 35 та нав намуналар ичида “Чёрная акула”, “Аврора”, “Айдин” F₁, “Олмос” кабиларнинг уруғи унвчанлиги бошқаларига нисбатан юқори эканлиги, айниқса, “Чёрная акула” намунасининг унвчанлиги андоза навадан ҳам юқорилиги кузатилди. Унвчанлиги юқори бўлган нав намуналари фенологик кузатувларда ҳам эрта гуллаши ва ҳосилга киришини намоён қилди. Унвчанлиги юқори бўлган “Аврора”, “Айдин” F₁, “Олмос” нав намуналари 8–9 кунда, “Чёрная акула” намунаси эса 6 кунда униб чиқди. Бунинг ҳисобида эрта мева элементларини намоён қилиб, кўчати экилгандан 48 кунда (Бу кўрсаткич “Аврора”да 56 кун, “Айдин” F₁ да 57 кун, “Олмос”да 58 кунни намоён қилди, қолган вариантларда бу кўрсаткич пастроқ) мевалари пишиб етила бошлади. Бу эса маҳсулотни эртароқ бозорга олиб чиқиб, март, апрель ва май ойларида аҳолини янги етилган бақлажон меваси билан таъминлаш имконини беради. Ва, шу билан бирга, бақлажон мевасини ёзги муддатда етиштирилган бақлажондан 20–25 баробар баландроқ нархга сотишга еришиш мумкин. Бу йил бақлажон меваси март ойида 30000 сўм, апрелда 20000 сўм ва май ойи бошларида эса 10000 сўмни ташкил қилди. Иссиқхоналарда бақлажон етиштириш кўп харажат ва меҳнат талаб қилмайди. Айниқса, бу кўрсаткич иситилмайдиган иссиқхоналарда сарф-харажатнинг сезиларли камайишига олиб келади. Бу эса бозор иқтисодиётида энг муҳим омил бўлган иқтисодий самарадорликнинг тобора ортишига замин яратади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз сабзавот етиштирувчи фермер, деҳқон ва томорқа хўжалиқларига иссиқхоналарда бақлажон етиштиришни тавсия этамиз.

С.САЛИЕВ,

ТошДАУ Андижон филиали

докторанти,

Х.ДАВЛАТОВ,

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

2. Т.Э. Остонакулов, В.И. Зувев, О.Қ. Қодирхўжаев. Сабзавотчилик. – Тошкент, 2008.



БЕНТОНИТ ЛОЙҚАСИНИНГ ТУПРОҚ АГРОФИЗИК ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ

Under conditions of typical sierozemous soils of the Tashkent region, application of pentine bentonite clay at a rate of 3000 kg/ha once every three years with irrigation during the growing season of winter wheat with irrigation regimes of 60-70-60 and 70-80-70% of LFMC, bulk soil weight decreased from 0,03 to 0,11 g/cm³, as a result, the water permeability of the loam increased from 30 m³/ha to 100 m³/ha compared to the control.

Бентонит лойқаси минералларга бой табиий унсур бўлиб, табиатда унинг кўплаб турлари учрайди. Бентонит лойқаси тупроқни микроунсурларга бўлган танқислигини тўлдириши билан бирга, унинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига ҳам хизмат қилади.

Бентонит лойқалари ўсимликлар учун озика манбаи бўлиб, унинг таркибида 0,3–4,7% углерод, 0,4–3,0% калий, 0,3–1,5% фосфор элементлари мавжуддир. Бундан ташқари кўплаб микроэлементлар: мис, рух, бор, кобальт, молибден, марганец, олтингургурт бор [3].

Илмий тадқиқот ишлари 2008–2012 йиллари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) нинг тажриба участкаси даласида икки тажриба тизими асосида олиб борилди.

Тажриба тизими 16 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда, бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгатлар кенлиги 60 см, эгат узунлиги 100 м. Тажрибада кузги бугдойнинг "Москвич" нави экилди. Ҳар бир бўлакчанинг майдони 480 м², шундан ҳисобга олинган майдон 240 м². Тажрибаларнинг умумий майдони 2,5 гектарни ташкил этади.

Тупроқнинг ҳажм оғирлиги, унинг юмшоқлигини ёки зичлигини аниқлайдиган муҳим белгилардан биридир. Тупроқнинг ҳажм массаси табиий ҳолатдаги бир куб/сантиметр қуруқ тупроқнинг (ҳавоси билан) грамм ҳисобидаги массасининг шу ҳажмдаги 4°C да олинган сув оғирлигига бўлган нисбатига айтади ва г/см³ билан ифодаланади. Ўсимлик илдизи юмшоқ ва ҳажм оғирлиги юқори бўлмаган тупроқларда яхши ўсиб ривожланиб, мўл ҳосил беради.

Тажриба бошида (2008 й.) даланинг беш нуқтасидан конверт усулида тупроқнинг ҳайдов (0–30 см) ва ҳайдовости (30–50 см) қатламларидан намуналар олиниб таҳлил қилинганда, беш нуқтадан ўртача 0–30 см қатламда, тупроқнинг ҳажм оғирлиги 1,35 г/см³ ни, 30–50 см қатламда 1,40 г/см³ ни ташкил этди.

Тажриба охирига (2011 й.) келиб, тупроқнинг ҳажм оғирлиги вариантлар кесимида таҳлил қилинганда, олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, маъданли ўғитларнинг N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га меъёрларига қўшимча равишда бентонит лойқаси қўлланилганда, назорат вариантларга нисбатан тупроқнинг 0–30 см қатламда 0,04–0,05–0,05 г/см³ га, 30–50 см қатламда эса 0,05–0,08–0,10 г/см³ га кам зичлашганлиги кузатилган бўлса, маъданли ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларига қўшимча равишда бентонит лойқаси қўлланилганда, назорат вариантларига нисбатан тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0–30 см қатламда 0,02–0,03–0,05 г/см³ га, 30–50 см қатламда эса 0,09–0,11–0,11 г/см³ га кам эканлиги аниқланди.

Иккинчи суғориш тартибида (ЧДНСга нисбатан 70-80-70%) ҳам юқоридаги қонуниятлар сақланган ҳолда энг яхши кўрсаткич бентонит лойқаси қўлланилган вариантлардан олиниб, маъданли ўғитларнинг N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га меъёрига қўшимча равишда ҳайдов остига 1500–3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилганда, тажриба охирига бориб назорат вариантга нисбатан тупроқнинг ҳажм оғирлиги, 0–30 см қатламда 0,04–0,06–0,08 г/см³ га, 30–50 см қатламда 0,05–0,06–0,08 г/см³ га, маъданли ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрига қўшимча равишда ҳайдов остига 1500–3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилганда, тупроқнинг 0–30 см қатламда 0,04–0,07–0,08 г/см³ га, 30–50 см қатламда 0,03–0,04–0,07 г/см³ га кам зичланганлиги аниқланди.

Тупроқнинг агрофизик хоссаларидан яна бири сув ўтказувчанлиқдир. Тупроқнинг ўзидан сув ўтказиш қобилиятига сув ўтказувчанлик деб аталади ва унинг ҳудуди маълум вақт ичида тупроқдан ўтган сув миқдори билан (мм. соат ёки м³/га) ўлчанади.

Шундан келиб чиққан ҳолда биз 2008 йил тажриба бошида дала майдонининг беш нуқтасидан конверт усулида тупроқнинг сув ўтказувчанлик қобилиятини таҳлил қилиб кўрдик. Бунга кўра, тажриба даласи тупроғига 6 соат давомида ўртача 870 м³/га сув сингани маълум бўлди.

Тажриба охирига бориб (2011 й.), вариантлар кесимида тупроқнинг сув ўтказувчанлик қобилияти аниқланганда, олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, маъданли ўғитларнинг N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ ва N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларига қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг миқдорида бентонит лойқаси қўлланилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60-70-60% суғориш тартибида суғорилган вариантларда, назорат вариантга нисбатан тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 10–5; 20–30; 22–30 м³/га, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-70% суғориш тартибида суғорилган вариантларда эса 105–95; 107–100; 103–97 м³/га сувни кўп сингдирганлиги маълум бўлди.

Жадвал

Тажриба даласида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, м³/га/соат

№	Вариантлар	Суғориш тартиби, ЧДНСга нисбатан.	Тажриба охирида, 6-соат давомида
Тажриба бошида (2008 йил)			870
Ўсув даври охирида			2011 йил
1	Бентонитсиз	60-70-60%	855
2	Бентонитсиз		860
3	1500 кг/га бентонит		865
4	1500 кг/га бентонит		865
5	3000 кг/га бентонит		875
6	3000 кг/га бентонит		890
7	4500 кг/га бентонит		877
8	4500 кг/га бентонит		890

Шу билан бирга олинган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкин, суғоришлар сонининг ортиши, тупроқда ҳажм оғирлигининг ортишига ва сув ўтказувчанлигининг ёмонлашишига олиб келади, бу борада бентонит лойқасини қўллаш тупроқнинг ҳажм оғирлиги ва сув ўтказувчанлигига ижобий таъсир кўрсатганлиги кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида уч йилда бир маротаба ҳайдов остига 3000 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилиб, кузги бугдойни амал даври давомида суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60-70-60 ҳамда 70-80-70% тартибларда суғорилганда, тупроқ ҳажм оғирлиги назорат вариантга нисбатан 0–30 см қатламда 0,03–0,05 г/см³ дан 0,07–0,08 г/см³ гача, 30–50 қатламда эса ўртача 0,07 г/см³ дан 0,11 г/см³ гача камайиб, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 30 м³/га. дан 100 м³/га. гача ортганлиги аниқланди.

С.АБДУРАХМОНОВ,

қ.х.ф.н., к.и.х.

И.АБДУЛЛАЕВ,

қ.х.ф.ф.д.

М.АКРАМОВА,

талаба,

ТошДАУ Андижон филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Ноанъянавий агрорудаларни қишлоқ хўжалиги экинларида қўллаш бўйича фермер хўжалиқларига тавсиялар (Тавсиянома). – Тошкент, 2017.

2. http://www.indexmundi.com/en/commodities/minerals/clays/clays_t16.html

3. <http://www.zookatalog.ru/index.php main>, 2010

АРПА ДОНИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТЛИК ҚИЙМАТИ

Арпа маданияштиралиб, ундан озиқ-овқат сифатида фойдаланиш жуда қадимги замонларга бориб тақалади. Ноқулай шароитларга жуда тез мослашиши сабабли ҳамма ерда арпадан сифатли нон тайёрланган.

Унинг дони чорвачиликда ем-хашакка қўшилади, пиво тайёрлашда, ун ва текстил саноатида ҳам фойдаланилади.

Шунингдек, кофе ва ёрма, фармацевтика саноатида эса патоген бактерияларга қарши қўлланиладиган гордейин препаратини тайёрлашда ишлатилади.

Ундан тайёрланган ёрма парҳезбоплиги билан ажралиб туради. Бугдой оқилига нисбатан озиқабоплиги жуда ҳам юқори бўлиб, арпа донидаги оқсил 15,5% гача бўлади, углеводлари эса 75% гача етади ва асосий қисмини арпа крахмали ташкил этади. Шу билан бирга, донида клетчатка миқдори 9% гача бўлиб, сулидан бошқа барча бошоқли дон экинларидан устун туради.

Арпа донида сувда осон эрувчан моддалар кўплиги сабабли организмни каттиқ қолдиқлардан тозалашда, қондаги шакар ва холестерин миқдорини камайтиришда катта рол ўйнайди.

Унда сувда осон эрийдиган В гуруҳига мансуб бўлган витаминлар, холин ва биотин кўп бўлиб, ёғда эрийдиган Е, А, D витаминлар ҳамда кремний, фосфор, калий, кальций, магний, никел, олтингургут, марганец, йод, рух, бром, кобальт, хром, фтор

ва бошқа микро ва макроэлементлар кўпдир.

Арпа таркибидаги В гуруҳига мансуб бўлган витаминлар энергетик, оқсил, ёғ, сув-туз алмашинуви, қоннинг кўпайишига хизмат қилади. Айниқса, арпанинг нерв, юрак-томир, тўқималар ва озиқ моддаларнинг ҳазм бўлишида гормонал тизимни тўғри томонга бошқаришга хизмат қилади.

Инсон танаси жисмонан чарчаганда, қон босими пасайиб кетганда арпа ёрмаси организмнинг қайта тикланишига ёрдам беради.

А, Е ва D витаминлар гуруҳлари организмнинг ўсиши, иммунитетни кучайиши, инфекция касалликларга чалинмаслиги, суяк тўқималари ҳосил бўлишида, ички касалликларининг олдини олишда, юрак тўқималарини яхшилашда катта рол ўйнайди.

Арпа донидан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари ичкадаги фойдали микро-организмлар фаолиятини яхшилайди.

Шунингдек, қанд касаллигининг тузалишига ёрдам беради, бавосил, простата безининг катталашмаслигига, жигарнинг касалланмаслигига, буйрак, сийдик йўллари, қориннинг дамланмаслигига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, арпа маҳсулотлари инсониятнинг қимматбаҳо шифобахш, озиқ-овқат маҳсулотларидан ҳисобланади.

Интернет материаллари асосида
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси
К.ИРНАЗАРОВА тайёрлади.



УДК:636.085.54

ИССЛЕДОВАНИЕ

КУРГАННОЕ СИЛОСОВАНИЕ

Прошлом столетия возделывание кукурузы на силос в конце 50-х начале 60-х годов широкое применения получил способ хранения его в курганах, как удобное форма укладки.

Курганное силосование веса уложенной массы на силос в открытом поверхности с 0,8-1,7 до 1,0-2,0 т/м³. Защита укладываемой на силос массы от доступа воздуха ежедневная толщина должна составлять не менее 0,8 м. Впоследствии из растения выделяют фитогидные вещества сероводород, сернистый газ, окислы азота. Они

начинают выделяться из растений в первые 2-3 сутки до начало интенсивного развития молочнокислого брожения. Все эти газообразные соединения имеют сильный бактерицидный свойства в отложения гнилостных бактерий, но действуют на жизнеспособность молочнокислых бактерий они практически не действуют. При укладке массы слоями 0,8 м силосовании кукурузы не устраняется маслянокислое брожение, а также усиление гнилостного распада белка до аммиака. По мере увеличения объема курганов оно постепенно начинает

нарушаться и при завершении их формирования значительная часть массы (18-25%) не может быть уложена слоем толщиной 80см и более поскольку угол наклона при подъеме укладываемой массы не превышает 15%. Поэтому при укладке значительная часть получается низкого качества или даже непригодно к скормливанию.

Преимущество курганного

способа силосования заключаются в том, что тракторам удобно уплотнять всю поверхность. Начинать закладку в курганах надо в центре, это даёт возможность быстрее наращивать толщину закладываемой слоя. В курганах не целесообразно делать силос из 600 тонн.

Диаметр кургана может быть 25-40 м, а высота в центре 5-6м и более. Чем выше курган, чем круче его стороны, тем лучше качество силоса и меньше отходов.

Отрицательные последствия приготовления силоса в курганах проявляются при его хранении и выёмке для скормливание.

Таким образом, отмеченные недостатки курганного силосования дали мощный импульс к проведению интенсивных исследований другими способами силосования культур башен и траншей.

Д.РАХМАНОВ,
Научно-исследовательский институт
животноводства и птицеводства,
докторант
З.АХМЕДОВА,
Научно-исследовательский институт
микробиологии д.б.н., профессор
докторант
Т.ШОНАХУНОВ.



ВИЛЬТ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИ ЙЎҚОТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ХУСУСИДА

This article deals with the fight against cotton and other agriculture crop diseases in Central Asia about the measures of losing. If these diseases are prevented, crop the harvest will increase and cottons sorts will increase.

Пахта вильти инфекцион касаллик бўлиб, унинг 2 тури бор. Ўрта толали пахтани вертициллёз, ингичка толали пахтани эса, фузариоз зарарлантиради. Вильт касаллигининг кўзгатувчиси вертициллиум пахтадан ташқари 40 дан ортиқ маданийлашган ва ёввойи ўсимликларга зарар етказиши.

Мен асосан пахта вильтига қарши илмий ишларимни 1973 йилдан ҳозиргача (2019 йилгача) – 46 йилдан буён давом эттириб келяпман. 1972 йил Ўзбекистон ва Тожикистон республикаси олимлари биргаликда пахта вильтига қарши курашишлари учун Тожикистон Республикасининг Ленинобод (ҳозирги Суғд) вилояти, Хўжанд туманига қарашли Фрунзе номли хўжаликнинг «Катма» участкаси танланган эди. Чунки бу жойдаги пахта вильт касаллиги билан энг кўп, яъни 80–90% зарарланган эди. Тадқиқот ишлари биология фанлари доктори, профессор, академик С.А.Алимухаммедов раҳбарлигида ташкил этилган бўлиб, ўша вақтлар бу киши Ўзбекистон ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори эди.

Участка 8 гектарни ташкил этган бўлиб, унда илмий ишлар кўп қиррали ва ҳамма томонлама олиб бориларди. Умумий майдон кўп вариантли делянкаларга ажратилиб, минерал, маҳаллий ўғитлар ва компостларнинг таъсири синалди; арпа, буғдой, маккажўхори, горчица, шабдор, берсим ва беда экиб, зараркунанда замбуруғини камайтиришга ҳаракатлар қилинди; олов культиватори (огневой культиватор) билан гўзанинг барг ва поялари куйдирилди; Бенлат химиявий препаратлари билан ҳар хил доза ва вариантларда ишлов берилди; Триходерма ҳам синаб кўрилди.

Бизлар ҳам 108-Ф навини юқорида айтилгандек, кўп методлар билан синаганимизда, натижа бера бошлади. Айни ўша вақтда ўрта толали пахтанинг “Тошкент-1”, “Тошкент-2” ва “Тошкент-3” номли вильтга чидамли навлари яратилди, синовдан ҳам ўтказилиб районлаштирилди. Бизнинг 15-20 центнердан пахта ҳосили олинаётган тажриба участкамиз жойлашган хўжаликда “Тошкент-1” нави экилгандан кейин ҳосилдорлик яна 40-50 центнерни ташкил қилди.

“Тошкент-1” пахта нави районлашгандан сўнг, энди пахтага вильт касаллигининг таъсири бўлмади, деб, Тожикистон қишлоқ хўжалик вазирлиги ва унинг вильт касаллигини тушунмайдиган

мутахассислари илмий ишларни молиялаштиришни бутунлай тўхтатиб, олиб борилаётган илмий ишларни ҳам тўхтатишди. Шунингдек, И.Файзиев ва Л.Юнусовлар ҳам илмий ишларини тўхтатдилар. Ваҳоланки, бу фитопатолог-вильтшунос олимлардан улкан илмий ишларни кутиш мумкин эди.

Бир йиллик илмий ишм бекор бўлгандан кейин, менга бошқа илмий иш берилди. Шимолий Тожикистоннинг (Ленинобод вилояти) кўнғир тусли тошлоқ тупроқларида (1974 йил) беданинг сув режими ва ҳар хил дозадаги минерал ўғитларнинг ўзаро таъсири мавзусида аспирантлик илмий иши берилди. Илмий иш ўтказиладиган жой сифатида ўша Фрунзе номли колхозга қўшни бўлган Ўринходжаев номли хўжалик белгилаб берилди. Бедапоя 3-йилдан кейин ҳайдалиб, 4-йил (1977 йил) ўша жойларга “Тошкент-3” пахта нави экилди. Бизлар 3 йиллик беданинг тупроқ унумдорлигига таъсири, пахта ҳосилини оширган-оширмаганлигини ҳамда тупроқда қандай миқдорда гумус ва азот йиғилганлигини ўрганиш мақсадида илмий изланишлар олиб бордик. Беда ҳосили қуруқ ҳолатда уч йилда гектаридан ўртача 284 центнерни ташкил қилган эди.

Бундан кейин 3 йиллик беданинг изидан экилган пахтанинг вильтга қарши курашишни ўрганиш мақсадида 1981 йил Тожикистоннинг Оби-Кийик воҳасида, 1984 йил Вахш воҳасида ва 2013 йил Бухоро вилоятининг Ромитан туманида илмий ишлар олиб борилди. Натижада, 3 йиллик беда экилиши натижасида тупроқнинг унумдорлиги ошиб, вильт касаллиги 75-95% гача камайган бўлса ҳам, лекин бутунлай йўқолмаган эди. Шу каби натижалар Ўзбекистон пахтачилик илмий-текшириш институти (Ўз ПИТИ) Бухоро филиалида ҳам қайд этилган бўлиб, 3 йиллик бедадан кейин пахта вильтининг 80-90% га камайиши аниқланган, лекин бутунлай йўқолиши кузатилмаган.

Кўп илмий изланишлар олиб бордик, тупроққа ҳар хил нормада минерал ўғитлар, Бенлат, кўмир, оҳак берилди, аммо натижа ижобий бўлмади. Охириги имконият сифатида 2016 йил Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Ифтихор МФЙ территориясида жойлашган “Гулобод” фермер хўжалигида тадқиқот ишлари олиб борилди. Буғдойдан бўшаган 2 гектар ерга “Нукус” шולי нави экилган эди, шуни кузатувга олдик. Ўша шолининг изидан 2017 йилда пахтанинг

“Бухоро-8” нави экилди. Натижа юқори бўлди, вильт касаллиги сезилмади. Авваллари вильт туфайли 20-25 центнер пахта ҳосили берган ер гектарига 40-45 центнердан ҳосил берди.

Бунда пахтадаги вильт касаллигининг йўқолишига асосий сабаб, шолিপояда доимо сув бўлиши натижасида анаэроб ҳодисаси вужудга келиб, вильт замбуруғлари батамом йўқ бўлиб кетган.

46 йиллик умумий илмий изланишлар натижасини таҳлил қилиб, қуйидаги тавсияларни берамиз.

Пахта вильтини камайтириш учун:

Ерни алмашлаб экишни ташкил қилиш; Буғдойдан бўшаган майдонларни тез-да шудгор қилиб, қуёш нуридан тўйдириш; Маҳаллий ўғитларни чиритмасдан ерга бериш, бунда чиримаган маҳаллий ўғит чириш вақтида тупроқдан вильтнинг замбуруғларини куйдириб йўқотиш;

Пахтанинг янги, вильтга чидамли, серҳосил навларини яратишга катта аҳамият бериш;

Уруғчиликга ҳам эътибор бериш лозим.

Пахта вильтини бутунлай йўқотиш учун:

1) Вильт билан кучли зарарланган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини экишдан олдин бир йил шולי экишни ташкил қилиш;

2) Шолини суғоришни тугаллашдан олдин челларни (полларни) текислаб, сув билан охириги маротаба тўлдириш.

3) Культивация ва бошқа трактор тирка-маларида ишловни тугатиб, бир ердан иккинчи ерга ўтказганда дезинфекция қилиш ёки 90-100°C даги иссиқ (қайноқ) сув сепиш.

4) Вилоятлардаги ўсимликларни химоя қилиш марказларида вильтни аниқлаш учун микробиологик лаборатория ташкил этиб, “Ўзгипрозем” дан ер карталарини олиб, туман ўсимликларни химоя қилиш станциялари мутахассислари томонидан тупроқ намуналари олиниб, лабораторияда анализ қилиб, тупроқни вильт қанча зарарлаганини картада белгилаш.

Шу ишлар амалга оширилса, Ўзбекистонда пахта ҳосили камида гектарига 10 центнердан ошади. Агар гектарига 1 центнерга ошса ҳам, йилига миллиардлаб эмас, триллионлаб сўмлар фойда келади.

И.ИСЛОМОВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти Бухоро филиали доценти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ТЕХНОЛОГИЯ ПРОИЗВОДСТВА ХОЛОДНОЙ КОМПОЗИЦИИ В УСЛОВИЯХ ПРИОБЪЕКТНЫХ БАЗ ГТС И ЕЁ ПРИМЕНЕНИЕ ДЛЯ АНТИКОРРОЗИОННОЙ И АНТИФИЛЬТРАЦИОННОЙ ЗАЩИТЫ ЭЛЕМЕНТОВ СООРУЖЕНИЙ

The technological operations of the preparation and use of the compositions as a protective coating for hydraulic structures are considered.

Выбор того или иного материала для антикоррозионной или антифильтрационной защиты сооружений ГТС оценивается и применяется на основе анализа различных характеристик, сопутствующих его применению с выявлением основных физико-механических, эксплуатационно-технических и технико-экономических показателей. Немаловажное значение при этом придается выполнению технологических процессов производства и применения материала с целью определения возможностей приобретения необходимой оснастки и инструментов, а также возможностей выполнения работ силами эксплуатационных служб, не имеющих соответствующей квалификации. Данный случай рассматривается как необходимость ликвидации случайного дефекта с применением малого объема изоляционного материала. Для ликвидации данного дефекта бетонного или металлического элемента сооружения возможно применение холодной композиции, обеспечивающей не только высокие физико-механические и эксплуатационно-технические характеристики, но и простейшие технологические операции приготовления и применения составов. Для изготовления состава в рассмотренном случае приготавливаются компоненты с нижеследующим их содержанием в составе (1).

Битум строительный БН 70/30 – 2,6 кг;

Сырая резина с наиритовым каучуком марки А (содержащая в своем составе в масс. частях церезин 1,5, окись цинка 1,25, сера 0,8, неозон Д 2, тиурам 0,5) – 1,3 кг.;

Эпоксидная смола ЭД-20 – 34 гр.;

Катализатор отверждения ПЭПА – 3,4 гр.;

Растворитель (толуол, ксилол, сольвент, Р-4, № 646) – 4 – 5 кг.

Для приготовления холодной композиции в заданном объеме подготавливаются две герметично закупоренные тары для раздельного приготовления растворов. На этапе подготовки битум подвергается дроблению с разделкой его на мелкие кусочки и помещается в тару, куда затем вводится растворитель в количестве 3 кг.

Сырая резина также измельчается путем нарезки ножницами и вводится во вторую тару в количестве 1,3 кг., куда вводится растворитель в количестве 1 – 1,5 кг.

Приготовление растворов производится пассивным способом без применения

принудительного способа перемешивания. Через 2-3 суток пассивной выдержки проверяется состояние растворов и в случае обнаружения нерастворившихся частиц принимаются меры активного перемешивания с помощью деревянных стержней.

Готовые растворы компонентов без признаков нерастворившихся частиц материала на заключительном этапе перед производством изоляционных работ совмещаются в одной общей таре, куда затем вводится эпоксидная смола в количестве 34 гр. с последующим перемешиванием состава, и в случае готовности к применению катализатор отверждения полиэтиленполиамин ПЭПА при наличии сухой поверхности элементов защиты или при влажной, отвердитель АФР в количестве 3,4 гр.

Подготовленное количество холодной композиции, потребной на изоляцию бетона или металла в количестве 2 – 2,5 м² и рассчитанного на её использование в течении 3 – 4 часов после введения катализатора при температуре окружающего воздуха 18 – 25 °С, используют по назначению.

Окрашивание изолируемой композиции детали из металла или элемента бетона может производиться любым подручным инструментом виде кистей, валиков, шпателей. При необходимости применения распыляющихся устройств проверяется консистенция растворов и доводится до требуемой вязкости путем введения дополнительного растворителя, обеспечивающего механизированное нанесение составов. При окрашивании изолируемых поверхностей с расчетным расходом материала при толщине изоляции 1,5 – 2 мм. количество наносимых слоев при шпательном нанесении составов должно составлять в пределах 2 – 3, а при кистевом в пределах 3 – 4.

После нанесения каждого слоя свободная выдержка должна составлять в пределах 10 – 15 мин. с расчетом завершения процесса защиты элемента в течении 1 часа и обеспечением расчетной толщины изоляции.

Готовая защитное покрытие для подвального, подземного базирования или зон переменного уровня должно обеспечить длительную жизнеспособность, составляющую не менее 30 лет. При этом адгезионная прочность к бетону должна состав-

лять в пределах 0,25 – 0,35 МПа, а к стали 0,29 – 0,54 МПа.

Предельное водопоглощение изоляционного слоя, носящего затухающий характер в течение 2 лет должны составлять не более 2,5 %, что соответствует величинам поглощения воды композициям на основе горячих битумно-полимерными сплавами на основе модифицирующих добавок каучуков СКЭП и СКЭПт.

Холодные композиции приведенного состава при длительном воздействии пресной и минерализованной воды, а также их эксплуатации в кислотах и щелочах с их концентрацией от 1 до 5 % обеспечивают стойкость с коэффициентами не менее единицы по растяжимости, прочности растяжения к адгезии к бетону и металлу.

Высокая водоустойчивость композиции подвергается высоким показателем удельного объемного электросопротивления УОЭС, составляющего после 2-х летнего экспонирования образцов в подводных условиях не менее 10¹¹ Ом см².

Трещиностойкость покрытий так же велика и составляет не более 3,5 мм.

Таким образом, учитывая изложенное, холодные композиции обладая значительным преимуществом технологического характера, исключая тепловые процессы изготовления с обеспечением круглогодичности производства работ, а также в силу обеспечения длительной жизнеспособности материала и высоких характеристик физико-механических свойств и эластичности не менее 500 %, должны найти широкое применение для ремонтно-восстановительных работ отечественных ГТС.

А. ПЕТРОВ,

М.Н.С.,

И. МАХМУДОВ,

д.т.н., проф.,

НИИИВП

ЛИТЕРАТУРА

1. Фролова М. К. Битумно-наиритовые герметики для гидротехнического строительства. Сборник трудов координационного совещания по гидротехнике. Выпуск 74. – Л.: Энергия, 1972. – 57 с.

2. Попченко С. Н. Гидроизоляция сооружений и зданий. – Стройиздат, 1998. – 98 с.

КЎМИЛГАН ТОКЛАРНИ ОЧИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА МАШИНАЛАРИ

The article sets out on the basis of the analysis, the design of the machines of the technological process of the half opening of the shelter of vineyards, to create the conditions for the complete opening of the sheltered vineyard of the new design of the machines.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд қўпайтириш, экин майдонларини оптималлаштириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган [1]. Ушбу вазифани бажаришда, жумладан, тупроққа сифатли ишлов берадиган техника воситаларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳисобига тоқзорлардан юқори ҳосил олиш ва унинг таннархини пасайтириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Токларнинг совуқдан шикастланишининг олдини олиш мақсадида октябрь–ноябрь ойларида кўмилади. Эрта баҳорда эса кўмилган тоқлар очилади. Кўмилган тоқларни тўлиқ очиш учун шароит яратиш мақсадида, тупроқ уюми ёнларини юмшатиб, ярим очиш технологик жараёни уни амалга оширувчи ПРВН-2,5А машинасининг НЮ-18, ПРВН-74000 русумли мосламаларидан фойдаланилади [2, 3].

НЮ-18 мосламаси кўмилган токни баҳорда ярим очишга ва қаторлардаги туплар орасида ишлашга мўлжалланган. У ПРВН-2,5А тоқзор машинаси учун қўшимча мослама ҳисобланади (Украина).

Мослама вертикал шпалерларга таралган тоқзорларда ишлатилади, ундан қатор ораси 2–2,5 ва 3 м қилиб экилган тоқзорларни ишлашда фойдаланилади. НЮ-18 мосламасининг икки (ўнг ва чап) универсал иш органлари, кўмилган токни чала очадиган мосламаси ва қўшимча рамалари бор.


Универсал иш органи устунларга қанотлар воситасида бириктирилган икки лемехдан тузилган бўлиб, лемехнинг қўчатлар қаторига чиқувчи учига тупроқни сурадиган мослама ўрнатилади. Устуннинг втулкага жойлаштирилган вертикал вали бор. Валнинг юқори учига кронштейн маҳкамланади. Бу втулка машина рамасига хомутлар воситасида бирлаштирилади грядилга ўрнатилади.

ПРВН-2,5А машинаси НЮ-18 мосламаси билан биргаликда МТЗ-82, 1ТЛ-100 тракторларига агрегатланган ҳолда ишлатилади.

Кўмилган тоқларни ПРВН-2,5А машинаси билан очишдан олдин машинанинг рамасини қатор оралари кенлигига мослаб йиғиш, иш органларини сошлаш керак. Мосламанинг тўғри йиғилиши ва созланиши берилган технологик жараённинг бажарилишини, яъни кўмилган тоқларнинг новдаларига шикаст етказмай очишни таъминлайди. Қатор оралари 2,5 метр бўлганда НЮ-18 мосламасининг узайтирилган рамкалари ўрнига ПРВН-2,5А машинасининг қисқартирилган рамкаларини қўйиш мумкин.

НЮ-18 мослама бўлган ПРВН-2,5А машинаси ток кўмилган жойдан ўтганда тупроқнинг 28–67 фоизини туширади. Пневматик очгич ўтказилганда эса НЮ-18 мосламасидан қолган тупроқнинг 57–60% суриб туширилади.

М.Мирзаев номи БУВаВИТИ олимлари ва «ВМКВ-Agromash» АЖ конструкторлари ҳамкорликда кўмилган тоқларни тўлиқ очиш учун шароит яратиш мақсадида, тупроқ уюмининг ёнларини юмшатиб, ярим очиш технологик жараёни ва уни амалга оширувчи машина ишлаб чиқилган [3].



1-расм. Баҳорда тоқларни ярим очиш машинаси УОУО-3 (Uzumzorlarni ochgich-yopgich)

УОУО-3 кўмилган токни яримочиш машинаси (1-расм) пайвандлаб ясалган ва болтлар билан йиғилган металл конструкциядан иборат бўлиб, машинанинг барча узелларини маҳкамлаш учун хизмат қиладиган квадрат kesимли трубадан пайвандлаб ясалган тўғри тўртбурчак шаклидаги универсал рама (1), қўшимча рамка (2), таянч гилдираги (3), грядил (4), лемех-ағдаргичли корпус (5), устунлар (6), тупроқсурғич (9), лемех (7, 8) ва пружиналардан (10) иборат.

Машина куйидагича ишлайди: агрегат қатор орасига киради, ағдаргичлар (5) ток устидаги тупроқни қатор орасининг ўртасига суради. Ағдаргичлари бор тупроқсурғичлар (7 ва 8) ток новдаларини очади. Зарур бўлса, ток агрегатнинг иккита ўтишида очилади.

А.САДРИДДИНОВ,
(ТошДТУ),

Н.САФАРОВА,
(ЎзҚХТТСДМ),

Х.УТАГАНОВ,

(акад. М.Мирзаев номидаги БУВаВИТИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Байилов М.Т. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. 2011–2015 йиллар учун (II қисм). – Тошкент: “HILOL MEDIA” МЧЖ, 2011. – 152 б.

3. Разработка высокоэффективных ресурсосберегающих технических средств для возделывания садов и виноградов: Отчет о НИР ҚХ-Атех-2018-(226+230) /акад. М.М.Мирзаев номидаги БУВаВИТИ/ Мусурмонов А.Т.- Ташкент, 2018. – 79 с.

СИФАТЛИ ЖУН ХОМАШЁСИНИ ТАЙЁРЛАШ УСКУНАСИ

This article is aimed at improving the quality of wool raw materials produced by livestock farms in our country.

Қўй жуни толалари ўз белгилари ва хусусиятлари бўйича ғоят хилма-хил бўлади. Республикамизда боқилаётган қўйлар зотини қорақўл, жайдари ва ҳисори қўй зотлари ташкил қилади. Улардан қирқиб олинаётган жун дағал жун ҳисобланади. Дағал жун тивит, қилчиқ, оралиқ, қуруқ ва ўлик толалар аралашмаларидан ташкил топади. Чорвачилик хўжаликлари жун қирқиш пунктларида тайёрланаётган жун толаларининг таркиби бўйича барча жунларни иккита катта гуруҳга: толалари бир-бирига яқин ва аралаш толали гуруҳларга бўлинади. Жуннинг ифлосланганлик даражасига қараб: тоза жун, ифлосланган ва ўта ифлосланган жун турларига сараланади.

Жунни санаб ўтилган таркибий элементларига қараб, кўз билан чамалаб осонгина ажратиш мумкин. Дағал жун ўзининг турли кўринишларидан 23,7 микрондан 62 микронгача бўлган ўртача ингичкалиги билан характерланади. Дағал жун энг ингичка тивит тола 10 микрон ва энг дағал қил 100–150 микрон, ўлик толалар 120–140 микрон ва ундан йўғонроқ бўлади. Шу сабабли дағал жун ва уни ҳосил қилувчи толалар ингичкалиги бўйича қуйидаги навларга ажратилади (Жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, қорақўл қўйлари жуни таркибида ўлик толалар учрамайди, улар асосан жайдари қўйларида кўплаб учрайди.

Жунни қирқиш пунктларида юқорида кўрсатилган хусусиятлари бўйича саралаш ва навлари бўйича синфларга ажратиш учун мослама талаб этилади. Жун қирқиш пунктларида қирқилган жунни синфлаш ва саралаш қурилмаси СКШ-200, синфлаш конвейери КТР-1 қурилмаларидан фойдаланилади, лекин бу мавжуд қурилмалар жунни сифатли саралаш имконини бермайди, жун таркибида бўлган енгил

ифлосликлар чанг ҳосил қилиб, ҳавони ифлослантиради, ишлаш шароитини ёмонлаштиради. Олма мосламалар ишчининг ҳаракатлиниш зонасини чеклайди.

Биз томондан таклиф этилаётган ихтиро мақсади жунни саралаш ва синфлаш жараёнларини сифатли амалга оширадиган саралаш столининг янги моделини яратиш, иш жойида метеорологик кўрсаткичлардан бири, ҳавога чанг ажралишининг меъёрий даражада бўлишини таъминлаш. Таклиф этилаётган ихтирода олма қурилмаларнинг бўлмаслиги, раманинг кўзгалмаслиги ва вертикал тебранишлар


фақат унинг стол платформасида локал ҳолатда бўлиши ишлаш учун қулай шароит яратади (Расм).

Қўйилган мақсадга эришиш учун саралаш столи рама (1), юзаси икки қават панжаралар (2), енгил ҳаракатга келувчи пуржиналар (3) орқали бир бирига параллел маҳкамланади. Ишчи томонидан панжарали столдаги жунга таъсир этиш натижасида тебранма ҳаракат юзига келади, натижада бир вақтнинг ўзида сараланаётган жундан чанг ва бошқа ифлосликлар ажралади. Панжара таглиги (4), сўрувчи вентилятор (5) ва уни ҳаракатга келтирувчи электродвигатель (6) билан жиҳозланган. Ажралаётган чанг ва ифлосликларнинг сифатли сўрилишини таъминлаш учун панжара ва таглиги қия жойлаштирилган бўлиб, ҳавонинг стол юзасидан бир текис сўрилишини таъминлаш мақсадида дефлектор (7) ўрнатилган. Қурилманинг асос (8) га маҳкамланиши раманинг турғун бўлишини таъминлайди, натижада саралаш жараёнининг сифатли бажарилишига имкон яратади ва ифлосликларнинг махсус канал орқали чиқарилиб юборилиши меҳнат шароитини яхшилади ҳамда қурилманинг замонавий эргономик талабларига жавоб беришини таъминлайди.

**А.ХАСИЛБЕКОВ,
А.БЕКНАЗАРОВ,
Р.РАББИМОВ,
Ш.ЁДГОРОВА,
(СамВМИ).**

АДАБИЁТЛАР

1. Г.П.Дегтерев. *Механизация промышленного овцеводства*. - М.: Колос, 1980. - С. 313-314.
2. Канарский Н.Я., Линенков Я.Я., Горбовцов В.А. *Учение о шерсти и её первичной обработки*. - Москва, 1939. - С. 418-426.
3. Колдаев В.М. *Машина для разработки шерсти свалок (НИИЗПОШ) // Журнал "Овцы и козы, шерстяные дела"*. - Москва, 2000. - №4. - С. 33-34.
4. Купрашевич В.И. *Общая технология шерстяного производства*. - Москва, 1981. - С. 121-122.
5. А.Я.Хасилбеков. *Қўй жунини механик тозалашнинг амалий ва илмий асосларини такомиллаштириш // Дисс. Автореферати*. - Самарқанд, 2017.



Расм. Жунни саралаш ва синфлаш столи.

а) олдтомонидан кўриниши, б) уст кўриниши.

Дағал жун ва уни ҳосил қилувчи толаларнинг ингичкалиги бўйича навлари
(Қорақўл зотли қўй жуни бўйича)

Жун нави	Ўртача ингичкалиги (микрон ҳисобида)				
	Мазкур навдаги жун толалари	Тивит толалари	Оралиқ толалари	Қил толалари	Ўлик толалари
1-нав	30.0	22.6	40.6	60.4	-
2-нав	33.7	24.4	38.0	63.0	-
3-нав	37.4	24.5	38.2	59.6	-

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Annotation. The article analyzes the cost of business entities in the cost of operations and management costs. It is based on the importance of business entities to keep track of production.

Ишлаб чиқариш харажатлари бошқарув ҳисобининг муҳим қисми ҳисобланади. Чунки харажатлар таркиби, харажат элементлари ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш орқали харажатлар сметасини ҳисоблаш, бюджетлаштириш, таннархни таҳлил қилиш имкони кенгайди. Махсус адабиётларда харажатлар қуйидагича қаралади: истеъмол учун маълум мақсадлар учун харажатлар.

Фаолият турларига қараб харажатлар 2 турга, яъни ишлаб чиқариш харажатлари ва муомала харажатларига бўлинади. Ишлаб чиқариш харажатлари – маълум маҳсулотни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш билан боғлиқ харажатлардир. Муомала харажатлари – товар-моддий қийматликларни сотиб олиш ва таъминлаш билан боғлиқ харажатлардир. Шундай қилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш билан боғлиқ харажатлар ишлаб чиқариш харажатлари дейилади.

Хўжалик субъектларининг фаолиятида даромад ва харажатларнинг ташкил топиши, уларни бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юриштида қишлоқ хўжалигининг хусусиятини ҳисобга олиб, аниқ тушунчасини белгилаш ва харажатларни гуруҳлаштириш лозим.

Демак, ушбу фикрдан хулоса қилинса, фермер хўжаликларида ҳам бошқарув ҳисоби таркибида ишлаб чиқариш ҳисобини юришти амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юришти механизми корхона фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланган ва бозордаги таъбиқ қондирадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослаштирилади. Бундай маҳсулотлар корхона фаолиятининг мақсадига айланади, натижада уни ишлаб чиқаришда

меъёрлаш, режалаштириш ва ҳисобга олиш объектив заруриятга айланади.

Демак, ишлаб чиқариш ҳисоби бошқарув ҳисобининг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Ушбу масалада чет элларда алоҳида иқтисодий адабиётлар, яъни «ишлаб чиқариш ҳисоби» (cost accounting) деган бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги китоблар мавжуд. Масалан, инглиз иқтисодчиси К. Друри томонидан шундай таъриф берилган «... ишлаб чиқариш ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги тафовутни тушунмоқ керак. Ишлаб чиқариш ҳисоби тизимида ТМЗ қийматини белгилаш учун ишлаб чиқариш харажатлари аниқланади, бу ташқи ҳисобот талабларига жавоб беради, бундан ташқари менежерлар учун тегишли молиявий ахборотни тайёрлаш муҳим ҳисобланади.» Шундай қилиб, чет эллик ва маҳаллий иқтисодчилар фикри бўйича умумий хулоса қилиш мумкин.

Биринчи йўналиш бўйича ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳисоби фаолиятнинг асосий вазифаси бўлиб, фермер хўжалиги бўйича маҳсулот таннархини тўғри ҳисоблаш учун, бошқарув қарорлари қабул қилиши учун тўлиқ ва ўз вақтидаги ахборот билан таъминлашдан иборат. Бу дегани, ҳисоб фаолияти бутун фермер хўжалигини бошқариш фаолияти билан боғланган. Шу сабабли “management accounting” сўз бирикмасининг бошқарув эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ҳисобни ташкил этиш, деб таржима қилса бўлади. Бундай ёндашувда бошқарув ҳисоби корхона харажатлари тўғрисидаги ахборотни йиғувчи ва таҳлил қилувчи тизимгина эмас, балки бюджетлаштириш, бўлинмалар фаолиятини баҳолаш тизими ҳамдир. Умуман олганда, бу кўпроқ бух-

галтерия эмас, балки бошқариш технологияларидир.

Иккинчи йўналиш бўйича ишлаб чиқариш ҳисоби тушунчаси харажатлар ва маҳсулот таннархи тўғрисидаги ахборотни йиғувчи ва интерпретация қилувчи тизим сифатида кўриб чиқилади, яъни бу – корхона фаолиятини назорат қилиш мақсадида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил этишнинг кенгайтирилган тизимидир.

Демак, ишлаб чиқариш ҳисоби бошқарув ҳисобининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби маҳсулот таннархини аниқлаш ва харажатлар, таннархни ўтган давр, режа билан таққослаш асосида иқтисод, ортиқча харажатларни амалга оширилганлигини таҳлил қилиш имконини берадиган ҳисоб тушунилади, яъни кўпроқ иккинчи йўналиш бўйича ривожланиш тушунилади.

Ушбу босқичларнинг якунида бошқарув қарорларини қабул қилиш муҳим ва ҳал қилувчи масалалардан ҳисобланиб, унда фермерлардан юқори малака ва амалий тажриба бўлиши лозимлигини кўрсатади. Демак, фермер томонидан қабул қилинадиган кўпчилик қарорлар уникал бўлиб, уларни қабул қилиш жараёнини қатъий қоидалар, аниқ қадамлар ва кетма-кетлик билан ифодалаш қийин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кенгайтирилган шаклдаги ишлаб чиқариш ҳисоби фаолияти фермер хўжалигининг деярли барча асосий томонларини қамраб олмақда. Бу эса яна бир қарра бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлувчи ишончли ахборотнинг шакллантирилишида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг аҳамиятини кўрсатади.

У.ТУРСУНОВ,

и.ф.н., доцент (НамМТИ).

ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ И НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИХ МЕТОДОВ УПРАВЛЕНИЯ В АГРАРНЫЙ СЕКТОР

The agro-industrial complex is one of the most important sectors of the economy of Uzbekistan. It accounts for about one-third of gross domestic product, one-quarter of basic production assets. A highly developed, efficiently operating agro-industrial complex has always been a decisive condition for the successful functioning of the entire economic complex of the country. The article substantiates the need to create an agrarian information and consulting service based on the exchange of experience; Recommendations to improve the functioning of agrarian reforms are proposed.

Агропромышленный комплекс – одна из важнейших сфер экономики Узбекистана. На его долю приходится около одной трети внутреннего валового продукта, одна четверть основных производственных фондов. Высокоразвитый, эффективно работающий агропромышленный комплекс всегда являлся определяющим условием успешного функционирования всего хозяйственного комплекса страны. В сельском хозяйстве используются такие специфические средства производства как земля, растения, животные, микроорганизмы. Здесь весьма тесно переплетаются экономические процессы воспроизводства с естественными. В агропромышленном производстве выделяются пять взаимосвязанных стадий: производство средств производства для всей системы агропромышленного комплекса; сельскохозяйственное производство; производство предметов потребления, изготавливаемых из сельскохозяйственного сырья; производственно-техническое и технологическое обслуживание всех стадий производственного цикла; реализация конечной продукции.

Объектом исследования является агропромышленный комплекс Узбекистан, а предметом – система и методология государственного управления им в рыночных условиях. Для достижения данной цели были поставлены и решены следующие задачи: изучить теоретические вопросы формирования системы управления АПК в условиях рыночных отношений; проанализировать опыт государственного управления АПК в экономически развитых странах; оценить особенности осуществления и результаты аграрных реформ России и пост социалистических странах; проанализировать состояние АПК в переходный период и систему управления им; разработать направления совершенствования механизма управления государственной поддержкой АПК; обосновать необходимость стратегического управления АПК и разработать методологию его осуществления; разработать предложения по изменению функций и реорганизации структуры органов управления АПК на основе маркетингового подхода.

В целях обеспечения эффективного взаимодействия, хозяйственное управление должно быть ориентировано не на «опеку» и администрирование сверху внешней и внутренней деятельности объектов управления, а на оказание, прежде всего, различного рода услуг, необходимых для выполнения бизнес-планов, программ, предотвращения банкротства предприятий и т.п. Внедрение маркетинга, контроллинга и консалтинга в предприятиях, контроль за соблюдением отраслевых правил, технологической дисциплины, оздоровление финансовой деятельности, совершенствование методических основ планирования, учета и отчетности должны быть основными функциями органов хозяйственного управления субъектов Республики Узбекистан.

Высокой экономической эффективности добиваются руко-

водители и специалисты тех предприятий, в которых хорошо взаимодействуют субъекты и объекты управления, налажены экономическая и финансовая служба, бизнес-планирование, персональное закрепление средств производства и земли за хозрасчетными подразделениями и конкретными работниками. Центральное место в хозяйствах занимает составление бизнес-планов и бизнес-программ для внутрихозяйственных подразделений, управление финансовыми потоками.

Руководители и специалисты таких предприятий постоянно совершенствуют планирование, анализ и учет. С помощью электронных средств накапливают конкретную информацию о выполнении производственных процессов по годам для определения средних нормативных показателей, используемых при планировании производства. На входе в электронные средства вводятся качество земли, количество и качество семян, технические средства, удобрения, финансы и все другие необходимые компоненты на заданную площадь и урожайность культур.

В связи с этим становится очевидной необходимостью разработки научно обоснованной программы развития отраслей агропромышленного комплекса на основе эффективного использования инновационного потенциала страны. Переход к устойчивому экономическому росту во всех отраслях аграрной экономики невозможен без стимулирования использования достижений науки и техники, внедрения новых технологий, активизации научно-технической деятельности всех субъектов научно-технической сферы АПК. Мировой опыт подтверждает, что научно-технический прогресс является единственной реальной основой эффективных социально-экономических преобразований как на макро-, так и на микроуровне развития национальной экономики. Узбекистан отличается от многих стран с трансформирующимися экономиками имеющимся научно-техническим потенциалом, историческими традициями высоко развитой аграрной науки, что представляет в современных условиях наиболее важный стратегический ресурс. Поэтому стремление развивать инновационную сферу и углубление рыночных отношений в аграрном секторе в условиях мирового финансово-экономического кризиса должно объективно способствовать возникновению конкурентной борьбы за право использования самых современных научных разработок в области сельского хозяйства и других сфер агропромышленного комплекса.

Н.АКРАМОВА,
ассистент,
К.БОБОНАРОВА,
студентка,
ТИИМСХ

ЛИТЕРАТУРА:

1. Информация (данные) Министерства сельского и водного хозяйства РУз.
2. Особенности управления аграрным сектором – <http://naukarus.com>.

ҒАН ВА ЖАМОАТ АРБОБИ

Ўзбекистон илмий жамоатчилиги шу кунларда Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг иқтисодий салоҳиятининг ўсишига катта ҳисса қўшган атоқли олим, давлат ва жамоат арбоби академик Саидмахмуд Нўъмонович Усмонов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонламоқда.

У кишини ўйлар эканман, қандай танишганимни эслайман. Бу воқеа 1956 йилда юз берган эди. Отам — Абдулҳақ Тоиров у пайтда, ҳозирги Адлия вазирлиги жойлашган бинодаги Тошкент олий партия мактабида таҳсил оларди. Отам экимиз, у киши бир ёш йигит билан катта ҳурмат кўрсатиб саломлашдилар ва кейин ҳавас билан менга: “Қара, у биз — партия мактаби тингловчиларига нисбатан анча ёш. Аллақачон фан номзоди бўлибди. Бу бизнинг ўқитувчимиз Саидмахмуд Усмонов бўлади. У ҳаммасига тинмай тиришиб, аъло ўқиб эришган. Яхши ўқиб керак”, дедилар. Йиллар ўтиб, биз С.Усмонов билан турли шароитларда учрашиб турдик, Тошкент вилояти биринчи ҳокими бўлган С.Сайдалиев, иқтисод фанлари доктори А.Мўминов, иқтисод фанлари номзоди Д.Зокирхўжаев ва бошқалар иштирокидаги мулоқотларда бўлдик.

Ҳақиқатда ҳам, аллоҳнинг ҳаёт йўли ибратлидир. Саидмахмуд Нўъмонович 1980 йилда иқтисодиёт фанлари доктори, 1981 йилда профессор бўлган, 1988 йилда эса Қишлоқ хўжалик академияси академиги этиб сайланган. У қишлоқ хўжалик иқтисодиётини ривожлантириш бўйича назарий ва амалий долзарб масалалар тадқиқ этилган қатор илмий асарлар муаллифидир.

С.Усмонов 1929 йилда таваллуд топган. Қишлоқ хўжалик олийгоҳини тамомлагандан сўнг, меҳнат фаолиятини 1951 йилда Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Пахтачилик илмий-тадқиқот институтида бошлаган. 1954 йилда аспирантурани тугатгандан сўнг кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1954-1956 йилларда Пахтачилик илмий-тадқиқот институти иқтисодиёт бўлими катта илмий ходими сифатида фаолият кўрсатган.

1956 йилда у номзодлик диссертациясини ёқлайди ва Тошкент олий партия мактаби иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси бўлиб иш бошлайди.

1958 йилдан эътиборан Саидмахмуд акани республика миқёсида раҳбар лавозимларга тавсия эта бошлашади.

Шуни қайд этиш керакки, менинг катта амаким — Абдулҳай ака Тоиров ўз вақтида Сурхондарё вилоят ижроия қўмитаси раиси бўлиб ишлаган эди. 1960 йилда у киши “Главголодностепстрой” бош бошқармаси бошлиғи А.Саркисовга ўринбосар этиб тайинланади ва умрининг охиригача (1988 йил вафот этганлар) фидойиларча қўриқ ерларни ўзлаштириш масалалари билан



шуғулланганлар. Шунинг учун, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, миннатдор бўлган чўлқуварлар, Мирзачўлда у кишига ҳайкал ўрнатдилар. ... А.Тоировдан кейин С.Усмонов Сурхондарё вилоят ижроия қўмитаси раиси этиб сайланади. Бу икки арбоб ўртасида яқин дўстона алоқалар мавжуд эди...

Олим, катта ташкилотчилик қобилиятлари ва чуқур иқтисодий билимларга эгаллигини ҳисобга олиб, уни 1962 йилда Куба давлати ҳукумати қoшидаги бош маслаҳатчи ташкилотчилар гуруҳи раҳбарининг ўринбосари этиб тайинлашади.

1963-1964 йилларда С.Усмонов республика қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатади. 1964-1973 йилларда — 9 йил давротида, у катта маҳорат билан Самарқанд вилоятига раҳбарлик қилади.

1973-1976 йилларда Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти Ўрта Осиё илмий-тадқиқот

институти директори ўринбосари, 1976 йилдан бошлаб эса ушбу институт директори бўлиб ишлайди. Институтга раҳбарлик қилар экан, С.Усмонов Ўрта Осиё минтақасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш, уларни мувофиқлаштириш масалаларига катта эътибор берди. Унинг раҳбарлигидаги институт Марказий Осиёда катта обрўга эга илмий марказга айланди. 10 йил давомида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоялаш бўйича ихтисослаштирилган Кенгашга раислик қилди. 1991-1997 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги академияси вице-президенти, кейин президенти лавозимларида фаолият кўрсатди, 1997-2000 йилларда Ўзбекистон бозор ислохотлари

илмий-тадқиқот институти консультанти вазифасини бажарди. Ўзбекистон иқтисодчилари уюшмасига президентлик қилди. Олим 200 дан ортиқ илмий асарлар, шу жумладан 7 та монография ва дарсликлар муаллифидир. Шахсан у кишининг раҳбарлигида 8 та докторлик ва 30 та иқтисодиёт фанлари номзоди учун диссертациялар тайёрланиб муваффақият билан ёқланди.

Олим томонидан агро-саноат мажмуаси корхоналари бозор иқтисодиётига ўтиш назарияси ва меха-

низмлари ишлаб чиқилган ва ҳаётга тадбиқ этилган. У Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ривожланаётган йўналиш — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шахсий томорқаларда етказиш масаласига салмоқли ҳисса қўшди. У икки марта Ўзбекистон парламенти депутати этиб сайланган, кўплаб орден ва медаллар билан тақдирланган, республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи эди.

Бугунги кунда у тарбиялаган шоғирдлари мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келар эканлар, ўз устозларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар, ёш олимларни ундан урناк олишга дават қиладилар.

Н.ТОИРОВ,
сиёсатшунос.

Суратда (1970 й.): Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов (ўртада) ва Самарқанд вилоятининг раҳбари Саидмахмуд Усмонов (юқорида, чапдан иккинчи) чет эллик меҳмонлар билан суҳбатлашишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV ХО‘ЖАЛИГИ

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Аброр ВАХАБОВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Алишер МАҚСУДОВ
Мурат САЛИХОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Мурод АШУРОВ

2019 йил,
№7. Июль

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	1
Ш.ТЕШАЕВ. Еримизнинг ҳар қаричи қадри	3
Ф.ТЕШАЕВ, Ш.АБДУЛИМОВ, Б.НИЁЗЛИЕВ, Ф.ҲАСАНОВА. Бу йил гўза ҳар йилгидан кеч ривожланмоқда Бундай шароитда нималага эътибор бериш керак?	5
Р.НАЗАРОВ. Ғўзани чилпиш муҳим тадбир	6
Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА. Болга тўлар боғу тоқзорлар	7
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Сабзавотчиликда июл ойи август юмушлари	8
М.ТОШБОЛТАЕВ. Таъмирланган машина сифатини тегиштириш	10
С.МАВЛАНОВ, Б.ЭЛМУРОДОВ, А.НУРУЛЛАЕВ. Ёз фаслида чорва ҳайвонларини касалликлардан асраш	11
Х.КАРИМОВ. Изланган иқтисод қилади	13
Э.НУРОВА. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури – амалда	14
Сувчиларнинг ёрдамчи хўжаликлари	15
Ш.ЖАББАРОВА. Янги технологиялар	16
К.ЭРГАШЕВ. Боғдорчилик сермахсул соҳа	17
Тармоқ такомиллашмоқда	18
Ш.МАМАДЖОНОВ. Она ўзбекистонимдан фахрланиб яшайман	18
Ш.СОДИҚОВА. Шарафли касб соҳиби	19
Р.ТОЖАЛИЕВА. Юксаликка интилиш завоқи	19
Р.ЮСУПОВА. Фикри теран фермерлар	20
Онамнинг гиламлари	20
60 центнер чегара эмас	21
Р.ҚОЗОҚОВ. Гуллар кўсакка айланганда	22
К.ҲАЙИТБОЕВ. Дангаранинг дондор жамоаси	23
Буюк ипак йўлларида ипак толалар	24
Ш.СОДИҚОВА. Экспортчи корхона	25
Обрў ва мавқеи тикланаётган тармоқ	26
Узунда шундай деҳқон бор	27
Мулкка муносабат ўзгарди	28
М.КОМИЛОВ, Ҳ.АШУРОВ. Уқувчилар ҳузурида	29
Б.ХАЛИКОВ, Н.ДЖУМАБАЕВА, И.РУСТАМОВА. Қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш – давр талаби	31
Ж.КУРБАНОВ, И.КОПЕСНИКОВ. Қишлоқ хўжалигида дронларни қўллаш	33
Н.ТОШПУЛАТОВ. Сув қудуғи (скважина)ни тозалашнинг янги ечим	34
И.ЭГАМОВ, Т.РАХИМОВ, Н.ЮСУПОВ. Бошоқли дон экинлари селекциясининг асосий йўналишлари	35
Ж.МАМАДЖОНОВ. Мульчашнинг тупроқ ҳарорати ва кўкат-ўғит сифатида экиланган жавдор уруғларининг униб чиқишига таъсири	36
А.ЖАНГАБАЕВА, К.ЖАҲҲОНБАЕВА, А.САИТОВА. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида топинамбур ўсимлигининг "Файз-Барақа" ва "Мўъжиза" навлари кимёвий таркиби ва миқдори	37
С.САЛИЕВ, Х.ДАВЛАТОВ. Иситилмайдиган иссиқхоналарда баклажон етиштиришнинг афзалликлари	38
С.АБДУРАХМОНОВ, И.АБДУЛЛАЕВ, М.АКРАМОВА. Бентонит лойқасининг тупроқ агрофизик хоссаларига таъсири	39
К.ИРНАЗАРОВА. Арпа донининг озиқ-овқатлик қиймати	40
Д.РАХМАНОВ, З.АХМЕДОВА, Т.ШОНАХУНОВ. Курганное силосование	40
И.ИСЛОМОВ. Вильт касаллигига қарши курашиш ва уни йўқотиш чора-тадбирлари хусусида	41
А.ПЕТРОВ, И.МАХМУДОВ. Технология производства холодной композиции в условиях приобъектных баз ГТС и её применение для антикоррозионной и антифилтративной защиты элементов сооружений	42
А.САДРИДДИНОВ, Н.САФАРОВА, Х.УТАГАНОВ. Кўмилган тоқларни очиш технологияси ва машиналари	43
А.ХАСИЛБЕКОВ, А.БЕКНАЗАРОВ, Р.РАББИМОВ, Ш.ЁДГОРОВА. Сифатли жун хомашёсини тайёрлаш ускунаси	44
У.ТУРСУНОВ. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархи ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари	45
Н.АКРАМОВА, К.БОБОНАРОВА. Внедрение инновационных и научно-технических методов управления в аграрный сектор Республики Узбекистан	46
Н.ТОИРОВ. Фан ва жамоат арбоби	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш.,
Шайхонтоҳур т., А. Навоий к., 44-уй.
Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.

www.qxjurnal.uz

E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
qxjurnal@agro.uz

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2019 йил 1 июль.
Босишга рухсат этилди: 2019 йил 2 июль.
Қогоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №22. Нухаси 1800 дона.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА